13.	B	8,00	38.	Yb	0,067
14.	Pb	1,900	39.	Eu	0,049
15.	Sn	1,55	40.	Hf	0,046
16.	Mo	1,40	41.	Be	0,040
17.	Sb	1,40	42.	Ho	0,033
18.	Zr	1,24	43.	Tb	0,028
19.	U	1,105	44.	Ag	0,019
20.	Ce	1,06	45.	Tm	0,014
21.	Y	1,00	46.	Lu	0,012
22.	Bi	0,905	47.	In	0,008
23.	Nd	0,80	48.	Re	0,005
24.	Se	0,675	49.	Ta	0,004
25.	Ga	0,625	50.	Pt	0,001
			51.	Au	0,001

Согласно данным, представленных в таблице 2, минеральный состав вайды красильной включает 51 элемент. Обнаруженные в листьях вайды красильной калий, кальций, магний, фосфор, цинк, медь, марганец и др., оказывающие положительное действие на жизнедеятельность организма минеральные элементы, в определенной степени способствуют повышению фармакологической ценности данного лекарственного растительного сырья благодаря сочетанию с его основными биологически

активными веществами [6]. Содержание токсичных элементов не превышает ПДК.

**Выводы.** В результате проведенного исследования определен аминокислотный и минеральный состав листьев вайды красильной, выращиваемой в Узбекистане. Накопление в исследованном сырье значительного количества аминокислот и полезных минеральных веществ позволяют рассматривать ее как ценный источник получения эффективных и безопасных лекарственных средств с поливалентными свойствами [1].

## Список литературы:

1. Давитавян Н.А., Сампиев А.М. Изучение аминокислотного и минерального состава сухого экстракта из травы стальника полевого // Журнал научных статей Здоровье и образование в XXI веке. - 2017. - Т. 19. - № 10. - С. 347-350.
2. Лысыков Ю.А. Аминокислоты в питании человека. -М.: Медицина, 2008. -18 с.
3. Неорганическая химия. Конспект лекций: учебное пособие
4. Абу Али ибн Сино. Канон врачебной науки. II том. - Ташкент, 1996.
5. Пимонов К.И., Токарева С.П. Вайда красильная, Монография // Персиановский, 2018. -

216 с.

6. Тоштемирова Ч.Т., Пулатова Д.К., Жалилова У.А., Нормомахаматов Н.С., Изучение химического состава надземной части базилика обыкновенного // Science Time, 2019. - № 4 (64). - С. 57-61.
7. Пирназарова А.Х., Урманова Ф.Ф. Изучение минерального состава редьки посевной культивируемой в Узбекистане // Интернаука, 2019. - № 18-1 (100). - С. 63-64.
8. Отражение био-, гео-, антропоферных взаимодействий в почвах и почвенном покрове: сборник материалов V Международной научной конференции, посвященной 85-летию кафедры почвоведения и экологии почв ТГУ (7–11 сентября 2015 г., г. Томск, Россия), 9 стр.
9. 10. Steven A., Cohen Daviel J. Amino acid analysis utilizing phenylisothiocyanate derivatives // Jour. Analytical Biochemistry – 1988. – V.17. – № 1. –P. 1-16.

Назирова Мухаммаджон Абдулахад ўгли, Пулатова Дилдора Қахрамоновна, Урманова Флюра Фаридовна, Рахимова Гулрух Куркмасовна

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ЎСМА ЎСИМЛИГИНИ АМИНОКИСЛОТА ВА МИНЕРАЛ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ

Тошкент фармацевтика институти, Ташкент ш., Ўзбекистон Республикаси

\*e-mail: [nazirov3323@gmail.com](mailto:nazirov3323@gmail.com)

Ўсма барги таркибидаги аминокислота ва элемент таркиби ўрганилди. Олиб берилган изланишлар натижасида ўсма барги таркибида 20 аминокислота, булардан 8 таси эссенциалмаштинмайдиغان аминокислоталар. Шунингдек 51 та элемент таркиби аниқланди. Олинган натижалар махсулотни кимёвий тавсифи ва кейинчалик унинг стандартизациясида фойдаланилади.

**Таянч иборалар:** ўсма, аминокислоталар, минерал элементлар, юкори самарали сувлик хроматографияси (ЮССХ), индуктив боғланган плазма масс-спектрометрияси.

Nazirov Mukhammadjon Abdulahad ugli, Pulatova Dildora Kakhramonovna, Urmanova Flura Faridovna, Rakhimova Gulrukh Kurkmasovna

### STUDY OF THE AMINO ACID AND MINERAL COMPOSITION OF VAIDA DYEING CULTIVATED IN UZBEKISTAN

Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Republic of Uzbekistan

\*e-mail: [nazirov3323@gmail.com](mailto:nazirov3323@gmail.com)

The amino acid and elemental composition of the leaves of vaida dyeing was studied. As a result of the conducted studies, it was found that the leaves of vaida dyeing contain 20 amino acids, 8 of which are essential. And the presence of 51 mineral elements in them was also noted. The obtained data will be used for the chemical characterization of raw materials and their subsequent standardization.

**Key words:** vaida dye, amino acids, mineral elements, high-performance liquid chromatography (HPLC), inductively bound plasma mass-spectrometry.

УДК: 615.32:633.88

Ахметбеков Азамат Кайрат-улы\*, Саякова Галия Мырзагалиевна, Ибадуллаева Галия Саруаровна, Жаксылыков Нурсултан Нурланович

## ФАРМАКОГНОСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТРАВЫ КИПРЕЯ УЗКОЛИСТНОГО (*CHAMERION ANGUSTIFOLIUM* L.)

НАО Казахский Национальный Медицинский Университет имени С.Д.Асфендиярова  
\*akhmetbekov\_azamat@mail.ru и avicenna.kz@bk.ru

В статье приведены результаты исследования сырья Кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.), произрастающего в Казахстане. Изучены макро- и микроскопические признаки сырья, определено содержание биологически активных веществ. Установлены числовые показатели доброкачественности и чистоты сырья в рамках товароведческого анализа. Определены содержание суммы флавоноидов, в пересчете на рутин, содержащее не менее 3,22%. Полученные результаты использованы для стандартизации и разработки критериев контроля качества анализируемого отечественного сырья.

**Ключевые слова:** Кипрей узколистный, лекарственное растительное сырье, фармакогностический анализ, биологически активные вещества, флавоноиды, рутин, стандартизация.

Кипрей узколистный или как называют в народе Иван-чай в качестве целебного напитка впервые упоминается в рукописях XII века [1]. Растение известно давно, однако недостаточно изучен, что свидетельствует о малом применении в медицинской практике. Кипреем он зовется по названию семейства – кипрейные, его выделяют и, как ослинниковые (*Onagraceae* Juss.) [2]. Семейство включает в себя порядка 22–24 родов и более 640 видов, некоторые из которых могут послужить активной фармацевтической субстанцией для приготовления лекарственных средств [3].

Растение растёт по бореальной и субарктической зоне всей Европы, Азии и Америки. Имеет широкое распространение во многих областях России и странах СНГ [4].

В Казахстане произрастают 8 видов *Onagraceae* Juss, включенных в аннотированный список лекарственных семейств. Среди них особое внимание привлекает кипрей узколистный (*Chamerion angustifolium* L.), как перспективный источник сырья для получения отечественных фитопрепаратов с противовоспалительным действием [3].

На территории Казахстана кипрей узколистный (*Chamerion angustifolium* L.) произрастает во всех областях. Местами обитания растения считают луговую, лугово-степную и горно-луговую местности, на юге до пределов лесного пояса, поднимающихся в горы. Встречается в горах Алматинской области и в бассейне реки Иртыша, в лесной и лесостепных зонах по негустым темнохвойным, смешанным, сосновым, лиственничным и берёзовым лесам, по лесным опушкам, по насыпям вдоль дорог, в посевах [4]. Монографии для сырья кипрея узколистного в Государственной Фармакопее Республики Казахстан (ГФ РК) и в фармакопях, действующих на территории Республики Казахстан, не представлены. Поэтому, комплексное фармакогностическое исследование сырья кипрея узколистного для разработки критериев контроля качества является актуальным вопросом.

В настоящее время сотрудниками КазНМУ имени С.Д.Асфендиярова проводятся соответствующие научные исследования отечественного лекарственного растительного сырья - Кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.).

Целью данной работы является изучение свойств и характеристик



фармакогностическим и фармакопейным методами анализа кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.), произрастающего на территории Казахстана, как источника биологически активных веществ.

**Материал и методы.** В качестве объекта исследования были использованы травы, заготовленные надлежащим способом от дикорастущих образцов кипрея узколистного, произрастающих на территории Казахстана [5]. Морфологическую группу, а также макроскопические исследования лекарственного растения определяли, согласно статьи «Определение морфологических групп лекарственных растений» ГФ РК I, т.1 [6].

При органолептическом анализе размеры листьев определяли на сухом сырье с помощью средств измерения. Цвет сухого сырья устанавливали при дневном освещении; запах – при растирании; вкус – пробуя кусочек сухого сырья или его отвар.

Микроскопические исследования проводили по методикам, описанных в ГФ РК I в соответствии с общепринятыми методиками [7,8]. Временные микропрепараты были изготовлены с помощью микроотома с замораживающим устройством

ГОС-2. Микропрепараты рассматривали под микроскопом МС 300 с видеокамерой CAMV400/1.3М и электронного микроскопа Star-Media (Германия). Фитохимический анализ экстрактов травы кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.), проводили методом газожидкостной хроматографии (ГЖХ) [9]. Количественное содержание суммы флавоноидов, в пересчете на рутин в густом экстракте определяли спектрофотометрическим методом (ГФ РК I, т. 1, 2.2.25).

**Результаты и обсуждение.** Кипрей узколистный (*Chamerion angustifolium* L.) является травянистым многолетним растением, с мощным ползучим корневищем, достигающий высоты 2 м. [1]. Исследовались все части растения: верхняя часть на стадии цветения, листья и корневище. Стебли растения с очередными темно-зелеными листьями, покрытыми снизу сизоватым опушением. Цветки розово-малиновые, собраны в длинные верхушечные кисти длиной 10-45 см, стебель и цветоносы также иногда окрашены в этот цвет (рис.1). Период цветения: с июня до сентября, плоды с августа.



Рис.1. Внешний вид кипрея узколистного

При макроскопическом анализе кипрея узколистного выявлено:

1) ползучее корневище – хорошо развитое, имеет многочисленные отростки. Листья очередные, сидячие или короткочерешковые, вытянутой формы,

тонкими заостренными верхушками;


2) цветки – широко раскрытые, окрашены в пурпурный или ярко-розовый оттенок, собирающиеся в коническую кисть в верхней части растения;

3) плод – вытянутая коробочка с

многочисленными мелкими семенами внутри.

Нами при помощи электронных микроскопов PrimaStar и Star-Media

(Германия), было проведено микроскопическое исследование (рис.2).



Формы клеток эпидермиса

Формы устьиц

Формы волосков

### Рис.2. Морфология травы кипрея узколистного

При микроскопическом анализе поперечного среза травы были выявлены следующие диагностические признаки:

1) клетки эпидермы стебля многоугольные, прозенхимные. На поперечном срезе стебля под одноклеточным слоем эпидермы расположен слой механических элементов;

2) камбии достаточно хорошо выражен;

3) проводящие элементы ксилемы располагаются лучами, сужающимися у центра;

4) в центре стебля находятся крупные, тонкостенные, рыхло расположенные клетки основной паренхимы;

5) формы устьиц овальные. Волоски простые, многоклеточные, гусенице-видные.

Нами проводилось выделение биологически активных веществ (БАВ) из растительного сырья следующим образом: 2,0 г исследуемого объекта экстрагировали 70% этиловым спиртом (ранее проводили экспериментальные опыты с разными концентрациями этилового спирта – 30, 40, 70, 90, 95% и другие органические растворители) при нагревании на кипящей водяной бане в течении 2 часов (соотношение 1:10), затем фильтровали и использовали по 2 мл для качественного исследования.

В рамках фитохимического анализа травы кипрея узколистного, как сказано

выше, предварительно нами был подобран оптимальный растворитель (спирт этиловый в концентрации 70%) для эффективного извлечения биологически активных веществ [8]. При подборе экстрагента брали соотношение сырья разной концентрации растворителя. Навеску взвешивали на аналитических весах массой равной 10 г добавляли разные растворители, начиная с 50% ацетона в соотношении 1:3. Ожидали 15-20 минут, до полного набухания. Затем пробовали добавлять до полного набухания сырья в соотношениях 1:5, 1:7 и 1:10. В нашем случае оптимальным соотношением было 1:10.

Траву кипрея узколистного можно рассматривать также, как богатый источник антиоксидантов. Фенольные соединения представлены: катехинами и их галлатами, галловой кислотой и гликозидом галловой кислоты, флавоноидами (кверцетин, апигенин, кемпферол). В самых высоких концентрациях обнаружено содержание эпикатехингаллата ( $5,00 \pm 0,126\%$ ) [8]. Также, нами было проведено количественное определение флавоноидов в экстрактах в пересчете на рутин. Для этого брали 1 мл полученного экстракта (раствор А) помещали в круглодонную колбу вместимостью 50 мл, прибавляли 2 мл 2% раствора алюминия хлорида, помещали на 3 минуты в кипящую водяную баню, быстро

взвешивали и количественно переносили при помощи 10 мл спирта этилового 95% в мерную колбу вместимостью 25 мл, прибавляли 2 мл буферного раствора с pH 3.8, доводили объем раствора 95% этанолом до метки и перемешивали. Измеряли оптическую плотность на спектрофотометре марки Бекман (Германия) полученного раствора через 40 минут при длине волны 410 нм в кювете с толщиной слоя 10 мм, используя в качестве раствора сравнения раствор, состоящий из 2 мл раствора А, 2 мл буферного раствора с pH 3.8, помещенный в мерную колбу вместимостью 25 мл и доведенный спиртом этиловым 95% до метки. Содержание суммы флавоноидов (X) в процентах в пересчете на рутин и абсолютно сухое сырье вычисляли по формуле (1):

$$X = \frac{D \cdot 100 \cdot 100 \cdot 25}{248 \cdot m \cdot (100 - W)} \quad (1)$$

где:

D – оптическая плотность испытуемого раствора;  
 m – масса навески сырья, г;  
 248 – удельный показатель поглощения комплекса рутина с алюминия хлоридом при 410 нм;  
 W – потеря в массе при высушивании сырья, %.

**Приготовление 2% раствора алюминия хлорида.** 2 г алюминия хлорида помещают в мерную колбу вместимостью 100 мл, растворяют в 50 мл спирта этилового 95%, доводят объем раствора тем же растворителем до метки, перемешивают. Срок годности раствора 3 месяца.

**Приготовление буферного раствора с pH 3.8.** 10 мл 1 М раствора натрия гидроксида помещают в мерную колбу вместимостью 100 мл, прибавляют 84.3 мл 1 М раствора кислоты уксусной, доводят объем раствора водой, очищенной до метки и перемешивают. Срок годности раствора 1 месяц.

**Примечание\*** При измерении оптической плотности экстрактов, сравненных с помощью традиционной экстракции, растворы разбавили в 5 раз.

При определении количественного содержания суммы флавоноидов спектрофотометрическим методом было установлено, что она в пересчете на рутин в абсолютно густом экстракте составляет не менее 3,22%.

Проведенные научные исследования на микробиологическую чистоту показали, что растительное сырье соответствует требованиям ГФ РК I, т. 1, 5.1.4, категория 3 В. Общее число жизнеспособных аэробных микроорганизмов: не более  $10^4$  бактерий и не более  $10^2$  грибов в 1 г. Не более  $10^2$  энтеробактерий и некоторых других грамотрицательных бактерий в 1 г. Отмечается отсутствие *Salmonella* в 10 г, *Escherichia coli* в 1 г. и *Staphylococcus aureus* в 1 г сырья.

Определены показатели подлинности, доброкачественности, количественного содержания лекарственного растительного сырья - кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.), произрастающих в Республике Казахстан в соответствии с государственными стандартами фармакопеи и фармакогностическим методикам и методам.

Подлинность исследуемого лекарственного растительного сырья устанавливается путем: проведения качественного обнаружения и микроскопического анализа кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.), а доброкачественность - устанавливается определением: влажности, общей золы, золы нерастворимой в 10% HCl, примеси, а также отсутствием плесени, амбарных вредителей и надлежащим количеством действующих веществ.

Установлены следующие товароведческие показатели: посторонние примеси (корней, почерневших в изломе не более 5%), органической примеси (не более 0,5%), минеральной примеси (не более 0,5%), потеря в массе при высушивании (не более 12%), общая зола (не более 7%), зола, нерастворимая в 10% кислоте хлороводородной (не более 1%).

**Выводы.** С помощью макроскопического и микроскопического анализов установлены основные диагностические признаки строения травы кипрея узколистного. Установлены числовые показатели

охлаждали и количественно переносили при помощи 10 мл спирта этилового 95% в мерную колбу вместимостью 25 мл, прибавляли 2 мл буферного раствора с рН 3.8, доводили объем раствора 95% этанолом до метки и перемешивали. Измеряли оптическую плотность на спектрофотометре марки Бекман (Германия) полученного раствора через 40 минут при длине волны 410 нм в кювете с толщиной слоя 10 мм, используя в качестве раствора сравнения раствор, состоящий из 2 мл раствора А, 2 мл буферного раствора с рН 3.8, помещенный в мерную колбу вместимостью 25 мл и доведенный спиртом этиловым 95% до метки. Содержание суммы флавоноидов (X) в процентах в пересчете на рутин и абсолютно сухое сырье вычисляли по формуле (1):

$$X = \frac{D \cdot 100 \cdot 100 \cdot 25}{248 \cdot m \cdot (100 - W)} \quad (1)$$

где:

D – оптическая плотность испытуемого раствора;

m – масса навески сырья, г;

248 – удельный показатель поглощения комплекса рутина с алюминия хлоридом при 410 нм;

W – потеря в массе при высушивании сырья, %.

**Приготовление 2% раствора алюминия хлорида.** 2 г алюминия хлорида помещают в мерную колбу вместимостью 100 мл, растворяют в 50 мл спирта этилового 95%, доводят объем раствора до метки, перемешивают. Срок годности раствора 3 месяца.

**Приготовление буферного раствора с рН 3.8.** 10 мл 1 М раствора натрия фосфата помещают в мерную колбу вместимостью 100 мл, прибавляют 84.3 мл 0.1 М раствора кислоты уксусной, доводят объем раствора водой, очищенной до метки и перемешивают. Срок годности раствора 1 месяц.

**Примечание\*** При измерении оптической плотности экстрактов, полученных с помощью традиционной методики, растворы разбавили в 5 раз.

При определении количественного содержания суммы флавоноидов спектрофотометрическим методом было установлено, что она в пересчете на рутин в абсолютно густом экстракте составляет не менее 3,22%.

Проведенные научные исследования на микробиологическую чистоту показали, что растительное сырье соответствует требованиям ГФ РК I, т. 1, 5.1.4, категория 3 В. Общее число жизнеспособных аэробных микроорганизмов: не более  $10^4$  бактерий и не более  $10^2$  грибов в 1 г. Не более  $10^2$  энтеробактерий и некоторых других грамотрицательных бактерий в 1 г. Отмечается отсутствие *Salmonella* в 10 г, *Escherichia coli* в 1 г. и *Staphylococcus aureus* в 1 г сырья.

Определены показатели подлинности, доброкачественности, количественного содержания лекарственного растительного сырья - кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.), произрастающих в Республике Казахстан в соответствии с государственными стандартами фармакопеи и фармакогностическим методикам и методам.

Подлинность исследуемого лекарственного растительного сырья устанавливается путем: проведения качественного обнаружения и микроскопического анализа кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.), а доброкачественность - устанавливается определением: влажности, общей золы, золы нерастворимой в 10% HCl, примеси, а также отсутствием плесени, амбарных вредителей и надлежащим количеством действующих веществ.

Установлены следующие товароведческие показатели: посторонние примеси (корней, почерневших в изломе не более 5%), органической примеси (не более 0,5%), минеральной примеси (не более 0,5%), потеря в массе при высушивании (не более 12%), общая зола (не более 7%), зола, нерастворимая в 10% кислоте хлороводородной (не более 1%).

**Выводы.** С помощью макроскопического и микроскопического анализов установлены основные диагностические признаки строения травы кипрея узколистного. Установлены числовые показатели

доброкачественности и чистоты лекарственного растительного сырья, количественное содержание суммы действующих веществ в пересчете на рутин (не менее 3,22 %). Полученные

результаты будут использованы для разработки критериев контроля качества анализируемого сырья и дальнейшей стандартизации.

### СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Шапиро Я.С. Некоторые аспекты культивирования кипрея узколистного (*Chamerion angustifolium* L.) Holub, Onagraceae) // Известия Санкт-Петербургского аграрного университета. -2015. -№39. -С.29–31.
2. Biotechnology for Medicinal Plants. Chapter 6. Epilobium Sp. Deliu Constantin, Ana Costa and Ta mas Mircea (Wil- low Herb): Micropropagation and Production of Secondary Metabolites. Springer, -2013. 464 p.
3. Полезные растения Западной Сибири и перспективы их интродукции. Новосибирск, -2020. -380 с.
4. Abdelwahd R., Hakam N., Labhilili M., Udupa S.M. Use of an adsorbent and antioxidants to reduce the effects of leached phenolics in in vitro plantlet regeneration of faba bean // African journal of biotechnology. 2019, Vol. 7(8). -P. 997-1002.
5. Cristea V., Deliu C., Oltean B., Butiuc-Keul A., Brummer A., AlbuC., Radu G.L. Soilless cultures for pharmaceutical use and biodiversity conservation // Acta Horticulturae. 2019. vol. 843. -P.157–164.
6. Thiem B., Skrzypczak L., Lamer-Zarawska E. Micropropagation of selected Oenothera species and preliminary studies on their secondary metabolites // Acta Societatis Botanicorum Poloniae. -2019. -Vol. 68. -P.15–20.
7. Taniguchi S., Imayoshi Y., Hatano T., Yazaki K., Yoshida T. Hydrolysable tannin production in Oenothera tetraptera shoot tissue cultures // Plant Biotechnol. -2012. -Vol. 19. -P.357–363.
8. Полежаева И.В., Полежаева Н.И., Меньяло Л.Н. Исследование минерального комплекса вегетативной части *Chamerion angustifolium* L.) Holub // Химия растительного сырья. -2015.- № 4.-С. 67–70.
9. Государственная Фармакопея Республики Казахстан. – Алматы: Издательский дом «Жибек Жолы», 2008. -592с.
10. Averett J.E., Kerr B., Raven P.H. Flavonoids of Onagraceae: Epilobium sect. Epilobium // Amer. J. Bot. -2018. -Vol. 65. -P.567–570.
11. Муравьёва Д.А., Баньковский А.И. Исследование растений, применяемых в народной медицине, на содержание аскорбиновой кислоты // Труды ВНИИ лекарственных и ароматических растений. -2019. -Вып. 9. -С.39–118.
12. Романович Е.А. Лекарственные растения Северной Осетии и содержание в них аскорбиновой кислоты. Орджоникидзе, 2019.- 280с.
13. Турова А.Д., Сапожникова Э.Н. Лекарственные растения СНГ и их применение. М., -2014. -С.303–304.
14. Amer J., Hussein S.A.M., Marzour M.S., Merfort I., Linscheid M., Nawwar M.A.M. Polyphenolic metabolites of Epilobium hirsutum // Barakat NH. -2017. -Vol. 66. -P.1151–1155.
15. Liu Y., Wang C., Han Q., Yu B., Ding G. Study on chemical constituents of Chamerion angustifolium II. Tannins and related polyphenolic compounds // Chin. Trad. Herb. Drugs. -2013.-Vol. 34. -P.967–969.
16. Муллагулов Р.Т., Козлов В.Н., Пономарева Л.Ф. Изучение антиоксидантной активности лекарственных трав методом хемилюминесценции в опытах *invitro*// Вестник Волжского университета им.В.Н.Татищева. -2012. -№1. -С. 231–234.
17. Hevesi T.B., BlazicsB., Kéry Á. Polyphenol composition and antioxidant capacity of Epilobium species // Journal of Pharmaceutical and Biomedical Analysis. -2019. -Vol. 49. -P.26–31.

1. Steenkamp V., Gouws M.C., Gulumian M., Elgorashi E.E., van Staden J. Studies on antibacterial, anti-inflammatory and antioxidant activity of herbal remedies use in the treatment of benign prostatic hyperplasia and prostatitis // J. Ethnopharmacol. 2016. Vol. 103. Pp. 71–75.
2. Bevesi T.B., Blazics B., Kéry Á. Polyphenol composition and antioxidant capacity of *Epilobium* species // Journal of Pharmaceutical and Biomedical Analysis. 2019. Vol. 49. - P.26–31.
3. Бутына Т.П., Сеницына О.И., Фролова Т.С. Анализ генотоксических и антимуtagenных свойств тритерпеноидов кипрея узколистного // Проблемы современной науки. -2011.- №1.-С.3–16.
4. Rivera F., Gervaz E., Sere C., Dajas F. Toxicological studies of the aqueous extract from *Achyrocline satureioides* (Lam.) DC (Marcela) // Journal of Ethnopharmacology. -2014. -Vol. 45, N2–3. -P.359–362.
5. СЕВЕРОВА Г.М., Датхаев У.М., Кисличенко В.С. Фармакогнозия, Учебник, Москва, Издательство «Литера», 2019, -350 с.

Ahmetbekov Azamat Kairat-uly, Sayakova Galiya Myrzagalievna, Ibadullaeva Galiya Saruarovna, Zhaksylykov Nursultan Nurlanovich

### PHARMACOGNOSTIC ANALYSIS OF THE GRASS OF NARROW-LEAVED FIREWEED (*CHAMERION ANGUSTIFOLIUM* L.)

N.J.S.C.Asfendiyarov Kazakh National Medical University

The article presents the results of a study of raw materials of narrow-leaved fireweed (*Chamerion angustifolium*) growing in Kazakhstan. Macro- and microscopic characteristics of the materials have been studied, the content of biologically active substances has been determined. Numerical indicators of the merit factor and purity of raw materials have been established within the framework of merchandising analysis. determined the content of the sum of flavonoids, in terms of rutin, containing not less than 3.22%. The results obtained are used to develop quality control criteria for the analyzed domestic raw materials.

**Keywords:** narrow-leaved fireweed, medicinal plant raw materials, pharmacognostic analysis, biologically active substances, flavonoids, rutin, standardization.

Ahmetbekov Azamat Kayrato'g'li, Sayakova Galiya Myrzagalievna, Ibadullaeva Galiya Saruarovna, Jaksylikov Nursulton Nurlanovich

### TOR BARGLI IVAN-CHOY (*CHAMERION ANGUSTIFOLIUM* L.) YER USTKI QISMINI FARMAKOGNOSTIK TAHLILI

S.D. Asfendiyarov nomidagi Qozog'iston milliy tibbiyot universiteti

Maqolada Qozog'istonda o'sadigan tor bargli ivan-choy (*Chamerion angustifolium* L.) mahsulotini o'rganish natijalari keltirilgan. Xom ashyoning makroskopik va mikroskopik xususligi o'rganildi, biologik faol moddalarning tarkibi aniqlandi. Tovarshunoslik tahlili asosida xom ashyoning sifatini va tozaligini belgilovchi sonli ko'rsatkichlari aniqlandi. Flavonoidlar tarkibidagi rutiniga nisbatan 3,22% dan kam emasligi aniqlandi. Olingan natijalar tahlil natijalariga asoslangan mahalliy xom ashyoni standartlashtirish va sifat nazorati mezonlarini ishlab chiqish uchun ishlatilgan.

**Tayanch iboralar:** tor bargli ivan-choy, dorivor o'simlik mahsuloti, farmakognostik tahlil, biologik faol moddalar, flavonoidlar, rutin, standartlashtirish.

УДК 547.918:547.486.2:543.42

Исаев Юсупжон Тожимаматович\*, Асқаров Иброхим Рахмонович, Эгамбердиев Достон Усмонжон ўғли, Отахонов Қобулжон Қахрамонович, Рустамов Санжар Ашираниевич

### ШИРИНМИЯ ИЛДИЗИ ТАРКИБИДАГИ ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИ МИҚДОРИНИ СПЕКТРОФОТОМЕТРИК УСУЛДА АНИҚЛАШ

Андижон давлат унивеерситети

e-mai:yusufjon\_67@inbox.ru

Ҳозирда ширинмия илдизи асосида кўплаб касалликларни олдини олиш ва даволашда фойдаланиб келинаётган суюқ ва қуруқ экстрактлар, фиточойлар мавжуд. Бу маҳсулотларни қиймати асосан ширинмия илдизи таркибидаги тритерпен сапонин глицирризин кислотасини миқдорига боғлиқ. Ушбу мақолада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, таркибида ширинмия илдизи сақловчи фиточойлар таркибидаги глицирризин кислотаси миқдорини фотометрик таҳлил усулида аниқлаш натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** ширинмия илдизи, илдиз экстракти, глицирризин кислотаси, фотометрик таҳлил.

Ҳозирда ноанъанавий озиқ-овқат хом ашёси, яъни доривор ўсимликлардан озиқ-овқат кўшимчалари сифатида фойдаланишнинг долзарблиги сезиларли даражада ошди. Доривор ўсимликлар тиббиёт, ветеринария ва озиқ-овқат саноатида озиқ-овқат кўшимчалари сифатида кенг қўлланиб келинмоқда. Буларга ёввойи доривор ўсимликлардан ширинмия, кичитки ўт, отқулоқ, қушқўнмас, оддий печак, итузум ва бошқа ўсимликлар киради [1].

Доривор ўсимликлардан фойдаланиш афзалликларидан бири уларнинг паст токсиклиги ва ёнаки таъсирсиз узок муддат фойдаланиш имконини беради. Улар ҳаёт учун зарур бўлган деярли барча таркибий қисмларни: витаминлар, минерал бирикмалар, органик кислоталар, танинлар, флавоноидлар, эфир ва ёғлар, фитостероллар ва бошқа муҳим бирикмаларни ўз ичига олади [2].

Доривор ўсимликлар хом ашёсидан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида фойдаланиш соҳалари кенгайиб бормоқда. Жумладан: фиточойлар, қандолатчилик, консервалашда, алкогольсиз ичимликлар тайёрлашда ҳамда бошқа соҳаларда кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни қандолат маҳсулотлари, алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда, консервалашда фармацевтика саноатида турли-хил

йиғмалар тайёрлашда доривор ўсимлик хом ашёсидан фойдаланиб келинмоқда [3].

Ҳозирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таркиби юқори озуқавий қийматга хос, табиий келиб чиқиши маҳаллий хом ашёлар асосида юқори кўшилган қийматга эга яллиғланишга қарши, бактерицид, балғам кўчирувчи, гепатопротектор ҳамда антиоксидант хоссаларига эга биологик фаол озиқ-овқат йўналишдаги технология ишлаб чиқилган [4]. Доривор ўсимликлар асосида турли хил йиғмалар, сироплар, қуруқ экстрактлар, фиточойлар каби биологик фаол кўшимчалар ишлаб чиқилмоқда. Шундай доривор ўсимликлардан бири ширинмия ўсимлиги бўлиб ўзининг бой кимёвий таркиби билан ҳозирда фармацевтика саноатида ўсимлик хом-ашёларидан олинган компонентлар асосида амалий тиббиётда фойдаланиб келинаётган таркибида глицирризин кислотаси сақловчи препаратлардан фойдаланиб келинмоқда. Бундан ташқари ширинмия илдизи асосида бир қанча биологик фаол кўшимчалар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилмоқда. Ширинмия илдизи таркибида асосий таъсир этувчи компонентлар глицирризин кислотаси, фенол бирикмалар ҳамда углеводлар ҳисобланади. Таркибида ширинмия илдизи сақловчи биологик фаол кўшимчаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичи унинг

таркибидаги тритерпен сапонин глицирризин кислотасининг миқдорига боғлиқ. Адабиёт маълумотларидан маълум бўлдики, таркибида ширинмия ўсимлиги сақловчи биологик фаол қўшимчалар дунё бўйича 1800 тага яқин [5].

Таркибида ширинмия ўсимлиги сақловчи биологик фаол қўшимчалар ва глицирризин кислотаси сақловчи препаратларни сифат ва миқдор кўрсаткичлари давлат фармакопеяси томонидан тартибга солинади. Фармакопея талабларига кўра ширинмия ўсимлиги сақловчи биологик фаол қўшимчаларда намлик 14 % дан кўп бўлмаслиги, умумий кул миқдори 8 % дан тозаланган илдизда 2,5 %) ошмаслиги майдаланган ва кукун кўринишидаги илдизда 2,5 % дан, бегона қўшимчалардан тозаланмаган 1 % дан, бегона қўшимчалардан тозаланган 0,5 % дан минераллардан тозаланмаган ширинмия ўсимлиги сақловчи биологик фаол қўшилмаларда умумий кул миқдори 1 % дан ошмаслиги керак. Дунё мамлакатлари фармакопеясида шиллик, урал ширинмияси илдизи асосида олинган биологик фаол қўшимчаларни сифат ва миқдорий кўрсаткичларини белгилашда асосий компонентлардан бўлган глицирризин кислотасини аниқлашга қаратилган бир қанча тадқиқотлар амалга ошириб ўтилган [5].

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳозирда доривор ўсимликлар асосида дамламалар тайёрлаш учун турли турдаги курук ўсимлик материали ёки фитомалар, фиточойлар ишлаб чиқарилмоқда. Мана шундай биологик препаратлардан бири “Солодки корни” номи билан “ZAMONA RANO” МЧЖ (Тошкент вил., Паркент тумани) да ишлаб чиқарилиб балғам кўчирувчи ва келинганлишга қарши восита сифатида истеъмолга чиқарилган. Ушбу маҳсулотни сифат ва миқдорий кўрсаткичи асосан илдиз таркибидаги глицирризин кислотасини миқдорига боғлиқ. Амалдаги фармакопея талабларига асосан маҳсулот таркибида глицирризин кислотасини миқдори 6 %дан кам бўлмаслиги керак.

Маълумки, илдиз таркибидаги глицирризин кислотасининг миқдори бир нисбатда омиларга боғлиқ. Ўрганилаётган

маҳсулот таркибидаги глицирризин кислотаси миқдори белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш амалий аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

**Ишнинг мақсади:** ширинмия таркибидаги глицирризин кислотаси миқдорини фотометрик усулда аниқлашга қаратилган.

**Тажриба қисми:** эритмаларнинг оптик зичликлари ЕМС-30РС (Германия) спектрофотометрида ўлчанди. Ўрганиш объекти сифатида “ZAMONA RANO” МЧЖ да қадоқланган “Солодки корни” майдаланган курук илдиз олинди. Тажрибаларда ФС.2.5.0040.15 да тавсия этилган усулдан фойдаланилди [7].

Тажрибанинг бориши: унинг учун 2 г (аниқ тортиб) маҳсулот тортиб олиниб 100 мл ҳажмли конуссимон колбага солинди, унга нитрат кислотани ацетондаги 3% эритмасидан 20 мл қўшилди ва магнитли аралаштиргичда бир соат давомида кучли аралаштирилди. Экстракт 100 мл ли цилиндрга филтрланди ва қолган қолдиқ 10 мл ацетон билан ювилиб экстракт устига филтрланди. Худди шу жараёни цилиндр ҳажми 100 мл бўлгунча такрорланди. Ҳосил бўлган экстракт 5 дақиқа давомида қайтарма совутгич уланган колбада қайнатилди ва 200 мл стаканга ўтказилди. Колба 40 мл 96% этил спирти билан чайилиб стаканга қуйилди. Стакандаги эритмага аралаштириб турилган ҳолда аммиакни концентрланган эритмасидан кўнғир ранг бўлгунча (рН 8.3-8.6) томизилди. Чўкма Бюхнер воронкасида филтрланиб 50 мл ацетонда ювилди. Чўкма ажратиб олинди ва 50 мл тозаланган сувда эритилиб 250 мл ўлчовли колбага ўтказилди (А эритма). А эритмадан 3 мл олиб 50 мл ўлчов колбага ўтказилди, ҳажми сув билан белгигача етказилди (Б эритма). Б эритманинг оптик зичлиги 258 нм тўлқин узунлигида қалинлиги 10 мм бўлган кюветада ўлчанди. Ушбу амал яна 3 маротаба такрорланиб ўргача қиймат топилди. Маҳсулот таркибидаги глицирризин кислотасини миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланди:



$$x = \frac{B \cdot 822 \cdot 250 \cdot 50 \cdot 100}{a \cdot 3 \cdot 11000 \cdot 1000}$$

Бу ерда, B – эритмани оптик зичлиги;  
a – тортма массаси, г;  
822 – ГКнинг молекуляр массаси;  
11000 – моляр ютилиш кўрсаткичи.

**Натижалар:** Доривор препаратлар ва биологик фаол қўшимчалар таркибидаги асосий таъсир этувчи компонентларни миқдорини аниқлашни бир қанча усуллари мавжуд. Мазкур моддалар юпка қатлам хроматография (ЮҚХ), спектрофотометрия ҳамда юкори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ) усулларидан фойдаланиб аниқланиши мумкин. Европа давлатларида ЮССХ усулларидан, Россия ва айрим МДХ давлатларида ЮҚХ, спектрофотометрия усулларидан фойдаланган ҳолда текшириладиган объектларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари

аниқланади. Мамлакатимизда эса доривор препаратлар ва биологик фаол қўшимчалар таркибидаги асосий таъсир этувчи компонентларни стандартлашда давлат стандарти талаблариги мувофиқ амалга оширилади.

Шундан келиб чиқиб “Солодки корни” номи остида чиқариладиган майдаланган курук илдизнинг сифат кўрсаткичларига асосий таъсир этувчи компонентлардан бири бўлган тритерпен сапонин - глицирризин кислотасини миқдорини спектрофотометрик усулда аниқладик. Бунинг учун тайёрлаб олинган B эритманинг оптик зичлиги ўлчанди. олинган оптик зичликларини ўртача қиймати топилди ва глицирризин кислотасининг миқдори ҳисобланди. Ўтказилган тажриба натижалари умумлаштирилган ҳолда 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

#### Ширинмия илдизи таркибидаги глицирризин кислотасини спектрофотометрия усулида аниқлаш

№	Оптик зичлиги, D	Миқдори, %
1	0.623	9,70
2	0.594	9,25
3	0.634	9,87
4	0.549	8,55
5	0.538	8,38
6	0.607	9,45

Ширинмия илдизи таркибида глицирризин кислотасини миқдори илдизни ёшига, вегетация даврига боғлиқ. Глицирризин кислотаси илдизда магний-калий-кальций аралаш туз – глицирризин кўринишида бўлади. Ҳозирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ширинмия илдизи асосида илдиз сиропи, курук илдиз порошоги, фиточойлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтказилган текширишлар натижасида “ZAMONA RANO” МЧЖ томонидан ишлаб чиқариладиган “Солодки корни” номли майдаланган курук илдиз таркибидаги глицирризин кислотасининг миқдорини аниқланди. Олинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки, ўрганилган илдиз намунасидаги

глицирризин кислотасининг миқдори фармакопея талабларига жавоб беради.

**Хулоса:** Олиб борилган тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ширинмия илдизи сақловчи биологик фаол озик-овқат қўшимчалар таркибида глицирризин кислотаси спектрофотометрия усули ёрдамида аниқлаш имконияти кўрсатилди. Олинган натижалар асосида глицирризин кислотасининг миқдори фармакопея талабларига жавоб бериши исботланди. Ширинмия илдизи таркибидаги глицирризин кислотасининг миқдорини аниқлашда фотометрик усул нисбатан қулай усул эканлиги тасдиқланди.

## Адабиётлар

1. Аскарлов И.Р. Табобат комуси. Тошкент. 2019. – 932 б.
2. Askarov I.R., Isaev Yu.T., Rustamov S.A., Yakubov U.M.. Prospects for the use of glycyrrhizic acid derivatives. XIII International Symposium on the Chemistry of Natural Compounds (ISCNC 2019). -P.66.
3. Исаев Ю.Т., Рустамов С.А., Аскарлов И.Р. Получение комплексного соединения моноаммониевую соль глицирризиновой кислоты с сульфасалазином. Life Sciences and Agriculture// Электронный научно-практический журнал №2.2-2020 ISSN:2181-0761 DOI:10.24411/2181-0761.
4. Исаев Ю.Т., Рустамов С.А., Аскарлов И.Р. Изучение токсичности и антиоксидантной активности супрамолекулярного комплекса моноаммониевой соли глицирризиновой кислоты мочевиной.// Фармацевтика Журнали. №4, 2020. Б.89.
5. Бровченко Б.В. Совершенствование методов контроля качества измельченного сырья и препаратов солодки. Дисс. канд. фарм. наук. –М., 2020, – 169 с.
6. Егоров М.В., Куркин В.А., Запесочная Г.Г., Быков В.А. Качественный и количественный анализ сырья и препаратов солодки// Вестник ВГУ. Серия: Химия, Биология. Фармация. 2005. – №1. – С.175-180.
7. ФС 2.5.0040.15 «Солодки корни». ГФ РФ XIV, т.IV, М., 2018. – С.6429.

Исаев Юсупжон Тошимаматович\*, Аскарлов Ибрахим Рахмонович, Эгамбердиев Достон Усмонжон ўгли, Отахонов Қобулжон Қахрамонович, Рустамов Санжар Аширалиевич

### ОПРЕДЕЛЕНИЕ КОЛИЧЕСТВЕННО СОДЕРЖАНИЯ ГЛИЦИРРИЗИНОВОЙ КИСЛОТЫ В СОСТАВЕ КОРНЯ СОЛОДКИ СПЕКТРОФОТОМЕТРИЧЕСКИМ МЕТОДОМ

Андижанский государственный университет e-mail; [yusufjon\\_67@inbox.ru](mailto:yusufjon_67@inbox.ru)

В настоящее время существуют жидкие и сухие экстракты, фиточаи на основе корня солодки, которые применяются при профилактике и лечении многих заболеваний. Значение этих продуктов зависит от количественного содержания глицирризиновой кислоты, тритерпенового сапонина, содержащегося в составе корня солодки. В данной статье приведены результаты определения количественного содержания глицирризиновой кислоты в составе сухого измельченного корня солодки методом спектрофотометрии.

**Ключевые слова:** корень солодки, экстракт корня, глицирризиновая кислота, спектрофотометрический анализ

Isaev Yusupjon Tozhimamatovich\*, Askarov Ibrahim Rakhmonovich, Egamberdiev, Doston Usmonjonogli, Otakhonov Kobuljon Qakhramonovich, Rustamov Sanzhar Ashiralievich

### DETERMINATION OF THE AMOUNT OF GLYCYRRISIC ACID IN THE COMPOSITION OF MALT ROOT BY SPECTROPHOTOMETRIC METHOD

Andijan State University e-mail; [yusufjon\\_67@inbox.ru](mailto:yusufjon_67@inbox.ru)

Currently, there are liquid and dry extracts, herbal teas based on licorice root, which are used in the prevention and treatment of many diseases. The value of these products depends on the amount of glycyrrhizic acid, triterpene saponin contained in licorice root. This article presents the results of determining the amount of glycyrrhizic acid in the composition of dry crushed licorice root by the method of spectrophotometric analysis.

**Key words:** licorice root, root extract, glycyrrhizic acid, spectrophotometric analysis.

УДК 547.4; 577.1; 576.8

Хайтметова Саидахон Боқижонова\*, Тураев Аббосхон Сабирханович,  
Маккамбоева Севара Ровшан кизи**ЯПОН СОФОРАСИ (*STYPHNOLOBIUM JAPONICUM*) ЎСИМЛИГИДАН СУВДА  
ЭРУВЧАН ПОЛИСАХАРИДЛАР АЖРАТИБ ОЛИШ**

ЎЗР ФА Биоорганик кимё институти

e-mail: xsb75@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида интродукция қилинган ва иклимига яхши мослаштирилган, таркибида галактоманнан тутган, дуккакли ўсимликлар туркумига кирувчи япон софораси (*Styphnolobium japonicum*) ўсимлиги уруғидан совуқ ва иссиқ сувли экстракциялаш орқали сувда эрувчан полисахаридлар ажратиб олинди. Полисахаридларнинг молекуляр массавий катталиклари гель хроматография, тузилиши ИҚ-, ПМР-спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди.

**Таянч иборалар:** япон софораси (*Styphnolobium japonicum*), экстракциялаш, полисахарид, фракция, физик-кимёвий хусусиятлар, галактоза, манноза

Полисахаридлар табиатда кенг тарқалган табиий биополимерлар бўлиб, улар структура жиҳатдан гликозид боғлар билан боғланган моносахарид бирликларидан ташкил топади [1]. Ўсимлик полисахаридлари биополимерларнинг муҳим синфидир, улар деярли барча ўсимликларда учрайди ва ҳар хил ўзига хос функцияларни бажаради ҳамда кенг биологик таъсирга эга. Гетерополисахаридлар – галактоманнанлар ўсимликларни химояловчи полисахаридлар гуруҳига киради. Дуккакли экинларда улар уруғ эндоспермининг ҳужайра деворларида жойлашган бўлиб, углевод захирасининг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади [2].

Галактоманнанлар тармоқланган гетерополисахаридлар бўлиб, улар структура жиҳатдан асосий занжирда β-(1,4)-гликозид боғлари билан боғланган D-манноза қолдиқлари ҳамда асосий занжирга тармоқланган α-(1,6)-гликозид боғлари билан боғланган D-галактоза қолдиқларидан ташкил топган. Улар бири-биридан макромолекула занжиридаги манноза/галактоза қолдиқлари (Man/Gal) нисбати билан фарқ қилади [3, 4]. Галактоманнанлар асосан дуккакдошлар (*Fabaceae*, *Leguminosae*) оиласига мансуб кўп йиллик дарахтлар ва фенугрек (*Trigonella foenum-graecum* L.), гуар (*Cyamopsis tetragonoloba*), тара (*Caesalpinia spinosa* Kuntze) ҳамда

цератония (*Ceratonia siliqua*) ўсимликлари уруғидан ажратиб олинади. Ҳозирги кунга қадар 23 турдаги *Gleditsia* ўсимлигининг бир нечта туридан галактоманнанлар ажратиб олинган [5-7]. Муаллифлар *Fabaceae* Lindl. S.L. оиласининг баъзи турларининг уруғларида галактоманнанлар тўпланиши ва парчаланиши жараёнларини қиёсий ўрганганлар [8]. Ўсимликлардан галактоманнанлар ажратиб олиш жараёни асосан уруғ эндоспермасини сув ёрдамида (20-100°C) экстракциялаш ва этанол билан (этанол:сув, 1-3:1) чўктириш орқали тозалаш усулларига асосланади [9-11]. Галактоманнанлар (ГМ) макромолекуласидаги манноза ва галактоза қолдиқлари ўзаро нисбатлари уларнинг қайси ўсимликдан ажратиб олиншига кўра 1,1-5,0:1,0 оралиғида бўлиши мумкин [12]. ГМ юқори молекуляр массали полисахаридлар бўлиб, одатда уларнинг ўртача молекуляр массалари ажратиб олинши манбасига қараб (Mw) 1000-2000 кДа атрофида бўлиши мумкин. ГМ сувда эрувчан полисахаридлар ҳисобланади ва органик эритувчиларда эримайди. Шунингдек, адабиётларда ушбу полисахаридлар ионли суюқликларда яхши эриши келтирилган [13, 14]. ГМ макромолекуласида Man/Gal нисбати ва галактоза гуруҳларининг полисахарид занжири бўйлаб тарқалиши уларнинг эрувчанлигида сезиларли

ўзгаришларга олиб келади. [15, 16]. Тармоқланган полисахаридлар организмнинг иммун тизимини стимуллаш хусусиятига эга. Тармоқланган полисахаридлар иммун тизимининг етук хужайралари функцияларини бағаллаштиради, суяк илиги ва талоқдаги гемопоззни рағбатлантиради, миелоид, эритроид ва лимфоид гемопоетик куртакларни стимуляция қилади, суяк эритроиддаги эритробластик оролчалар сонини, қондаги эритроцитлар ва гемоглобинларни кўпайтиради.

Ўзбекистон худудида ҳам бир қатор дуккакдошлар оиласига мансуб кўп йиллик дарахлар учрайди, лекин уларнинг баъзи турлари таркибидан биологик фаол сувда эрувчан полисахаридларни ажратиб олиш ва таркибини ўрганиш соҳасида илмий ишланишлар олиб борилмаган. Шунинг учун Ўзбекистон иқлимига мослаштирилган ва интродукция қилинган япон софораси (*Styphnolobium japonicum*) ўсимлиги уруғидан биологик фаол сувда эрувчан полисахаридларни экстракциялаб ажратиб олиш ва ўрганиш ҳамда тегишли биологик фаолликлари бўйича амалиётга тадбиқ этиш йўналишидаги тадқиқотларни давом эттириш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Ушбу тадқиқот ишининг мақсади республикамиз иқлимига мослаштирилган ва интродукция қилинган япон софораси (*Styphnolobium japonicum*) ўсимлиги уруғидан биологик фаол сувда эрувчан полисахаридларни экстракциялаб ажратиб олиш ва уларнинг таркибий тузилишини физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлашдан иборат.

#### Тажриба қисми

**Материал ва методлар.** Сувда эрувчан полисахаридларни ажратиб олиш учун Тошкент шаҳри худудидан йиғиб олинган япон софораси (*Styphnolobium japonicum*) ўсимлиги уруғидан фойдаланилди.

Сувда эрувчан тармоқланган полисахаридларни ажратиб олиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади: эндоспермни қолган қисмлардан ажратиб олиш учун уруғни стаканга солиб, уч

баробар ҳажмда қайноқ сув солиб, 20 дақиқа давомида 80°C ҳароратли сув ҳаммомига қўйилди. Бўққан уруғлар қўлда уч қисмга ажратилди: уруғ пўстлоғи, муртак қисми ва эндосперм. Сўнг ажратиб олинган эндосперм майдаланди.

**Совуқ сувли экстракциялаш.** Совуқ сувли экстракциялаш хона ҳароратида олиб борилди. Майдаланган эндоспермга 500 мл сув қўшиб, магнитли аралаштиргичда экстракция қилинди. Экстракт фильтраб ажратилиб, 2 баробар ҳажмда этил спирти ёрдамида чўктирилди. Ҳосил бўлган оппоқ чўкма ажратилиб, хона ҳароратида қуритилди.

**Иссиқ сувли экстракциялаш.** Совуқ сувли экстракциялашдан қолган эндоспермни қолбага солиб 3-4 баробар ҳажмда қайноқ сув солинди, доимий аралаштириб турган ҳолда, 70 °C ҳароратли мой ҳаммомида турли вақт оралиқларида экстракциялаш олиб борилди. Экстракт қуюқлашган сари маълум миқдорларда охириги ҳажмгача қайноқ сув қўшилди. Қуюқ экстракт ажратилиб, қолган қолдиққа янги қисм қайноқ сув қўшилиб, экстракцияни худди шу шароитда давом эттирилди. Олинган экстрактлар бирлаштирилиб, 2 баробар ҳажмда 96% этил спиртида чўтирилди. Чўққан оппоқ чўкма ажратилиб, спирт билан ювилди ва хона ҳароратида қуритилди.

**Сувда эрувчан полисахаридни молекуляр массавий катталикларини аниқлаш.** Тадқиқотлар Merk-HitachiL-6000А плунжер насосдан, ShodexRI-101 рефрактометр детектордан, DAWNNSP кўп бурчаклик лазер нурларини сочиш детекторидан, Rheodine 2104 инъектордан иборат, 7,5x300 мм PLAquagel-OH Mixed Watt Technology (США) хроматографик колонка билан жиҳозланган гел хроматографида олиб борилди. Юборилаётган намунанинг ҳажми мос равишда 100 мклни ташкил этди. Элүент сифатида 0,1 моль/л NaCl нинг сувли эритмасидан фойдаланилди. Элүентнинг ўтиш тезлиги 60 мл/соат. Намуналарни хроматографик колонкага киритишдан олдин 0,22 мкм ўлчамдаги фильтрандан ўтказилди. ГМ

намуналари тадқиқи 632,8 нм тўлқин узунлигида амалга оширилди.

**ИҚ-спектроскопия.** ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар IR Tracer -100 (Shimadzu) ИҚ-спектрометрида 400-4000 см<sup>-1</sup> ютилиш оралиғида олиб борилди.


**ЯМР-спектроскопия.** Ажратиб олинган полисахарид намунасининг структураси ЯМР-спектроскопия усулида ўрганildi. Полисахарид намунаси <sup>13</sup>C ЯМР, <sup>1</sup>H ЯМР учун D<sub>2</sub>O да эритиб тайёрланди. Тадқиқотлар Bruker Avance 400 MHz ва Bruker Avance 600 MHz спектрометрида, 100 мГц да, 50°C ҳароратда ўтказилди.

**Натижалар ва уларнинг муҳокамаси**

Галактоманнан ўзининг мураккаб комплекс тузилиши билан полимер матрицасининг анча нотекис кимёвий тузилишига эга: биринчидан галактоманнан макромолекуласи β-(1,4)-гликозид

боғлари билан боғланган D-манноза қолдиклари ҳамда асосий занжирга тармоқланган α-(1,6)-гликозид боғлари билан боғланган D-галактоза қолдикларидан ташкил топган. тузилишига кўра таркиби юқори композицион турлича бўлганлиги билан ажралиб туради, иккинчидан ГМнинг мураккаб комплекс тузилиши кенг молекуляр масса тақсимооти билан тавсифланади.

Совук ва иссиқ сувли экстракциялаш усулида япон софораси (*Styphnolobium japonicum*) ўсимлиги уруғидан сувда эрувчан полисахаридлар ажратиб олинди. Олинган намуналар оппоқ кукун кўринишига эга, сувда аввал бўкиб сўнг эрийди. Қуйида галактоманнаннинг тузилиш формуласи келтирилган:



1-расм. Галактоманнаннинг умумий тузилиши

1-жадвал

**Намуналарнинг физик-кимёвий хусусиятлари**

Галактоманнан фракциялари	Унум*, %	Ман:Гал нисбати	[η], дл/г	Молекуляр масса, кДа
1-фракция	10,12	4,8:1	9,46	840
2-фракция	40,56	5,3:1	11,09	2512


Изох: - \*Эндоспермга нисбатан; 1- фракция совук сувли экстракциялаш йўли билан, 2-фракция эса иссиқ сувли экстракциялаш йўли билан олинади.

1-жадвалдан кўринадики, олинган намуналар юқори характеристик қовушқоқликка эга, бу 1,4 диэкваториал боғланишли полисахаридлар учун хосдир. Олинган намуналарнинг молекуляр массаси 840 дан 2512 кДа гача.

Таҳлил натижаларига кўра, гидролизатда фақат 4,8:1 ва 5,3:1

нисбатдаги манноза ва галактоза, бошқа моносахаридлар жуда кам миқдорда эканлиги аниқланди. Компонентларнинг деярли бир хил нисбатда экани гетерополисахаридларнинг гомогенлигидан дарак беради.


2-расмда галактоманнаннинг ИҚ-спектри келтирилган.



2-расм. Полисахариднинг (галактоманнан) ИҚ-спектри

1-расмдан кўринадики, 700–1700 см<sup>-1</sup> спектрдаги фракцияларнинг ИҚ-спектрлари бир-бирига, шунингдек адабиётларда келтирилган галактоманнанлар ва 1,4-β-D-маннанлар спектрига ўхшашдир [2, 17, 18].

Олинган галактоманнан намуналарини ўрганиш учун ЯМР-спектроскопия усулидан фойдаланилди, 3-расмда уларнинг спектри келтирилган. Галактоманнанлар учун адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида протон ва углерод резонанслари ажратилган.



3-расм. Олинган галактоманнаннинг ЯМР-спектри

Спектрнинг 5.01 ва 4.73 м.у. соҳасидаги аномер протон сигналлари H-1  $\alpha$ -D-галактоза (G) ва  $\beta$ -D-манноза (M)ларга тўғри келади. M:G нисбати тўғридан-тўғри аномер сигналларнинг нисбий соҳаларидан олинishi мумкин, бу орқали 1,82 га тенг бўлган M:G қиймати олинади.  $^{13}\text{C}$ -ЯМР-таҳлили аниқ спектрлар бергани учун моддаларни идентификациялаш осон кечди.  $^{13}\text{C}$ -ЯМР аномер соҳаси (d 90-110) d 99,59 да C-1  $\alpha$ -D-галактозага ва d 100,7 да C-1  $\beta$ -D-маннозага мос келадиган иккита сигнални кўрсатади.

### Хулоса

Ушбу тадқиқотда япон софораси (*Styphnolobium japonicum*) ўсимлиги

уруғидан совук ва иссиқ сувда экстракциялаш орқали сувда эрувчан полисахаридлар 50.68% унум билан ажратиб олинди.

Натижалар ажратиб олинган сувда эрувчан полисахарид намуналари 840 (1-фракция) ва 2512 (2-фракция) кДа молекуляр массага, характеристик қовушқоқликлари 9,46 ва 11,09 дл/г га тенг эканини кўрсатди.

Полисахарид намуналари ИҚ ва  $^1\text{H}$  ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди ва структура жиҳатдан галактоманнан типидagi полисахарид эканлиги аниқланди.

### Адабиётлар:

1. Pawar H.A. An Overview of Natural Polysaccharides as Biological Macromolecules: Their Chemical Modifications and Pharmaceutical Applications // Biol. Med. –2014. –Vol. 07. –№ 01. –P. 1–9.
2. Местечкина Н.М., Анулов О.В., Смирнова Н.И., Щербухин В.Д. Состав и структура макромолекулы галактоманнана семян *Astragalus lehmannianus* Bunge // Прикл. биохимия и микробиология. –2000. –Т. 36. –№ 5 –С. 582-587.
3. Cerqueira M.A., Bourbon A.I., Pinheiro A.C., Martins J.T., Souza B.W.S., Teixeira J.A. Galactomannans use in the development of edible films/coatings for food applications // Trends Food Sci. Technol. Elsevier, –2011. Vol. 22, № 12. –P. 662–671.
4. Prajapati V.D., Jani G.K., Moradiya N.G., Randeria N.P., Nagar B.J., Naikwadi N.N. Galactomannan: A versatile biodegradable seed polysaccharide // Int. J. Biol. Macromol. Elsevier, –2013. Vol. 60. –P. 83–92.
5. Методы химии углеводов / ред. Н.К. Кочетков. М.: Мир, 1967. 286 с.
6. Липкинд Г.М., Шашков А.С., Кочетков Н.К. Структурный анализ полисахаридов с линейным повторяющимся звеном на ЭВМ по данным спектров  $^{13}\text{C}$ -ЯМР // Биоорганическая химия. 1987. Т. 13. №6. С. 833–841.
7. Пленник Р.Я. Морфологическая эволюция бобовых юго-восточного Алтая. Новосибирск: Наука, 1976. 216 с.
8. Лобанова И.Е., Анулов О.В., Щербухин В.Д. Галактоманнаны семян некоторых видов семейства Fabaceae Lindl. S.I. в процессах созревания и прорастания // Растительный мир азиатской России. 2008. С. 83–90.)
9. Rakhmanberdyeva R.K., Rakhimov D.A., Vakhabov A.A., Khushbaktova Z.A., Syrov V.N. Galactomannan from *Gleditsia macracantha* Seeds and Its Biological Activity // Chem. Nat. Compd. –2005. Vol. 41, № 1. –P. 11–13.
10. Rashid F., Hussain S., Ahmed Z. Extraction purification and characterization of galactomannan from fenugreek for industrial utilization // Carbohydr. Polym. Elsevier Ltd, –2018. Vol. 180. –P. 88–95.
11. Азимова Л.Б., Нормохамамов Н.С., Хайтметова С.Б., Мухитдинов Б.И., Амонова Д.М., Филатова А.В. Выделение и изучение физико-химических свойств галактоманнанов из растительного сырья // Химия растительного сырья. –2019. № 2. –P. 35–41.
12. Srivastava M., Kapoor V. P. Seed Galactomannans: An Overview // Chem. Biodivers. –2005. Vol. 2, № 3. –P. 295–317.

13. Takada A., Kadokawa J.-I. Fabrication and Characterization of Polysaccharide Ion Gels with Ionic Liquids and Their Further Conversion into Value-Added Sustainable Materials // Biomolecules. –2015. Vol. 5, № 1. –P. 244–262.
14. Horinaka J., Yasuda R., Takigawa T. Rheological properties of concentrated solutions of galactomannans in an ionic liquid // Carbohydr. Polym. –2012. Vol. 89, № 4. –P. 1018–1021.
15. Silveira J.L.M., Bresolin T.M.B. Pharmaceutical use of galactomannans // Quim. Nova. – 2011. Vol. 34, № 2. –P. 292–299.
16. Jiang J.-X., Jian H.-L., Cristhian C., Zhang W.-M., Sun R.-C. Structural and thermal characterization of galactomannans from genus Gleditsia seeds as potential food gum substitutes. // J. Sci. Food Agric. –2011. Vol. 91, № 4. –P. 732–737.
17. Местечкина Н.М., Лобанов И.Е., Анулов О.В., Щербухин В.Д. // Прикл. биохимия и микробиология. -2001. -Т. 37. -№ 4 -С. 453-456.
18. Kato K., Nitta V., Mizuno T. // Agr. Biol. Chem.1973. V.37.№2. P. 433-435.

Хайтметова Саидахон Боқижоновна\*, Тураев Аббосхон Сабирханович  
Маккамбоева Севара Ровшановна

### ВЫДЕЛЕНИЕ ВОДОРАСТВОРИМЫХ ПОЛИСАХАРИДОВ ИЗ СОФОРЫ ЯПОНСКОЙ (*STYPHNOLOBIUM JAPONICUM*)

Институт биоорганической химии

\*e-mail: [xsb75@mail.ru](mailto:xsb75@mail.ru)

Из семян Софора японской (*Styphnolobium japonicum*) относящихся к семейству бобовых, интродуцированных и хорошо акклиматизировавшихся на территории Республики Узбекистан, путем холодной и горячей экстракции выделены водорастворимые полисахариды, содержащие в составе галактоманнан. Молекулярная масса и структура выделенных полисахаридов изучена методами гель-хроматографии, ИК-, ЯМР-спектроскопии.

**Ключевые слова:** Софора японская (*Styphnolobium japonicum*), экстракция, полисахарид, фракция, физико-химические свойства, галактоза, манноза.

Khaytmetova Saidakhon Boqijonovna\*, Turaev Abbaskhan Sabirkhanovich,  
Makkambojeva Sevara Rovshanovna

### ISOLATION OF WATER-SOLUBLE POLYSACCHARIDES FROM *STYPHNOLOBIUM JAPONICUM*

Institute of Bioorganic Chemistry

e-mail: [xsb75@mail.ru](mailto:xsb75@mail.ru)

Water-soluble polysaccharides containing galactomannans were extracted from the seeds of the *Sophora japonica* (*Styphnolobium japonicum*) plant belonging to legumes, that has been introduced in Uzbekistan and well adapted to the climate. Molecular mass of polysaccharides were studied using gel chromatography, the structures were established using IR- and PMR-spectroscopies.

**Keywords:** *Sophora japonica* (*Styphnolobium japonicum*), extraction, polysaccharide, fraction, physicochemical properties, galactose, mannose.



Сафарова Диёра Толибовна, Мадрахимов Шермухаммади Нуриллаевич

## МАҲАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИ АСОСИДА ГИПЕРТОНИЯДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЙИҒМА ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ

Тошкент фармацевтика институти

e-mail: [safarovadiyora65@gmail.com](mailto:safarovadiyora65@gmail.com)

Доривор ўсимлик маҳсулотларидан олинган дори воситалари юқори самарали таъсири билан синтетик препаратлардан қолишмаслиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Барча доривор ўсимликлар комплекс таъсир кўрсатиши, ўзлаштирилишининг осонлиги, қарши ва ножўя таъсир кўрсатмаслиги, шубҳасиз уларнинг афзалликларидир.

Мақолада маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида гипертония касаллигини даволаш хоссасига эга бальзам дори турини ишлаб чиқариш учун йиғма таркибини танлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

**Таянч иборалар:** гипертония, ўсимлик хом ашёлари, йиғма, биофаол бирикмалар.

Гипертония касаллиги ёки артериал гипертензия – сурункали ноинфекцион касаллик бўлиб, артериал қон босимининг ошиши билан характерлидир. Бу ўз навбатида ҳаёт учун муҳим ички аъзолар, қон томирлар тонусининг ошиши, юрак, буйраклар ва марказий асаб тизимининг функционал бузилишига олиб келади. Гипертония касаллиги билан кўпинча 40 ёшдан ошган инсонлар дуч келади, лекин бугунги кунда гипертония касаллиги ёшариб бораётган касалликлар сарасига киради ва бу касаллик кўрсаткичи 40 ёшгача бўлган инсонлар ва ҳаттоки вояга етмаганлар орасида ҳам учрамоқда. Дунё аҳолисининг 20% дан ортиғи ушбу касалликдан азият чекадилар. Артериал қон босимининг ошиши қон томирлар атеросклерозига олиб келиши оқибати бемор ҳаёти учун хавфли ҳисобланади.

Артериал гипертония юракнинг ишемик касаллиги, ўткир миокард инфаркти, бош мия инсультини келтириб чиқарувчи омиллардан ҳисобланади. Юрак қон томир касалликларидан бўладиган касалланиш ва ўлимнинг 30% дан ортиғи гипертония билан боғлиқ. Кўп ҳолларда артериал қон босимининг ошишида қуйидаги омиллар сабабчи бўлиши мумкин:

-асабнинг доимий зўриқиши ва кучли хаяжон;

-семизлик, буйрак касалликлари, қандли диабет каби сурункали касалликлар;

-кўп миқдорда туз маҳсулотларини истеъмол қилиш;

-иш вақтининг узоқ давомийлиги ва шовкин;

-гиподинамия [1,7];

-зарарли одатлар (кўп овқатланиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, чекиш). Маълумки, бир қатор юрак қон-томир касалликларининг белгилари ва пайдо бўлиш сабабларини даволашда доривор ўсимликларни қўлланилиши халқ табибати кўп йиллик тажрибасига асосланган. Кўпинча шифобахш ўсимликлар яқка ҳолда, ёки йиғма кўринишда ишлатилиб, кейинчалик улардан бошқа дори турлари тайёрланган. Ҳозирги кунда ҳам даволаш муолажалари ичида фитотерапия кенг қўлланилади.

**Тадқиқот мақсади.** Маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида гипертония касаллигини олдини олиш ва самарали таъсир кўрсатишга эга бальзам дори турини ишлаб чиқариш учун йиғма таркибини танлаш.

**Тадқиқот объекти сифатида:** қалампир ялпиз барги, тирноқгул гули, валериана илдизи илдизпояси билан, наъматак меваси, лимонўти, укроп меваси, бўймодарон ер устки қисми, арслонқуйруқ ер устки қисми, маккажўхори оналик устунчаси ва оғизчаси олинди. Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика бозорида гипертония касаллигини даволаш ва олдини олиш бўйича дори воситалар

ассортименти кенг бўлиб, улар синтетик ва ўсимлик хом ашёлари препаратларидир. Ўзбекистон давлат реестри (2014) асосида таблетка, йиғма, капсула, кукун, тиндирма, дамлама, кай-натма дори турлари сифатида ишлатилади. Ушбу препаратларни ишлаб чиқаришда таркибида ҳар хил биологик фаол моддалар (БФМ) гуруҳларини сақловчи ўсимликлари қўлланилади, улар валериана, арслонқуйрук, дўлана, ялпиз, тоғрайхон, пассифлора, пион полемониум, қулмоқ, иттиканак ва бошқалар [2]. Илмий информацион манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирда юрак қон-томир касалликларини даволаш учун дори воситалар сони кўп ва гипертония касаллигини даволаш, олдини олиш бўйича кўпчилиги доривор ўсимлик хом ашёлар асосида яратилган, Турли хил доривор ўсимлик хом ашёларини комбинациялаш ва ҳар хил дори турларини ишлатилиши гипертония касаллигини олдини олиш ва даволашда ўсимлик хом ашёлари асосидаги фармацевтик маҳсулотларни самарасини кўпайтириш фармакологик таъсир этиш спектрини кенгайтиради [3,4].

Ўзбекистон ҳудудида хом ашёлар асоси етарли бўлган доривор ўсимлик маҳсулотларидан: калампир ялпиз барги (*Herba Menthae piperitae L.*), доривор тирноқгул гули (*Flores Calendulae officinalis L.*), доривор валериана илдизи илдизпояси билан (*Rhizomata cum radicibus Valerianae officinalis L.*), федченко наъматаги меваси (*Rosa fedtschenkoana Regel.*), доривор лимонўт ўти (*Herba Melissa officinalis L.*), оддий қизилларон ер устки қисми (*Herba Achilleae millefolii L.*), Тўкқизил дўлана меваси (*Fructus sanguineae crataegi* Pall.) оддий арслонқуйрук ер устки қисми (*Herba Leonuri cardiacaе L.*), маккажўхори қизил устунчаси ва оғизчаси (*Styli cum radicibus Zeae maydis L.*)лар олинди.

Калампир ялпиз барглари (*Herba Menthae piperitae L.*) Калампир ялпиз ўсимлигининг асосий компоненти калампир мойлари (ментол) ҳисобланади. Калампир ташқари калампир ялпиз ўсимлиги қўшма моддалар, буриштирувчи моддалар,

А, В, РР гуруҳ витаминлари, темир, мис, кальций, калий, магний ва бошқа элементлар сақлайди. Калампир ялпиз организмга артериал қон босимини туширувчи, қон томирларни кенгайтирувчи, тинчлантирувчи, спазмолитик, оғрик қолдирувчи, пешоб ҳайдовчи ва антисептик каби комплекс таъсирга эга.

Доривор тирноқгул гуллари (*Flores Calendulae officinalis L.*) Бу ўсимлик гуллари кўп миқдорда каротиноидлар сақлайди. Гуллар таркибидаги сапонинлар, шиллик моддалар, смола, фитонцидлар, протеинлар, флавоноидлар, календулозид гликозиди, алкалоид қолдиклари, тритерпентиоллар, органик кислоталар, аскорбин кислотаси ва эфир мойлари ўсимлик гулларида хушбўйлик ва фитонцидликни таъминлаб беради.

Доривор тирноқгул гуллари енгил гипотензив, юрак фаолиятини нормаллаштирувчи, спазмолитик, ўт ва сийдик ҳайдовчи, седатив таъсир кўрсатувчи, яллиғланишга қарши, бактерицид таъсирларга эга.

Валериана илдизи илдизпояси билан (*Rhizomata cum radicibus Valerianae L.*) Валериана илдиз ва илдизпояси таркибида 0,5—2% эфир мойи ва соф ҳолда изовалериан кислота бор. Валериана препаратлари нерв системасини тинчлантириш (уйқусизликда, нерв кўзғалиши даврида ва бошқа нерв касалликларида) ҳамда юрак фаолиятини тартибга солиш учун ишлатилади.

Тўкқизил дўлана меваси (*Fructus sanguineae crataegi Pall.*) Дўлананинг меваси таркибида тритерпин-сапонинлар, хлороген ва кофе кислоталар, холин, ацетилхолин, флавоноидлар (гиперозид, кверцитрин, кверцетин ва бошқалар), ошловчи ва бошқа моддалар бўлади. Халқ табobatiда дўлана меваси препаратлари қон босимини пасайтирувчи, седатив, юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволашда, нерв фаолиятини яхшилашда ишлатилади.

Федченко наъматаги меваси (*Fructus Rosae fedtschenkoana R.*) Маҳсулот таркибида (курук ҳолда ҳисоблаганда) 4-6, баъзан 18% гача С витамини, 0,3 мг% В2, К витамини (1 г

маҳсулотда 40 биологик бирлик микдориди), Р витамини, 12-18 мг% каротин, 18% атрофида кандлар, 4,5% ошловчи моддалар, 2% атрофида лимон ва олма кислоталари, 3,7% пектин ва бошқа моддалар бўлади. Наъматак меваси юрак-қон томир тизимига яхши таъсир кўрсатади, қон босимини нормаллаштиради, ўт ва сийдик хайдовчи восита саналади [2].

*Доривор лимонўт ўти (Herba Melissa officinalis L.)* Ўсимлик 0,02-0,14% эфир мойлари, 150 мг % аскорбин кислотаси, ошловчи моддалар, қахва, олеанол ва урсол кислоталари ва бошқа моддалар сақлайди. Ўсимлик тинчлантирувчи ва гипотензив воситаси сифатида марказий нерв тизимининг фаолиятини бузилишлари (юқори эмоционал қўзғалувчанлик, таъсирчанлик, уйқуни бузилиши) ва юрак-қон томир тизими касалликларида қўлланилади. [8]

*Оддий бўймодарон ер устки қисми (Herba Achilleae millefolii L.)* Маҳсулот таркибида каротин, К ва С витаминлар, алкалоидлар, 0,8 % гача эфир мойи, холин, аспарагин, смола, ошловчи, аччиқ ва бошқа моддалар бўлади. Ўсимлик артериал қон босимини туширади, ўт ажралишини кучайтиради, қорин дам бўлишини камайтиради.

*Маккажўхори оналик устунчаси оғизчаси билан (Styli cum Stigmatis Zeae maydis L.)* Маҳсулот таркибида биологик фаол моддалар, хусусан 3,18% тритерпен сапонинлар, флавоноидлар, К, В, С, Е гуруҳ витаминлари, микроэлементлардан Se, Zn, Mg, Ca, ва бошқалар, аскорбин ва пантотен кислоталар, 0,12% эфир мойи, 2,15% гача аччиқ моддалар, инозит, 0,05% алкалоидлар ҳамда бошқа бирикмалар мавжуд бўлиб, улар қондаги холестерин микдорини камайтиришга ва атеросклероз ривожланишига йўл қўймайди. Маккажўхори ўсимлигининг препаратлари сийдик хайдовчи (бўйрак тош касаллигида, ковуқда тош бўлганда ва истиско касаллигида), юқори қон босимидан азиат чекадиганлар учун жуда фойдали ҳисобланади. Ўсимлик таркибидаги флавоноидлар қон айланишини яхшилади ва қон босимини

тартибга солади. Организмдаги натрий микдорини тартибга солишга ёрдам беради, чунки натрий қон босимини ошириши мумкин, ўт хайдовчи (холецистит, холангит ва гепатит касалликларида, ўт ажралиши тўхтаб қолган ҳолларда) ҳамда қон тўхтатувчи дори сифатида қўлланилади.

*Оддий арслонқуйруқ ер устки қисми (Herba Leonuri cardiacaе L.)* Ўсимлик таркибида флавоноидлар, 9% гача ошловчи моддалар, 0,4% гача алкалоидлар (ўсимлик гуллай бошлаганида), эфир мойи, С витамини, каротин, иридоидлар, сапонинлар, аччиқ модда, қанд ва бошқа моддалар бўлади. Арслонқуйруқнинг доривор препаратлари тинчлантирувчи восита сифатида (валериана препаратларидек) гипертония, нерв қўзғалиши ва баъзи юрак касалликлари (юрак неврози, кардиосклероз)ни даволаш учун ишлатилади [2].

Ўрганилган адабиётлар асосида арслонқуйруқ ўсимлигининг хилма-хил таркиби қуйидаги натижаларга эришишга қўмак беради:

1. *Диуретик таъсири.* Ўсимлик гломеруляр филтрация тезлигини оширади. Бу пешоб ҳосил бўлиши ва унинг организмдан чиқарилишини таъминлайди. Юрак етишмовчилиги оқибатида келиб чиқадиган шишда самарали ҳисобланади. Шунингдек, арслонқуйруқ ўсимлиги қон айланиш микдорини камайтириши натижасида қон босими пасайишига сабаб бўлади.

2. *Спазмолитик таъсири.* Ўсимлик таркибидаги биофаол моддалар кальций каналларини блоклаши натижасида организм силлиқ мускулларини бўшаштиради. Бу ўз навбатида органларни артериал қон билан таъминлайди ва вена қон томирларини кўриниши ва иш фаолияти ҳам яхшиланади.

3. Ўсимлик хужайралардаги, шу жумладан жигар, мия ва юракдаги *метаболик жараёнларни нормаллаштиради.* Бунинг натижасида кислород ва муҳим компонентларга тўйинган қон ҳамда мембраналар орқали ионлар алмашилиши яхшиланади. Бу ўз навбатида дистрофик ва дегенератив бузилишларни олдини олади. Бунга мисол тариқасида миокарддаги

диффузион ўзгаришларни кўришимиз мумкин [9].

**Тажриба қисми:** фармакологлар таъкидлашича гипертонияда ўсимлик хом мевалари билан касалликни даволаш ёки унинг олдини олишда куйидаги кўрсаткичлар аҳамиятга эга: седатив таъсир кўрсатиши, спазмолитик таъсири,

пишларни йўқотишда ва юрак фаолиятини яхшилашда диуретик (пешоб хайдовчи) таъсирга эга бўлиши муҳим. Юқоридаги кўрсаткичларни ҳисобга олиб, адабиётларда келтирилган маълумотларга таяниб, куйидаги 1-жадвалда ўсимликларни таъсир кўрсатиши бўйича уч гуруҳга бўлинди.

1-жадвал

**Гипертонияда қўлланиладиган йиғма таркибидаги ўсимликларнинг физиологик таъсирига кўра тавсифи**

Ўсимлик хом ашёси номи	Физиологик таъсирига кўра		
	седатив	спазмолитик	диуретик
Қалампир ялғиз барглари	+	+	
Доривор тирноқгул гуллари	+	+	+
Валериана илдизи илдизпояси билан	+		
Федченко шөгматаси меваси			+
Доривор лимонўти	+		
Оддий бўймадарон ер устки қисми	+		
Оддий арслонқуйруқ ер устки қисми	+	+	+
Маккажўхори таналик устунчаси оғизчаси билан			+
Дўлана меваси	+		

**Материаллар ва усуллар:**

Йиғма турли доривор ўсимлик хом шўбларининг бир хил нисбатдаги аралашмасидан иборат: илдиз ва илдизпоя, ўт, барг, гуллар ва мевалар. XI ДФ бўйича бир хил майдалик даражасига келтирилди. МХ лар асосида йиғмалар намлиги 13,0% дан, умумий кул миқдори 5,0% дан, 10% хлорид кислотада эримайдиган кул

миқдори 1,0% дан ошмаслиги, 7 мм элакдан ўтмаган хом ашёнинг 10% дан кам, 0,5 мм элакдан ўтган хом ашёнинг 4,0% дан кам бўлмаслиги, органик аралашмалар 2,0% ва минерал аралашмалар 1,0% дан ошмаслиги керак. 2-жадвалда таҳлил натижалари келтирилган [4,6].

2-жадвал

**Гипертонияда қўлланиладиган йиғманинг товаршунослик таҳлиллари, % да**

Умумий кул миқдори	10% хлорид кислотада эримайдиган кул миқдори	7 мм ли элакдан ўтмаган қисмлар	0,5 мм элакдан ўтган қисм	минерал аралашмалар	органик аралашмалар	Табиий рангини йўқотган хом ашё
4,8	1,0	7,6	3,4	0,6	1,8	2,0

Олинган натижалардан маълум бўлдики, танлаб олинган йиғма МХ талабларига жавоб беради.

Йиғма таркибида флавоноидлар, эфир мойлари, полифеноллар, ошловчи моддалар, органик кислоталар, каротиноидлар асосий компонентни ташкил этади. ХИДФ да келтирилган талаблар бўйича йиғманинг 5 та ўртача намуналари олинди. Йиғма таркибидаги ўсимлик хом ашёларнинг биологик фаол моддаларни аниқлаш мақсадида сифат реакциялари бажарилди. Унинг учун сувли ва спиртли (70%) ажратмалар тайёрланиб умумий қабул қилинган анъанавий реакциялар ўтказилди.

Флавоноидларни аниқлаш учун чинни идишчага спиртли ажратмадан 2-3 мл солинади ва 5-6 томчи алюминий хлорид кўшилганда эритма сариқ-лимон рангга бўялди. Эфир мойи сув буғи

ёрдамида ҳайдаб аниқланди. Органик кислоталарни аниқлашда йиғмадан ажратиб олинган ажратмага кўрғошин ацетат эритмаси томизилганда, эритма оқ чўкмага тушди. Йиғманинг спиртли эритмасини (70%) ютиш спектри 400 дан 500 нм гача, тўлқин узунлиги  $450 \pm 3$  нм да асосий максимумлари кўрилди ва йиғмада каротиноидлар борлиги исботланди. Полифенолларни аниқлашда, майдаланган хом ашё сувда 2-3 дақиқа давомида киздирилди ва филтёр қоғоз ёрдамида филтёрланди, 2-3 мл филтёрлатга бир неча томчи темир аммонийли эритма томизилди. Эритма қора-яшил тусга кирди. Ошловчи моддалар, хом ашёларни сувда киздирилиб олинган эритмасига темир (III) хлоридни томизилганда тўқ кўк рангга бўялади [5].

Йиғманинг чинлиги куйидаги 3-жадвалда ифодаланган.

3-жадвал

**Гипертонияда қўлланиладиган йиғма таркибидаги ўсимликлар биофаол моддаларнинг сифат кўрсаткичлари**

Биофаол моддалар гуруҳи	Сифат реакция	Аналитик натижа
Флавоноидлар	алюминий хлорид 15% эритмаси ёки цианидин реакцияси эритмаси билан	сариқ-лимон ранг
Ошловчи моддалар	калий бихроматнинг 5% ли эритмаси билан реакция	тўқ қорамтир ранг
Полифеноллар	темир аммонийли эритмабилан	қора-яшил ранг
Органик кислоталар	кўрғошин ацетат билан реакцияси	йиғмадан ажратиб олинган эритма оқ чўкмага тушди
Каротиноидлар	спектрофотометрик	ютиш спектри 400 дан 500нм гача, тўлқин узунлиги $450 \pm 3$ нм да асосий максимумлари кўрилди

**Натижалар:** биофаол моддаларнинг сифат реакциялари натижасида гипертонияда қўлланиладиган йиғма таркибида флавоноидлар, ошловчи моддалар, полифеноллар, органик кислоталар, каротиноидлар аниқланди.

**Хулоса.** Гипертонияда қўлланиладиган етарлича захирага эга бўлган маҳаллий ўсимликлар хом ашёсининг товаршунослик ва фитокимёвий таҳлиллари асосида чинлиги ва сифат кўрсаткичлари аниқланди.

**Адабиётлар:**

1. Ковалев Ю.Р. Факультетская терапия. Болезни суставов. Болезни почек. Артериальные гипертензии. изд: СпецЛит Россия.-2020, Том I.-255 с.
2. Холматов Х.Х., Ахмедов Ў.А. Фармакогнозия 1 ва 2 қисм: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти.— Т.:, 2007.-С.-111-272;180-182.

3. Прокопенко М.В. Увеличение эффективности применения фитопрепарата «Лесной бальзам» в заболеваний пародонта // Новые задачи современной медицины. Матер. III междунар. науч. конф. СПб.: 2014.-С.61-64.
4. Государственная фармакопея XI изд. М.: -1987.-С.266-286.
5. Химический анализ лекарственных растений: Учебное-пособие М.: для фармацевтических вузов/ Е.Я.Ладыгина, Л.Н. Сафронич и др. Под ред. Н.И.Гринкевич, Л.Н. Сафронич.-М.:Высшая школа, 1983.-176 с.
6. Сафарова Д.Т., Хайдаров В.Р., Назарова З.А. Вирусларга қарши таъсирли доривор ўсимликлардан биологик фаол қўшимча (БФҚ) йиғма таркибини танлаш // Фармацевтика журнали.-Тошкент.-2019.-№2.-С.112-114
7. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/hypertension>
8. <https://ru.wikipedia.org/>
9. <http://o-gipertonii.info/>

Safarova Diyora Tolibovna, Madraximov Shermuhammadi Nurillayevich

### STUDY OF THE COMPOSITION OF THE COMPOUND USED IN HYPERTENSION ON THE BASIS OF LOCAL PLANT RAW MATERIALS

Tashkent pharmaceutical institute e-mail: [safarovadiyora65@gmail.com](mailto:safarovadiyora65@gmail.com)

Medicines obtained from medicinal herbal products do not differ in their effectiveness and safety from synthetic drugs. The fact that all medicinal plants have a complex effect, ease of assimilation, the absence of contraindications and side effects is undoubtedly their advantage. The article presents the results of studies on the selection of the composition of the collection based on local plant raw materials for the further development of an antihypertensive balm.

**Key words:** hypertension, plant raw materials, compound, biologically active compounds.

Сафарова Диёра Толибовна, Мадрахимов Шермухаммади Нуриллаевич

### ИЗУЧЕНИЕ СБОРА НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ ПРИМЕНЯЕМОГО ПРИ ГИПЕРТОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ

Ташкентский фармацевтический институт e-mail: [safarovadiyora65@gmail.com](mailto:safarovadiyora65@gmail.com)

Лекарственные средства, полученные из лекарственного растительного сырья не отличаются по своей эффективности и безопасности от синтетических препаратов. То, что все лекарственные растения обладают комплексным действием, легкостью усвоения, отсутствием противопоказаний и побочных эффектов, несомненно, их достоинства. В статье приведены результаты исследований по подбору состава сбора на основе местного растительного сырья для дальнейшей разработки бальзама противогипертонического действия.

**Ключевые слова:** гипертония, растительное сырье, соединение, биологически активные соединения.

УДК 615.453.4

Мухамадиева Махфуза Мирзасултоновна, Кариева Ёкут Саидкаримовна,  
Баратова Малика Бахтияровна

## АНТИРЕТРОВИРУС ТАЪСИРГА ЭГА СУБСТАНЦИЯНИНГ ФИЗИК, СТРУКТУРА-МЕХАНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ БОРАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Тошкент фармацевтика институти

yosk@mail.ru

Мақолада неврапин доривор субстанциясининг физик, структура-механик ва технологик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Бунда субстанцияни эрувчанлиги, заррачаларининг шакли ва ўлчамлари ҳамда фракцион тақриб, сочилувчанлик, сочилма зичлик, табиий оғиш бурчаги, зичланиш коэффициенти, прессланувчанлик, қолдиқ намлик каби технологик кўрсаткичлар аниқланди. Олинган натижаларни кўрсатиши бўйича ушбу субстанциядан тўғридан тўғри пресслаш усули билан таблетка олиш имкони йўқ, яъни ёрдамчи моддалар мажмуасидан фойдаланган ҳолда нам дондорлаш усулида прессланадиган массани тайёрлаш лозим.

**Таянч иборалар:** антиретровирус препаратлар, неврапин, эрувчанлик, заррачалар шакли ва ўлчами, технологик кўрсаткичлар.

Маълумки, одам иммунитетини танқислиги вируси бугунги кунда жаҳон тиббиётининг олдида турган глобал муаммолардан биридир. Ушбу касалликка чалинган беморларнинг умрини узайтиришга антиретровирус терапиясини қўллаш бошланганидан сўнг эришилмоқда. Сўнги 18 йилда айнан ушбу терапиядан фойдаланиш натижасида 13.6 млн инсон ҳаёти сақланиб қолинди. Албатта, антиретровирус препаратлар ОИТСни даволамайди, аммо уни кечишини назорат қилишга ёрдам беради ҳамда бошқа инсонларга юқишини олдини олади [2-6,8,9,11,16-17].

Адабиётларда келтирилиши бўйича:

- 2018 йилда кам ва ўрта даромадли мамлакатларда умрбод антиретровирус терапияни ОИТС инфекцияси билан касалланган 62% катталар ва 54% болалар қабул қилган;

- ОИВ инфекциясига чалинганларнинг 62% (тахминан 23.3 млн.) антиретровирус терапиясини қабул қилган, ва 53% ҳолатда иммун танқислиги вирусини камайтириш ҳамда бошқа инсонларга юктириш хавфини олдини олиш мумкин бўлган;

- ҳомиладор ва эмизикли ОИВ билан касалланган аёлларнинг аксарияти (82%)

антиретровирус терапиясини олади, бу нафақат уларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш, балки янги туғилган чақалокларга вирус юқишини олдини олади;

- 2018 йил июнь ойи ҳолатига антиретровирус терапиясини қабул қилаётганлар сони 24.5 млн. ташкил қилган [1,14].

- БЖССТ тавсиясига асосан антиретровирус терапиясининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни касалликнинг бошланғич даврида қабул қилишни бошлаш керак. Айнан ушбу терапияни қўллаш 2025 йилга келиб 3 млн. ўлим ва 3.5 млн. янги юктиришларнинг олдини олишга ёрдам беради [10].

Бугунги кунда жаҳон фармацевтика бозорида антиретровирус препаратлар кенг ассортиментда намоиш этилмоқда. Ушбу гуруҳ препаратларни ишлаб чиқаришда етакчи мамлакатлар – АҚШ, Буюк Британия ва Германия ҳисобланади [7].

Ўзбекистонда ҳам ушбу касалликни тарқалишига қарши чора-тадбирлар тизимини сифатли ва замонавий даражага кўтариш мақсадида бир қатор директив ҳужжатлар имзоланган ва уларда келтирилган вазифаларни бажариш ишлари амалга оширилмоқда. Булар,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3493-сон ҳамда 2018 йил 22 июндаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3800-сон қарорлари [12,13].


Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олган ҳолда, антиретровирус терапиясида қўлланиладиган дори препаратларни яратиш, аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида уларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишларни амалга ошириш фармацевтиканинг долзарб муаммолардан биридир.

Маълумки қаттиқ дори шакллари ишлаб чиқишда фаол субстанцияларнинг структура-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки айнан ушбу кўрсаткичлар ёрдамчи моддаларни қўллаш ёки қўлламаслик ҳамда прессланадиган массани тайёрлаш усуллари белгилаб беради [15].

**Тадқиқот мақсади.** Навбатдаги изланишларнинг мақсади антиретровирус терапиясида қўлланиладиган невирапин субстанциясидан таблетка дори шаклини яратиш учун унинг структура-механик ва технологик хоссаларини аниқлашдан иборат бўлди.

#### Тажриба қисми.

**Материаллар ва усуллар:** Невирапин – 11-циклопропил-5,11-дигидро-4-метил-6Н-дипиридо [3,2-b:2',3'-e][1,4] diaзепин-6-он, халқаро транскрипцияси NVP, молекуляр оғирлиги – 266,888 г/моль.



Субстанция ташқи кўриниши бўйича ўзига хос ҳид ва таъмга эга оқ кристал кукун бўлиб, унинг эрувчанлигини РФ ДФ XIV нашри, ОФС.1.2.1.0005.15 мақоласида келтирилган усул бўйича текширилди.

Субстанциянинг структура-механик кўрсаткичларини аниқлашда аналитик тажрибаларни амалга ошириш учун мўлжалланган BA210 Digital ўрнатилган рақамли камерали микроскопдан фойдаланилди. Микроскопга 3 мегапикселли CMOS чипи ўрнатилганлиги, аниқ ва юқори контрастли тасвирларни олиш имконини берди. Катталаштириш 10 дан 500 мартагача олиб борилди, бу эса невирапин субстанциясини заррачаларининг ўлчами ва шаклини аниқ баҳолашга ёрдам берди.

Изланишларнинг сўнги босқичида таҳлил қилинаётган субстанциянинг технологик кўрсаткичлари аниқланди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопоеясининг I нашри ҳамда Россия Федерацияси Давлат Фармакопоеясининг XIV нашрида келтирилган усуллардан фойдаланилди. Тажрибалар уч марта такрорий олиб борилди ва ўртача натижа ҳисобланди.


**Натижалар ва муҳокама.** Олинган натижаларга асосан невирапин субстанцияси сувда эримайди, 96% этил спиртида кам эрийди, органик эритувчиларда (метиленхлорид) қисман эрийди.

Невирапин субстанциясининг микрофотографиялари келтирилган 1-расмдан кўришиб турибдики, ушбу субстанция заррачалари асосан кристаллитлар кўринишида бўлиб, уларнинг узунлиги 3,41 мкмдан 14,8 мкмгача, эни эса 2,27 мкмдан 6,82 мкмгача бўлди. Шу билан бирга юмалок шаклдаги




айрим заррачалар ҳам учрайди, уларнинг диаметри - 2,27 мкмдан 5,11 мкмгачадир. Заррачаларнинг ўртача узунлигининг ўртача энига бўлган нисбати 3:1 дан кам

бўлгани сабабли, невирапин субстанциясининг заррачалари пластина шаклига эга бўлиб, анизодиаметриклиги аниқланди.




а)



б)



в)



г)


**Расм 1. Невирапин субстанцияси намуналарининг микрофотографияси: Катталаштириш: а)140 марта; б) 200 марта; в) 280 марта; г) 400 марта**

Невирапин субстанциясининг фракцион таркибини аниқлаш натижалари 2-расмда келтирилди.

Олинган натижаларга асосан таҳлил қилинаётган доривор субстанциянинг заррачалари фракциялар бўйича тақсимланиши нотекис. Масалан, невирапин субстанциясининг тахминан 70% иккита фракция орасида тақсимланган: -355 +250 мкм (33.18%); -250 +180 мкм (36.42%). 180 мкм дан кичик бўлган заррачалар умумий оғирликдан 19.90% ни, шу билан бирга, 500 мкм катта

бўлган заррачалар 2.89%ни тақшил килди. 500 мкмли элакдан ўтиб, 355 мкм да ушланиб қолган заррачалар улуши 7.61% га тенг бўлди.

Фракцион таркибни аниқлаш натижасида заррачаларнинг ўртача ўлчамлари 254 мкм га тенг бўлди, бу эса микроскоп ёрдамида аниқланган ўлчамлардан 37.4 баробар кўп. Демак, таҳлил қилинаётган субстанция гигроскопиклик хусусияти ва б. омиллар таъсирида конгомератлар ҳосил қилиш хусусиятига эга.



Расм 2. Невирапин субстанциясининг фракцион таркибини аниқлаш натижалари

Шу билан бирга невирапин субстанциясининг қуйидаги технологик кўрсаткичлари аниқланди: сочилувчанлик, сочилувчан зичлик, табиий оғиш бурчаги,

зичланиш коэффициентини, прессланувчанлик, қолдиқ намлик.

Олинган натижалар жадвалда келтирилди.

Жадвал

**Невирапин субстанциясининг технологик хоссаларини аниқлаш натижалари**

Аниқланган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
Сочилувчанлик.	$10^{-3}$ кг/с	$1,242 \pm 0,035$
Сочилувчан зичлик	$\text{см}^3$	$371,08 \pm 18,10$
Табиий оғиш бурчаги	градус	$62 \pm 3$
Прессланувчанлик	Н	$73,9 \pm 6,1$
Зичланиш коэффициенти		$2,98 \pm 0,17$
Қолдиқ намлик	%	$3,14 \pm 0,26$

Субстанциянинг сочилувчанлиги бу ўннинг оғирлик кучи таъсирида маълум тезлик билан оқиш хусусиятидир. Жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, невирапин субстанциясининг сочилувчанлик хусусияти ижобий эмас ( $1,242 \pm 0,035 \cdot 10^{-3}$  кг/с). Албатта бу фракцион таркиб ҳамда заррачаларнинг шакли ва ўлчамларига боғлиқ. Сочилувчанлик кўрсаткичининг талаб даражасида эмаслиги, табиий оғиш бурчаги каби кўрсаткични ҳам ижобий эмаслигига олиб келган ( $62 \pm 3$  градус).

Сочилувчан зичлик кўрсаткичи паст ( $371,08 \pm 18,10 \text{ см}^3$ ) бўлгани сабабли,

субстанциянинг прессланувчанлиги ҳам талаб даражасида бўлмади ( $73,9 \pm 6,1$  Н). Қолдиқ намлик эса белгиланган 5% дан ошмади ( $3,14 \pm 0,26$ ).

**Хулоса.** Невирапин субстанциясининг структура-механик ва технологик хоссаларини аниқлаш натижасида, ушбу субстанциядан тўғридан тўғри пресслаш усули билан таблетка олиш имкони йўқлигини кўрсатди. Демак, ёрдамчи моддалар мажмуасидан фойдаланган ҳолда нам дондорлаш усулида прессланадиган массани тайёрлаш лозим.

## Адабиётлар

1. ВИЧ/СПИД //Информационный бюллетень ВОЗ.- 25 июля 2019 г.
2. Воронин Е.Е., Афонина Л.Ю., Латышева И.Б. ВИЧ-инфекция у детей. Клинические рекомендации. М., 2017: 34с.
3. Всемирная организация здравоохранения. Сводное руководство по использованию антиретровирусных препаратов для лечения и профилактики ВИЧ-инфекции // Клиническое руководство: антиретровирусная терапия.– 2016. – С. 71-150.
4. Денисенко В.Б., Симованьян Э.Н. Совершенствование антиретровирусной терапии у детей с ВИЧ-инфекцией //Детские инфекции.-2018.-Т.17.-№2.-С.34-39.
5. Журавлева М.В., Прокофьев А.Б., Подымова А.С., Бердникова Н.Г., Сереброва С.Ю., Демченкова Е.Ю. Контроль за нежелательными реакциями при проведении антиретровирусной терапии ВИЧ/СПИД при применении взаимозаменяемых лекарственных препаратов //Безопасность и риск фармакотерапии.-2017.-№3.-С.126-132.
6. По материалам книги «Лечение ВИЧ-инфекции». Availablefrom: AIDS.ru.
7. Розенберг В.Я. Высокоактивная антиретровирусная терапия (ВААПТ).Availablefrom: <http://www.spidcentr38.com>
8. Ростова Н.Б., Гудилина Н.А. Критерии рациональной фармакотерапии на примере ВИЧ-инфекции //Вопросы вирусологии. – 2018.-Т.63.-№1.-С.41-47.
9. Ростова Н.Б., Иванова Э.С., Гудилина Н.А., Киселева О.В. Антиретровирусная терапия: подходы к лечению и реальная практика назначений при лечении ВИЧ-инфицированных пациентов //Медицинский альманах.-2016.-№1 (41).-С.112-116.
10. Шалдина М.В., Пирогова И.А. Антиретровирусная терапия как основной метод лечения ВИЧ-инфекции //Вестник совета молодых ученых и специалистов Челябинской области.-2017.-Т.2.-№4.-С.71-74.
11. Юрин О.Г., Ефремова О.С. Европейские и американские рекомендации по лечению ВИЧ-инфекции // Медицинский совет.-2017.-№4.-С.67-72.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 июндаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3800-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3493-сон Қарори.
14. Pediatric Antiretroviral Drug Optimization (PADO) Meeting 4 //Meeting report – 10-12 December 2018, Geneva, Switzerland.
15. Ravshanova S.E., Yunusova Kh.M. The investigation of technological and physico-chemical characteristics of active substances and their granulates for the development combined drug “Analfenon” // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD).-India.-2020.-Vol. 5.-Issue 4.-P.34-37.
16. WHO/CDS/HIV/19.15. Update of recommendations on first- and second-line antiretroviral regimens //Policy brief. - July 2019.-P.16
17. [https://www.unaids.org/sites/default/files/country/documents/UZB\\_2020\\_countryreport.pdf](https://www.unaids.org/sites/default/files/country/documents/UZB_2020_countryreport.pdf). Страновой отчет о достигнутом прогрессе - Узбекистан Глобальный мониторинг эпидемии СПИДа.- 2020 г.-44 с.

Мухамадиева Махфуза Мирзасултоновна, Кариева Ёкут Саидкаримовна,  
Баратова Малика Бахтияровна

**ИССЛЕДОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ИЗУЧЕНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ, СТРУКТУРНО-МЕХАНИЧЕСКИХ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ СУБСТАНЦИИ АНТИРЕТРОВИРУСНОГО ДЕЙСТВИЯ**

Ташкентский фармацевтический институт

e-mail: [yosk@mail.ru](mailto:yosk@mail.ru)

В статье приведены результаты исследований по изучению физических, структурно-механических и технологических показателей лекарственной субстанции невирапин. При этом были определены растворимость субстанции, форма и размер частиц, а также такие технологические показатели как фракционный состав, сыпучесть, насыпная плотность, угол естественного откоса, коэффициент уплотнения, прессуемость, остаточная влажность. Полученные результаты свидетельствуют о невозможности получения таблеток из данной субстанции методом прямого прессования, т.е. прессуемую массу необходимо готовить с использованием комплекса вспомогательных веществ и метода влажного гранулирования.

**Ключевые слова:** антиретровирусные препараты, невирапин, растворимость, форма и размер частиц, технологические показатели.

Mukhamadieva Makhfuza Mirzasultonovna, Karieva Yokut Saidkarimovna,  
Baratova Malika Bakhtiyarovna

**RESEARCH IN THE FIELD OF STUDYING THE PHYSICAL, STRUCTURAL-MECHANICAL AND TECHNOLOGICAL PROPERTIES OF ANTI-RETROVIRAL ACTION SUBSTANCE**

Tashkent Pharmaceutical Institute

e-mail: [yosk@mail.ru](mailto:yosk@mail.ru)

The article presents the results of studies on the study of physical, structural, mechanical and technological parameters of the drug substance nevirapine. At the same time, the solubility of the substance, the shape and size of the particles, as well as such technological indicators as the fractional composition, flowability, bulk density, angle of repose, compaction coefficient, compressibility, and residual moisture were determined. The results obtained indicate the impossibility of obtaining tablets from this substance by the method of direct compression, i.e. the mass to be pressed must be prepared using a complex of auxiliary substances and the method of wet granulation.

**Key words:** antiretroviral drugs, nevirapine, solubility, particle shape and size, technological parameters.

УДК 615.014

Усуббаев Анваржон Мухаммаджонович<sup>1</sup>, Абдумуродова Шохиста Абдурахим кизи<sup>1</sup>,  
Усуббаева Шахноза Мухаммаджоновна<sup>1</sup>, Собирова Фотима Азамжоновна<sup>2</sup>, Матчанов  
Алимжон Давлетбаевич<sup>2</sup>

### «ЛАГОВИН» СУБСТАНЦИЯСИНИНГ ФИЗИК – КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ

<sup>1</sup>Тошкент фармацевтика институти

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси О.С.Содиқов номидаги Биоорганик  
кимё институти

email: [abdumurodovash@mail.ru](mailto:abdumurodovash@mail.ru)

Илк бор маҳаллий хом ашёлар асосида гемостатик таъсирга эга “Лаговин” таблетка дори шаклининг илмий асосланган мўтадил таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш учун фаол субстанциясининг физик-кимёвий ва технологик хоссалари адабиётларда келтирилган усуллар ва асбоблар ёрдамида ўрганилди. Олиб борилган тажрибалар мақсадга мувофиқ таблетка тайёрлаш технологиясини танлаш ва таблетка таркибига қўшилиши лозим бўлган ёрдамчи моддалар тури ва миқдорини назарий томондан асослашга хизмат қилади. Илмий тадқиқот натижаларига кўра, бундай физик-кимёвий ва технологик хоссаларга эга фаол субстанциядан тўғридан-тўғри пресслаш технологиясини қўллаб таблетка олиш имконияти мавжуд эмаслиги исботланди.

**Таянч иборалар:** Лаговин, гемостатик, субстанция, таблетка, физик-кимёвий кўрсаткич, технологик кўрсаткич, кристаллик тузилиши, фракцион таркиб, сочилувчан зичлик, сочилувчанлик.

Ўзбекистоннинг бой табиий захира-ларидан фойдаланиб, янги, маҳаллий хом ашёлар асосида тайёрланадиган, юқори самарадорликка эга бўлган, безарар, импорт ўрнини босувчи дори воситалари технологияларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш, фармацевтика фанининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Республикамизнинг бой табиий захира-ларидан оқилона фойдаланиб гемостатик таъсирга эга, қон тўхтатувчи таблетка дори шаклини таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишни лозим деб топдик. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жарроҳлик ва акушерлик амалиётида ташки ва ички қон кетишини тўхтатувчи гемостатик таъсирга эга, юқори самарадор маҳаллий дори воситалари етарли миқдорда ишлаб чиқарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти олимлари

томонидан лагохолин дитерпеноиди ва поливинилпирролидон билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплекс бирикмаси “Лаговин” олинган. Олиб борилган дастлабки фармакологик тадқиқотлар “Лаговин” фаол субстанцияси 0,01 г дозада юқори самарали қон тўхтатувчи таъсирга эга дори воситаси эканлигини кўрсатди. Унинг 0,15% эритмаси клиник синовлардан ўтказилиб амалий тиббиётга рухсат олиш арафасида турибди ва унинг дори шаклига патент олинган [1].

Лаговин препаратининг қон томир системасига таъсир механизми ўрганилган бўлиб, у қон қуюлиш жараёнининг плазма-ли факторига таъсир қилиб протромбиндан тромбин ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштириши кўрсатилган [2].

Дори шакли субстанцияси учун ДФ талабларидан келиб чиқиб физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилиб чиқилган ва стандартланган ҳамда ташкилотнинг фармакопея мақоласи тасдиқланган [3].

Сунъий чакирилган гипокоагуляция препаратлари билан солиштирма кийимчи натижасида лаговин препарати нисбатан юқори специфик фаоллик намойиши ва заҳарлилик даражаси нисбатан паст эканлиги аниқланган [4-6].


Юқорида келтирилган натижаларга асосланган ҳолда лаговиннинг таблетка шаклини ҳам ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга.

**Ишнинг мақсади:** Гемостатик таъсирга эга қон тўхтатувчи “Лаговин” таблеткасининг илмий жиҳатдан асосланган таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш учун, фаол субстанциянинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш тадқиқотнинг мақсади қилиб белгиланди.

**Тажриба қисми:** Фаол субстанциянинг технологик хоссаларига қараб мақсадга мувофиқ ёрдамчи моддалар ва технологияни танлаш лозим бўлади. Прессланадиган массанинг технологик хоссалари ва таблеткаларнинг сифат кўрсаткичи, субстанциянинг физик-кимёвий хоссаларига бевосита боғлиқдир. Фаол субстанциялар заррачаларнинг тузилиши, прессланадиган массанинг технологик хоссаларини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан бири

хисобланади. Прессланадиган массанинг технологик хоссалари кўп жиҳатдан субстанция заррачаларининг шакли ва ўлчамларига боғлиқ бўлиб, таблеткага қўшиладиган ёрдамчи модда тури, миқдори ва технологиясини белгилайдиган омиллардан биридир. Таблеткаларни пресслаш мураккаб жараён бўлиб, унда субстанциянинг кристаллик тузилиши катта аҳамиятга эга омиллардан бири хисобланади [7,8].

Ишимизнинг биринчи босқичи микроскопик тадқиқотларда кристаллографик ишларни амалга оширишдан бошланди. “Лаговин” субстанциясининг кристаллик тузилишини аниқлаш ишлари Германиянинг “Leica” FS-4000 русумли электрон микроскопида бир вақтнинг ўзида кўриш ва расмга олиш орқали  $dm=2500$ , окуляр  $10\times/22$  ва объектив 40 да амалга оширилди. Фаол субстанциянинг кристаллик тузилишини аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба натижалари 1-расмда келтирилган. Расмдаги натижалардан “Лаговин” фаол субстанцияси проф. Е.Е. Борзуновнинг кристаллографик таснифланиши бўйича – пластинка, палахса, кипиксимон, сочилувчан, қийин зичланадиган кам ғовакли моддалар гуруҳига мансуб эканлиги аниқланди [7].



1-Расм. Лаговин субстанциясини кристаллик тузилиши

Таблетка технологиясини ишлаб чиқишда, таблетка таркибига қўшиладиган ёрдамчи моддаларнинг тури, миқдорини ва тайёрлаш технологиясини назарий томондан асослаш мақсадида, субстанциянинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари

адабиётларда келтирилган усуллар ва лаборатория ускуналари ёрдамида ўрганилди [9-11].

“Лаговин” субстанциясининг ташқи кўриниши, эрувчанлиги, чинлиги, эриш харорати, сульфат кули ва микробиологик

тозалиги каби физик-кимёвий кўрсаткич-лари XI ДФ келтирилган усуллар ёрдамида

ўрганилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган. 1-жадвал

**“Лаговин” субстанциясининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари**

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	Усуллар	Меъёрлар
1	Ташқий кўриниши	визуал	оқ рангли бир жинсли структурага эга гигроскопик кукун
3	Эрувчанлиги	ГФ XI	сувда ва этанолда яхши эрийди, эфир ва бошқа органик эритувчиларда эримайди
4	Чинлиги Дитерпеноид лагохилин Поливинилпирролидон	ТСХ сифат реакцияси	пластинада характерли кўнғир ранг ҳосил бўлади; қизғиш-кўнғир ранг ҳосил бўлади
5.	Суюқланиш ҳарорати	ГФ XI	+98°C дан +100°C
5	Эритманинг тиниклиги	ГФ XI	эритма тиник бўлиши лозим ёки №1 эталон эритмага мос бўлиши керак
6	Эритманинг ранги	ГФ XI	эритма рангсиз бўлиши лозим
7	Қуритишда массадаги йўқотиш	ГФ XI	7 % ошмаслиги лозим
8	Хлоридлар	ГФ XI	эритмада ҳосил бўлган опалесценция эталон эритманикидан ошмаслиги лозим
9	Сулфатлар	ГФ XI	эритмада ҳосил бўлган лойқа эталонникидан ошмаслиги лозим
10	pH	ГФ XI	3,0-7,0
11	Умумий кул миқдори	ГФ XI	(0,6±0,1 %) дан ошмаслиги лозим
12	Сулфат кули	ГФ XI	(0,3±0,01 %) дан ошмаслиги лозим
13	Оғир металллар	ГФ XI	0,001 % дан ошмаслиги лозим
14	Микробиологик тозалиги	ГФ XI	Категория 1,2 Б

1-жадвалда келтирилган катталиклар-дан кўриниб турибдики, “Лаговин” субстанцияси физик-кимёвий

хоссалари бў-йича норматив хужжатларда келтирилган меъёрлар талабига мувофиқлиги исботланди.

Пресслаш жараёнининг мўътадиллигини таъминлаш ва таблетканинг физик-механик кўрсаткичларини белгилашда субстанция ва прессланадиган массанинг технологик хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибаларимизнинг кейинги босқичида, биз “Лаговин” субстанциясининг фракцион таркиби, сочилувчанлиги,

сочилувчан зичлиги, табиий оғиш бурчаги, прессланувчанлиги, зичланиш коэффициенти ва қолдиқ намлик каби технологик хоссаларини адабиётларда келтирилган усуллар ва лаборатория асбоблари ёрдамида ўргандик [10,11]. Олиб борилган тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**“Лаговин” субстанциясининг технологик хоссаларини аниқлаш натижалари**

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
1	Фракцион таркиб, мкм: +2500 -2500 +1000 -1000 +500 -500 +250 -250 +150 -150	%	11,2 66,4 14,5 5,6 2,3 -
3	Сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	310
4	Сочилувчанлик	10 <sup>-3</sup> кг/с	5
5	Табиий оғиш бурчаги	Градус	62
6	Прессланувчанлик	Н	15
7	Зичланиш коэффициенти	-	1,2
8	Қолдиқ намлик, 70°С	%	5,8

**Хулоса:** Шундай қилиб биринчи маротаба гемостатик таъсирга эга “Лаговин” фаол субстанцияси заррачаларининг кристаллик тузилиши электрон микроскоп ёрдамида аниқланди. Олинган тажриба натижалари “Лаговин” фаол субстанцияси кристаллик тузилиши бўйича – пластинка, палахса, қипиксимон, сочилувчан, қийин зичланадиган, кам ғовакли моддалар гуруҳига мансуб эканлиги аниқланди. 1- ва 2- жадвалларда келтирилган тажриба натижаларидан кўришиб турибдики “Лаговин” фаол

субстанцияси аксарият технологик хоссалари бўйича қоникарсиз хоссаларга эга кукунсимон моддалар қаторига киради. Таблетка тайёрлаш технологиясида бундай кристаллик тузилишга ва қоникарсиз технологик кўрсаткичларга эга субстанциялардан тўғридан-тўғри пресслаб таблетка олиш имконияти деярли мавжуд эмас. Олинган натижалар “Лаговин” таблеткаси таркибига ёрдамчи моддалар мажмуасини қўпиш ва нам донадорлаш усулини қўллаш лозимлигини исботлаб берди [9,11].



Пресслаш жараёнининг мўътадиллигини таъминлаш ва таблетканинг физик-химик кўрсаткичларини белгилашда субстанция ва прессланадиган массанинг технологик хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибаларимизнинг кейинги босқичида, биз “Лаговин” субстанциясининг фракцион таркиби, сочилувчанлиги,

сочилувчан зичлиги, табиий оғиш бурчаги, прессланувчанлиги, зичланиш коэффициенти ва қолдиқ намлик каби технологик хоссаларини адабиётларда келтирилган усуллар ва лаборатория асбоблари ёрдамида ўргандик [10,11]. Олиб борилган тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**“Лаговин” субстанциясининг технологик хоссаларини аниқлаш натижалари**

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
1	Фракцион таркиб, мкм: +2500 -2500 +1000 -1000 +500 -500 +250 -250 +150 -150	%	11,2 66,4 14,5 5,6 2,3 -
3	Социлувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	310
4	Социлувчанлик	10 <sup>-3</sup> кг/с	5
5	Табиий оғиш бурчаги	Градус	62
6	Прессланувчанлик	Н	15
7	Зичланиш коэффициенти	-	1,2
8	Қолдиқ намлик, 70°C	%	5,8

**Хулоса:** Шундай қилиб биринчи жараёнда гемостатик таъсирга эга “Лаговин” фаол субстанцияси таррачаларининг кристаллик тузилиши электрон микроскоп ёрдамида аниқланди. Олинган тажриба натижалари “Лаговин” фаол субстанцияси кристаллик тузилиши бўйича – пластинка, палакса, кипиксимон, сочилувчан, қийин зичланадиган, кам ғовакли моддалар гуруҳига мансуб хослиги аниқланди. 1- ва 2- жадвалларда келтирилган тажриба натижаларидан кўриниб турибдики “Лаговин” фаол

субстанцияси аксарият технологик хоссалари бўйича қониқарсиз хоссаларга эга кукунсимон моддалар қаторига киради. Таблетка тайёрлаш технологиясида бундай кристаллик тузилишга ва қониқарсиз технологик кўрсаткичларга эга субстанциялардан тўғридан-тўғри пресслаб таблетка олиш имконияти деярли мавжуд эмас. Олинган натижалар “Лаговин” таблеткаси таркибига ёрдамчи моддалар мажмуасини қўшиш ва нам дондорлаш усулини қўллаш лозимлигини исботлаб берди [9,11].

## Адабиётлар:

1. Ихтирога патент № IAP 04806. Талабнома раками IAP 2009 0404. Гемостатик таъсирга эга 3,15,16,18-тетрагидрокси-9, 13-эпокси лабдана с поливинилпирролидоном, обладающий гемостатическим действием. (Ш.И.Салихов, Д.Н.Далимов, А.Д.Матчанов, М.Б.Гафуров, Н.Л.Выпова)
2. Далимов Д.Н., Выпова Н.Л., Матчанов А.Д., Гафуров М.Б., Исламов А.Х., Собирова Ф.А. Механизм действия Лаговина на сосудистотромбоцитарный гемостаз Узбекистон Тиббиёт журналі -2011. -№4 –С. 111-113.
3. ФС. На субстанцию Лаговин ФС 42 Уз-3120-2020 (взамен ВФС 42 Уз-3120-2017) (Д.Н.Далимов, А.Д.Матчанов, М.Б.Гафуров, Н.Л.Выпова).
4. Выпова Н.Л., Далимов Д.Н., Далимова С.Н., Тураева Д., Матчанов А.Д., Гафуров М.Б. Изучения влияния препарата Лаговин в сравнении с Этамзилатом натрия на экспериментальную модель гипокоагуляции. «Новые достижения в получении, изучении и применении лекарственных средств на основе природного сырья» посвященной 100 летию со дня рождения профессора Р.Л.Хазанович. Т., 2006. с. 210-211.
5. Тураева Д.Т., Выпова Н.Л., Далимова С.Н., Матчанов А.Д., Далимов Д.Н., Ниязимбетова Д. Влияние препарата Лаговин на сосудисто-тромбоцитарный гемостаз в сравнении с дициноном. Вестник НУУЗ -2005. -№ 4. -С. 93-95.
6. Тураева Д.Т., Выпова Н.Л., Далимова С.Н., Далимов Д.Н., Матчанов А.Д., Ниязимбетова Д. О токсических свойствах Лаговина. Вестник НУУЗ -2005 -№ 1.-С. 9-11.
7. Борзунов Е. Е. Исследования в области физико-химической механики таблетирования лекарственных порошкообразных веществ [Текст]: Автореферат дис. на соискание ученой степени доктора фармацевтических наук. (790) / Львов.,гос. мед., ин-т. - Львов : [б. и.], 1972. - 40 с.
8. Булыгина И.В., Воробьева Н.В., Егорова С.Н., Губайдуллин А.Т. Сравнительный анализ кристаллических форм субстанций тиоктовой кислоты // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 1-1.;
9. Махкамов С.М. Таблетка сифат кўрсаткичларидаги аниклик // Кимё ва фармация. - Тошкент, 1995. - №3.- Б. 24-28.
10. Государственная фармакопея СССР.- XI изд. - Москва.: Медицина, 1989.- Вып. 2. – С. 154.
11. КамбаровХ.Ж, Усуббаев А.М. Разработка состава и технологии таблеток “Целитель Востока”//Вестник фармации.-2012.-№ 2 (56)

Усуббаев Анваржон Мухаммаджонович<sup>1</sup>, Абдумуродова Шохиста Абдурахим қизи<sup>1</sup>,  
Усуббаева Шахноза Мухаммаджоновна<sup>1</sup>, Собирова Фотима Азамжоновна<sup>2</sup>, Матчанов  
Алимжон Давлетбаевич<sup>2</sup>

## ИЗУЧЕНИЕ ФИЗИКО – ХИМИЧЕСКИХ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ СУБСТАНЦИИ «ЛАГОВИН»

<sup>1</sup>Ташкентский фармацевтический институт,

<sup>2</sup>Институт биоорганической химии АН РУз

Впервые для разработки научно обоснованного, оптимального состава и технологии таблетлируемой лекарственной формы гемостатического действие на основе местного лекарственного сырья «Лаговин», были изучены физико-химические и технологические свойства активной субстанции, методами и лабораторными приборами приведенными в литературных источниках. Проведенные эксперименты служат для определение научно обоснованной, оптимальной технологии таблетирование и теоретического обоснование вводимых в состав вида и количество вспомогательных веществ. Результаты научных

исследованиями доказывают, что получение таблеток методом прямого прессования из активной субстанции имеющей такие, физико- химические и технологические свойства невозможно.

**Ключевые слова:** Лаговин, гемостатик, субстанция, таблетка, физико-химические параметры, технологические параметры, кристаллическое строение, фракционный состав, сыпучесть, плотность.

Usubboev Anvarjon Muxammadjanovich<sup>1</sup>, Abdumurodova Shokhista Abdurahim kizi<sup>1</sup>,  
Usubbaeva Shakhnoza Muxammadjanovna<sup>1</sup>, Sobirova Fotima Azamjonovna<sup>2</sup>,  
Matchanov Alimjon Davlatboevich<sup>2</sup>

**STUDY OF PHYSICAL - CHEMICAL AND TECHNOLOGICAL PARAMETERS OF  
SUBSTANCE "LAGOVIN"**

<sup>1</sup>Tashkent Pharmaceutical Institute

<sup>2</sup>Institute of Bioorganic Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of  
Uzbekistan,

For the first time to develop a scientifically grounded, optimal composition and technology of a tableted dosage form of hemostatic action based on local medicinal raw materials "Lagovin", the physicochemical and technological properties of the active substance were studied using the methods and laboratory devices given in the literature. The experiments carried out serve to determine the scientifically grounded, optimal tableting technology and the theoretical substantiation of the type and amount of excipients introduced into the composition. The results of scientific research prove that it is impossible to obtain tablets by direct compression from an active substance with such physicochemical and technological properties.

**Key words:** Lagovin, hemostatic, substance, tablet, physicochemical density, technological property, crystal structure, fractional composition, flowability, bulk density.

УДК: 615.32:615.014

Хусенова Шахноза Шухратовна<sup>1</sup>, Файзуллаева Нодира Султановна<sup>1</sup>,  
Сотимов Ғайрат Бахтиёрович

## ДИАБДЕРМ СУЮҚ ЭКСТРАКТ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Тошкент фармацевтика институти<sup>1</sup>,  
ЎзР ФА Ўсимлик моддалар кимёси институти<sup>2</sup>  
\*e-mail:shxusenova@gmail.com

Маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида “Диабдерм” суюқ экстракти технологияси ишлаб чиқилди, жумладан суюқ экстракт олиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар: хом ашёни майдалик даражаси (мм); экстрагент тури ва концентрацияси (%); хом ашё ва экстрагент нисбати; экстракциялашга сарфланган вақт (соат) каби кўрсаткичлар ўрганилди. Олинган “Диабдерм” суюқ экстрактнинг сифат кўрсаткичлари ва миқдорий таҳлил флавоноидлар йиғиндиси рутин ҳисобидан аниқланди.

**Таянч иборалар:** ўсимлик хом ашёси, биологик фаол моддалар, “Диабдерм” йиғмаси, суюқ экстракт, сифат кўрсаткичлари, миқдорий таҳлил.

Сўнги вақтда бутун дунёда кузатилаётгани каби республикамизда ҳам табиий хом ашёлар ва улар асосида олинадиган дори воситаларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бугунги кунда ўткир ва сурункали кечадиган хасталикларнинг 40% иммун тизими фаолиятини бузилиши билан боғлиқлиги исботланган. Ҳозир дунёда 120 миллиондан ортиқ қандли диабет касаллигига чалинган беморлар борлиги ва улардан 90% инсулинга боғлиқ бўлмаган (2-тип) шакли эканлиги аниқланган. Қандли диабет касаллиги турли иккиламчи диабетик ангиопатияларни ривожланишига сабаб бўлади. Тери яллиғланиш касалликларини узок муддат тузалмаслиги, диабетик оёқ қафти синдроми эса 50-75% ҳолларда ампутация сабабли ногирон бўлиб қолиши ва муддатидан олдин нобуд бўлишига олиб келмоқда. Юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб, бугунги кунда маҳаллий хом ашёлар асосида кам захарли иммунитетни оширувчи, модда алмашинувни тубдан яхшиловчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга дори препаратларини яратиш фармацевтик технологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада муаллифлар томонидан

“Диабдерм” йиғма таркиби ишлаб чиқилган [1, 2].

**Изланишлар мақсади.** Олиб борилган изланишларнинг асосий мақсади тери яллиғланиши касаллигига қарши “Диабдерм” йиғмаси асосида суюқ экстракт технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш.

### Тажриба қисми.

**Материаллар ва текшириш усуллари.** Тери яллиғланиши касаллигини даволаш учун мўлжалланган “Диабдерм” йиғмаси таркибидан биофаол моддаларни тўлиқ ажралиб чиқишига таъсир кўрсатувчи омиллар, яъни хом ашёни майдалик даражаси (мм); экстрагент тури ва концентрацияси (%); хом ашё ва экстрагент нисбати; экстракциялашга сарфланган вақт (соат) каби кўрсаткичлар ўрганилди.

“Диабдерм” йиғмасидан ажратма олиш учун йиғма ҳар хил қатталиқда (1,0-5,0 мм) алоҳида майдаланди ва экстрагент сифатида турли концентрациядаги этил спирти (20%, 40%, 60%, 70% ва 90%) ва тозаланган иссиқ ( $95 \pm 5^\circ\text{C}$ ) сув билан экстракция қилинди [3].

Экстракт олиш учун ишлатиладиган асбоб-усқунанинг мураккаб бўлмаслиги ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарда технологик жараён осон тадбиқ

этилишини ҳисобга олиб, «Диабдерм» суюқ экстрактини олиш учун перколяция, реперколяция ва икки босқичли касрли мацерация-циркуляция усулларидадан фойдаланилди [4].

“Диабдерм” суюқ экстрактини сифат кўрсаткичлари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилди [5]. “Диабдерм” суюқ экстрактнинг сифат кўрсаткичлари курук қолдиқ ва унинг таркибидаги биофаол моддалар – рутин ҳисобидан флавоноидлар йиғиндиси бўйича баҳоланди. “Диабдерм” суюқ экстрактнинг курук қолдиғини аниқлаш учун олдиндан тўртинчи олинган чинни косачага 5 мл суюқ экстракт солиниб сув ҳаммомида буғлатилди, сўнг курутгич шкафта 100-105 °С ҳароратда 3 соат мобайнида курилди ва 30 дақиқа эксикаторда совитилиб, массаси ўлчанди. Суюқ экстракт таркибидаги курук қолдиқни аниқлаш доимий массагача амалга оширилди.

“Диабдерм” суюқ экстракти таркибидаги спирт концентрацияси қайнаш ҳарорати бўйича баҳоланди. Бунинг учун идишга 40 мл суюқ экстракт солинади ва бир ҳил қайнаши учун

экстракт ичига капилляр найчалари ҳам солинади. Суюқ экстрактнинг қайнаш ҳароратини ўлчаш учун ичига термометр 2-3 мм га ботриб қўйилади. Суюқ экстракт сақланган идиш сетка устида қиздирилади. Тажриба бошланганидан 5 дақиқадан сўнг термометр ҳарорати кўрилади ва ХІ-ДФ жадвалларидан суюқ экстракт таркибидаги спирт концентрацияси аниқланади. Суюқ экстракт таркибида оғир металллар миқдори ХІ-ДФда келтирилган усул ёрдамида аниқланади (0,01% дан кўп эмас) [5].

#### Натижа ва муҳокамалар.

Юқорида қайд этилганидек, амалга оширилган тажрибаларда “Диабдерм” суюқ экстрактини олиш учун касрли мацерация-циркуляция, перколяция ва реперколяция (модификацияланган ВНИИФ 2-усули) усуллари ўрганиб кўрилди [4]. 1-жадвалда келтирилган “Диабдерм” суюқ экстрактини ишлаб чиқишда фойдаланилган технологияларни қиёсий баҳолаш натижалари рутин ҳисобидан флавоноидлар йиғиндисини ажралиб чиқишини ҳисобга олиб экстрагент сифатида 70% этил спиртидан фойдаланилди [5].

1-жадвал

#### “Диабдерм” суюқ экстрактини ишлаб чиқишда фойдаланилган технологияларни қиёсий баҳолаш натижалари

Технологик жараён усули	Курук қолдиқ %	Флавоноидлар йиғиндиси, рутин ҳисобидан, %
Касрли мацерация-циркуляция	3,03	0,27
Перколяция	3,25	0,28
Реперколяция	3,61	0,30

Тажрибалар натижасида перколяция ва реперколяция усулида олинган суюқ экстрактларнинг сон кўрсаткичлари мацерация усулида олинган курук экстрактнинг кўрсаткичларига нисбатан бир оз юқорилиги аниқланди. Бироқ экстракт олиш учун ишлатиладиган асбоб-ускунанинг мураккаб бўлмаслиги, олинган маҳсулотнинг мавсумли эканлиги ҳамда экстрагент кам сарфланишини ҳисобга олиб, «Диабдерм» суюқ экстрактни олиш учун икки

босқичли касрли мацерация-циркуляция усули танлаб олинди.

Экстракция жараёнини муътадиллаштириш ва экстракция кинетикасига таъсир кўрсатувчи омилларни, жумладан, экстракция жараёнида сарфланадиган экстрагент тури ва миқдори, экстракцияга сарфланадиган вақт ва бошқалар кейинги ўтказилган тажрибаларда ўрганилди.

Мацерация-циркуляция усулида суюқ экстракт олиш учун сарфланадиган спирт миқдорини аниқлаш учун хом

ашёнинг спирт (90 ва 70%) шимиш коэффициенти (мос равишда 5,22 ва 3,35) аникланди ва дастлабки сарфланадиган спирт миқдори хом ашёга нисбатан тўрт марта кўп бўлиши, сувли экстракция учун хом ашё ва тозаланган сув 1:3 нисбатда бўлиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Биофаол моддаларни тўлик ажратиб олишга сарфланган вақтни белгилаш мақсадида экстракциялаш жараёни кран билан таъминланган мацерацион идишда турли вақт (1-6 соат) оралиғида амалга ошириб кўрилди.

2-жадвал

**“Диабдерм” йиғмасидан суюқ экстракт олиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш натижалари**

Ўрганилган омиллар	Олинган натижалар		
	ташки кўриниш	курук қолдик, %	экстрактив моддалар, флавоноидлар йиғиндиси, рутин ҳисобидан, %
хом ашёни майдалик даражаси, мм			
2,0	тўқ яшил-жигарранг	3,08	0,25
3,0	ўзига хос ҳидли	3,07	0,26
4,0	ажратма	3,03	0,27
5,0		2,92	0,23
экстрагент (%) концентрацияси			
20	тўқ яшил-жигарранг	3,18	0,23
40	ўзига хос ҳидли	3,20	0,25
60	ажратма	3,01	0,26
70		2,93	0,27
90		2,81	0,26
Сув (90°C)		3,21	0,25
хом ашё ва экстрагент (70% этил спирти) нисбати			
1:4	тўқ яшил-жигарранг	3,22	0,29
1:6	ўзига хос ҳидли	3,03	0,27
1:8	ажратма	2,21	0,20
экстракция умумий вақти, соат			
1	тўқ яшил-жигарранг	1,20	0,12
4	ўзига хос ҳидли	3,13	0,27
6	ажратма	3,20	0,28

**“Диабдерм” суюқ экстракти технологияси**

Олиб борилган тажрибалар натижасида “Диабдерм” йиғмасидан суюқ экстракт олиш жараёнига қуйидаги оптимал шароит танлаб олинди: ўсимлик хом ашёсининг оптимал майдалик даражаси 3-4 мм, экстракциялаш учун бир кетма кетликда 90% ва 70% этил спиртидан экстракция қилинди.

Ҳар бир экстракция босқичи учун вақт қуйидагича тақсимланди: 90% этил спирти билан экстракция қилиш учун 3 соат, 70% этил спирти учун – 2 соат мобайнида экстракция қилинди. Экстракция жараёнининг 1-босқичида 90%


этил спирти (спирт шимиш коэффициенти 5,22 олинадиган ажратманинг хом ашёга нисбати 1:0,5 бўлиши керак), ҳар 30 дақиқада ажратма қуйиб олиниб, яна қайтадан мацерацион бакга қуйилиб, циркуляция қилиб турилди. 2-босқичда 70% этил спирти (спирт шимиш коэффициенти 3,35 олинган ажратманинг хом ашёга нисбати 1:0,5 бўлиши керак) сарфланиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Ушбу босқичда ҳам ҳар 30 дақиқада ажратма қуйиб олиниб, яна қайтадан мацерацион бакга қуйилиб, ҳар 30 дақиқада циркуляция қилиб турилди.

Биринчи ва иккинчи босқичларда олинган спиртли ажратмалар

келтирилди, токи умумий ажратиб  
 олиш махсулот дастлабки хом ашёга 1:1  
 нисбатда ташкил этгунича.  
 Келтирилган ажратмалар 8°C  
 ҳароратда 3 суткага ёт моддалардан

тозалаш учун қолдирилди, сўнг икки  
 каватли бўз матодан ўтказилиб, сузиб  
 олинди. Технологик жараён тасвири 1-  
 расмда келтирилган.

**Технологик жараён тасвири**



1-расм. «Диабдерм» суюқ экстрактивнинг технолгик жараён тасвири

«Диабдерм» суюқ экстрактни  
 сифатини баҳолаш усуллари ишлаб  
 чиқиш. Суюқ экстракт сифатини баҳолаш  
 бўйича тадқиқотлар адабиётларда

келтирилган усулларда амалга оширилди  
 [2, 5, 6]. Олинган натижалар 3-жадвалда  
 келтирилган.

3-жадвал

**«Диабдерм» суюқ экстрактини сифатини баҳолаш натижалари**

Сифат кўрсаткичи	Усул тури ва манбаи	Меъёрий ҳужжат бўйича сифат меъёрлари
Тавсифи	органолептик	ўзига хос ҳидли, аччиқ ва ёндирадиган таъмга эга, хушбўй ҳидга эга, яшил-жигарранг рангли суюқлик.
Чинлиги	флавоноидларга сифат реакциялар	темир хлорид (III) билан қора-яшил ранг ҳосил қилади.

		ишқорлар: (NaOH ёки KOH) билан жигар ранг беради. спектрофотометрик усулда 350 дан 450 нмгача бўлган ораликда 407±5 нм максимал нур ютилиши кузатилади.
Оғир металллар	Давлат Фармакопеяси талаби 0,01% ошмаслиги керак.	>0,01
Этил спирти концентрацияси, %	Давлат Фармакопеяси	76% кам бўлмаслик керак
Курук қолдик	Давлат Фармакопеяси	1% дан кам эмас
Микдорий таҳлил	Флавоноидлар йиғиндисининг микдори рутин ҳисобидан, %	0,5% кам бўлмаслик керак

3-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики “Диабдерм” суюқ экстрактининг сон кўрсаткичлари талаб даражасида ва меъёрий хужжатлар мажмуаси тузилишда ушбу маълумотлар қўлланилади.

**Хулосалар.**

Тажрибалар натижасида тери яллиғланиш касаллигини сиртдан даволаш учун мўлжалланган “Диабдерм” йиғмасидан суюқ экстракт олиш учун икки босқичли касрли мацерация-циркуляция усули ва қуйидаги оптимал экстракция шароити танлаб олинди: хом ашёнинг оптимал майдалик даражаси 3-4 мм; экстракциялаш жараёнида бир кетма кетликда 90% (экстракция вақти 3 соат) ва

70% (экстракция вақти 2 соат) этил спирти билан ишлов берилди. Спиртли ажратма 1:1 нисбатда қуйиб олинди.

“Диабдерм” суюқ экстракти таркибидаги сон кўрсаткичлар меъёрий хужжатлар талабига мос келиши аниқланди. Жумладан, “Диабдерм” йиғмасидан олинган суюқ экстрактнинг сон кўрсаткичлари ўрганилди: курук қолдик микдори (1% дан кам бўлмаслиги керак) ва этил спиртининг концентрацияси (76% дан кам бўлмаслиги керак) суюқ экстракт таркибидаги флавоноидлар йиғиндисининг рутин ҳисобидаги микдори 0,5% дан кам бўлмаслиги керак деб топилди.

**Адабиётлар:**

1. Хусенова Ш.Ш. Разработка состава сбора “ДИАБДЕРМ” для наружной терапии воспалительных заболеваний кожи /Сб. материалов международной научно-практической конференции «Современное состояние фармацевтической отрасли: проблемы и перспективы». -2020, Ташкент.- С.218-219.- С 331-332.
2. Хусенова Ш.Ш., Файзуллаева Н.С. “Дермостоп” суюқ экстракт-концентрати технологиясинби ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш //Farmatsevtika jurnali.- Тошкент,- 2017.-№1.-Б.89-94.
3. Шодмонова Ш.Н., Туреева Г.М., Гоипова Г.Ш. Разработка технологии жидкого экстракта из листьев крапивы и цветков календулы, а также фитоплёнок. Фармацевтическая наука и практика: проблемы, достижения, перспективы развития.- Харьков, 2016.- С.98-99.
4. Чуешов В.И. Промышленная технология лекарств. В 2-х томах. Т.2. / В.И. Чуешов, М.Ю. Чернов, Л.М.Хохлова и др. - Х.: МТК Книга, изд-во НФАУ, 2002.-С. 716
5. Государственная Фармакопея XI. Выпуск 2. Общие методы анализа. Лекарственное растительное сырье. М.: Медицина, 1989.- С.160-161
6. Тихонов В.Н., Калинин Г.И., Сальникова Е.Н. Лекарственные растения, сырье и фитопрепараты. - Томск.-2004.-С.148.



Хусенова Шахноза Шухратовна, Файзуллаева Нодира Султановна,  
Сотимов Ғайрат Бахтиёрович

### **РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ЖИДКОГО ЭКСТРАКТА «ДИАБДЕРМ»**

Ташкентский фармацевтический институт,  
Институт химии растительных веществ АН РУз  
\*e-mail: [shxusenova@gmail.com](mailto:shxusenova@gmail.com)

На основе местного растительного сырья разработана технология жидкого экстракта «Диабдерм». Были изучены факторы, влияющие на процесс экстракции: степень измельченности сырья, в мм; природа и концентрация экстрагента, %; соотношение сырья и экстрагента; время экстракции. Были определены качественные показатели полученного жидкого экстракта «Диабдерм» и количественное содержание суммы флавоноидов в пересчёте на рутин.

**Ключевые слова:** растительное сырьё, биологически активные вещества, сбор «Диабдерм», жидкий экстракт, показатели качества, количественное определение.

KhusenovaShakhnozaShukhratovna, FayzullaevaNodiraSultanovna,  
Sotimov Gayrat Bakhtiyarovich

### **DEVELOPMENT OF LIQUID EXTRACT TECHNOLOGY "DIABDERM"**

Tashkent Pharmaceutical Institute,  
Institute of Plant Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan  
\*e-mail: [shxusenova@gmail.com](mailto:shxusenova@gmail.com)

On the basis of local plant raw materials, the technology of liquid extract "Diabderm" was developed, in particular, the factors influencing the extraction process were studied: the degree of grinding of the raw material, mm; type and concentration of extractant, %; the ratio of raw materials and extractant; extraction time. We studied the qualitative indicators of the obtained liquid extract "Diabderm" and carried out a quantitative determination of the amount of flavonoids in terms of rutin.

**Key words:** plant raw materials, biologically active substances, "Diabderm" collection, liquid extract, quality indicators, quantitative determination.

Юлдашева Сохиба Шомирзаевна<sup>1</sup>, Мустафаев Умматжон Ғайрат ўғли<sup>2</sup>, Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич<sup>3</sup>, Тулаганов Абдукоди Абдурахмонович<sup>4</sup>

### TARAXACUM OFFICINALE WIGG VA TARAXACUM KOK-SAGHYZ RODIN ЎСИМЛИГИ ТАРКИБИДАГИ ЭРКИН АМИНОКИСЛОТАЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ

Тошкент давлат аграр университети<sup>1</sup>,  
Тошкент фармацевтика институти<sup>2</sup>  
ЎзР ФА Биоорганик кимё институти<sup>3</sup>  
Ўзбек кимё фармацевтика илмий текшириш институти<sup>4</sup>  
email: [abdukodiruz@mail.ru](mailto:abdukodiruz@mail.ru)

*Taraxacum officinale* Wigg va *Taraxacum kok-saghyz* Rodin доривор ўсимлик хом ашёларининг таркибидаги эркин аминокислоталари миқдорини аниқлашнинг таҳлил усули ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** кокиўт, аминокислота, таҳлил усули, доривор ўсимлик, хом-ашё, киёсий.

Республикамиз флораси табиий ва географик жиҳатдан шифобахш ўсимликларга бой бўлиб, 4500 тури учрайди. Шулардан фақатгина 1200 турининг шифобахш хусусиятлари маълум [3]. Ана шундай шифобахш ўсимликлардан бири мураккабгулдошлар оиласига (*Asteraceae*) мансуб, *Taraxacum* туркуми (доривор кокиўт, момакаймоқ) бўлиб, у кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ҳисобланади Бу ўсимликни Ўзбекистон флорасида 26 тури учрайди *Taraxacum officinalis* Wigg. ўсимлиги илдининг таркибида таракса-цин, тараксацетин, аччик гиликозидлар, тараксерезол, Р-ситостерин, сигмастерин, 24% гача инулин, никотин кислотаси, никотинамид, холин ва бошқа моддалари учрайди [4]. *Taraxacum* туркумининг яна бир тури *Taraxacum kok-saghyz* Rodin чет элларда тиббиёт амалиётида кўлланишидан ташқари шина саноатида кенг кўлланиладиган кимматбаҳо табиий каучук олиш учун саноат плантациялари яратилади [1.6]. *Taraxacum kok-saghyz* Rodin тури Ўзбекистонда етиштирилмайди шунинг учун саноат плантацияларини яратиш мақсадида олдинги илмий изланишларимизда лаборатория шароитида уруғ унувчанлиги ва тажриба майдонида етиштиришни ўргандик [2].

Аминокислоталар таҳлили учун ишлатиладиган ускуналар ва усуллар

одатда синов намунасида мавжуд бўлган аминокислоталарнинг хроматографик бўлинишига асосланади. Замонавий таҳлил усуллари аналитик муаммоларни ҳал қилиш учун автоматлаштирилган хроматографик қурилмалардан фойдаланишга асосланган. Аминокислоталар таҳлили учун асбоб сифатида, паст ёки юқори босимли суюқ хроматограф кенг тарқалган бўлиб, таҳлил қилинган аминокислоталарнинг хроматографик колонкада бўлинишини таъминлайдиган ҳаракатланувчи фазани градиент шароитда юборишга мўлжалланган. Детектор сифатида ишлатиладиган дериватизация усулига қараб ультрабинафша кўринадиган соҳада спектрофотометрик детектор ёки флюоресцент детектори кенг тарқалган. Амино кислоталар таҳлили учун ишлатиладиган ускуналар ва усуллар одатда хроматографияга асосланган.

**Тадқиқот мақсади.** Ўзбекистонда маданийлаштирилган *Taraxacum kok-saghyz* Rodin тури таркибидаги аминокислоталарни миқдорини аниқлаб табиий ҳолда учрайдиган *Taraxacum officinale* Wigg тури билан киёсий ўрганиш.

**Тадқиқот объекти ва усул.** Табиатда кўп учрайдиган *T. officinale* Wigg ва Ўзбекистон шароитида иклимлаштирилган *T. kok-saghyz* Rodin

таркибидаги аминокислоталарни юкори самарали суюклик хроматография (ЮССХ) усули билан аниқланди.

Намуналарнинг сувли экстракти таркибидаги оксил ва пептидлар аниқланди. Супернатант кисмидан 1 мл унга 1 мл 20 % ТХУК (гидрохлориди сульфат кислота) қўшилиб, 10 минутдан сўнг, айланиш дақиқаси 8000 rpm да 15 дақиқа давомда центрифугаланди. 0,1 мл қолдиқ суюклик микрокуритгичда куритилди.

Эркин аминокислоталарнинг таҳлили фенилтиокарбомаил (ФТК) синтези усулида, Cohen Daviel [5] усулида амалга оширилди.

ФТК аминокислоталар идентификацияси УБ-детекторли, Agilent Technologies 1200 маркали хроматографида қўзғалмас фаза Discovery HS C<sub>18</sub> 75x4.6 мм колонкасида, қўзғалувчан фаза сифатида 0,14 М CH<sub>3</sub>COONa + 0,05% ТЭА рН 6,4 (А) ва CH<sub>3</sub>CN (В) аралашмасидан фойдаланилди.

Оқим тезлиги дақиқасига 1,2 мл, ютилиши 269 нм. Градиент % В/дақ: 1-6% /0-2.5 дақ; 6-30 %/2.51-40 дақ; 30-60 %/40,1-45 дақ; 60-60%/45,1-50 дақ; 60-0 %/50,1-55 дақ. Ўсимликлар таркибидан аниқланган эркин аминокислоталарни микдори 1-жадвалда, хроматограммаси 1- ва 2-расмларда кўрсатилган.


1-жадвал

***T. kok-saghyz* Rodin ва *T. officinale* Wigg ўсимликлари таркибидаги аминокислоталар микдор кўрсаткичи (мг/г)**


№	Аминокислотлар	<i>Taraxacum kok-saghyz</i>	<i>Taraxacum officinale</i>
		Rodin ўсимлиги	Wigg ўсимлиги
		(мг/г)	
1	Аспарагин кислота	0,203134	0,139582
2	Глутаминкислота	0,123496	0,188252
3	Серин	0,271777	0,228441
4	Глицин	0,219771	0,148284
5	Аспарагин	0,224219	0,146825
6	Глутамин	0,84266	0,666667
7	Цистеин	1,766323	1,103093
8	Треонин	0,845983	0,753425
9	Аргинин	0,217918	0,499287
10	Аланин	1,341058	1,496579
11	Пролин	0,134032	0,135709
12	Тирозин	0,895242	0,760851
13	Валин	0,301808	0,438272
14	Метионин	0,182502	0,186261
15	Изолейцин	0,358333	0,271491
16	Лейцин	0,389001	0,25782
17	Гистидин	0,200855	0,233974
18	Триптофан	0,283131	0,3087
19	Фенилаланин	0,210977	0,309668
20	Лизин HCl	0,137898	0,189298
21	<b>Жами</b>	<b>9,150117</b>	<b>8,462478</b>

1-жадвалдаги натижаларга кўра *Taraxacum officinale* Wigg ва Ўзбекистонда маданийлаштирилган *Taraxacum kok-saghyz* Rodin ўсимлиги хом-ашёсидан 20 тадан эркин аминокислоталар аниқланиб *Taraxacum kok-saghyz* Rodin ўсимлиги хом-ашёси таркибидаги аспаргин кислота, серин, аспаргин, глицин, цистеин, треонин, тирозин, изолейцин, лейцин,

триптофан эркин аминокислоталари миқдор кўрсаткичи *T. officinale* такибидагига нисбатан юқорилиги, *T. officinale* ўсимлиги хом ашёси таркибидаги глутамин кислота, аргинин, валин, гистидин, фенилаланин, лизин HCl эркин аминокислоталар миқдори *T. kok-saghyz* ўсимлиги хом ашёсидагига нисбатан юқорилиги аниқланди.



1-Расм. *T. officinale* Wigg ўсимлиги таркибидаги аминокислоталарни хроматограммаси



2-Расм. *T. kok-saghyz* Rodin ўсимлиги таркибидаги эркин аминокислоталарни хроматограммаси

**Хулоса:** 1. *Taraxacum kok-saghyz* Rodin ва *Taraxacum officinale* Wigg ўсимлик таркибида аминокислоталар микдорини аниқлашнинг замонавий физик-кимёвий ҳокори самарали суюклик хроматография (ЮССХ) усули яратилди.

2. *Taraxacum kok-saghyz* Rodin ўсимлиги таркибидагикатор аминокислоталарнинг микдори *Taraxacum officinale* Wigg ўсимлигига нисбатан кўплиги аниқланди.

#### Адабиётлар

1. Кутузова С.Н, Петросян И.А. Морфо-биологическое изучение кок-сагыза из коллекции ВИР. Труды по прикладной ботанике, генетике и селекции. 2011;167:125-32.
2. Рахимов Т.У., Юлдашева С.Ш. *Taraxacum kok-saghyz* rodin ва *Taraxacum officinale* Wigg. ўсимлигини лаборатория шароитида уруғ унвчанлигини солиштириб ўрганиш // Озиқ-овқат хавфсизлиги: миллий ва глобал омиллар. II-халқаро илмий назарий конференция. - 2020й. Б. -473-478
3. Тўхтаев Б.Ё. ва бошқалар. Доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва хом-ашёсини тайёрлаш бўйича “ЙУРИКНОМА”. Тошкент-2015 йил.
4. Юлдашева С.Ш., Рамазонова К.Р., Тулаганов А.А., Тажибаев К.Ш., Тўхтаев Б.Ё. (*Taraxacum*) туркум турларини етиштириш ва саноатда қўллашни илмий асослаш // Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси. -2019 й. –№2. Б.68-70.
5. Steven A, Cohen Daviel J. Amino Acid Analysis Utilazing Fhenylisotiocyanata Derivatives // Analitical Biochemistry, 1988. –Vol. 17.-№ 1.Pp.1-16.
6. КОК Technology INC.: Green Extraction of Rubber // Электронресурс. URL. <http://www.bcic.ca/success-stories>

Юлдашева Сохиба Шомирзаевна<sup>1</sup>, Умнатжон Гайрат угли<sup>2</sup>, Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич<sup>3</sup>, Тулаганов Абдукадир Абдурахманович<sup>4</sup>

#### КОЛИЧЕСТВЕННОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ АМИНОКИСЛОТ ИЗ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ (*Taraxacum officinale* Wigg и *Taraxacum Coke-Saghyz* Rodin)

Ташкентский государственный аграрный университет<sup>1</sup>

Ташкентский фармацевтический институт<sup>2</sup>

Институт биоорганической химии АН РУз<sup>3</sup>

Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт<sup>4</sup>

[abdukodiruz@mail.ru](mailto:abdukodiruz@mail.ru)

Разработана методика анализа количественного определения свободных аминокислот в лекарственном сырье *Taraxacum officinale* Wigg и *Taraxacum kok-saghyz* Rodin.

**Ключевые слова:** *Taraxacum officinale* Wigg, *Taraxacum coke-saghyz* Rodin, лекарственное сырье, метод анализа, аминокислоты.

Yuldasheva Sohiba Shomirzayevna<sup>1</sup>, Mustafayev Ummatjon Gayrat ugli<sup>2</sup>, Sherimbetov Sanjar Gulmirzoyevich<sup>3</sup>, Tulaganov Abdukadir Abdurahmanovich<sup>4</sup>

#### QUANTITATIVE DETERMINATION OF AMINO ACIDS FROM THE MEDICINAL PLANTS (*Taraxacum officinale* Wigg and *Taraxacum kok-Saghyz* Rodin)

Tashkent State agrar university<sup>1</sup>

Tashkent pharmaceutical institute<sup>2</sup>

Institute of bioorganic chemistry Academy of science of Republic of Uzbekistan<sup>3</sup> UzChPhSRI<sup>4</sup>

[abdukodiruz@mail.ru](mailto:abdukodiruz@mail.ru)

A new method for the analysis of the quantitative determination of free amino acids from medicinal raw materials *Taraxacum officinale* Wigg and *Taraxacum kok-saghyz* Rodin, has been developed.

**Keywords:** *Taraxacum officinale* Wigg, *Taraxacum coke-saghyz* Rodin, medicinal raw materials, analysis method, amino acids.

Солиева Гулноза Валиевна, Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна, Муллажонова Манзура Тохировна, Юнусхожиева Нигора Элмурод кизи

## МАКСАЦ+Ц ТАБЛЕТКАСИ ТАРКИБИДАГИ АСОСИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОДДАЛАРНИ АНИҚЛАШ

Тошкент фармацевтика институти

e-mail:yunusxodjaeva-n@mail.ru

Маколада МАКСАЦ+Ц таблетка кўринишидаги БФҚ таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги хақида маълумот берилган. Ушбу дори шакли таркибидаги аскорбин кислотаси ва витамин В<sub>6</sub> аниқлаш учун замонавий ЮССХ усули, ацетилцистеин миқдорини аниқлаш учун эса титриметрия усули ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** таблетка, аскорбин кислота, ацетилцистеин, витамин В<sub>6</sub>, миқдорий таҳлил усуллари, юқори самарали суюқлик хроматография усули.

Республикамизда импорт ўрнини босувчи маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқиш, аҳолини арзон ҳамда сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кимё соҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди.

Нафас йўллари яллиғланиш касалликларида жуда кўплаб дори воситалари қўлланилиб келинмоқда. Шулардан бири БФҚ “МАКСАЦ+Ц” эрувчан таблеткаси маҳаллий корхоналарлар томонидан тиббиёт амалиётида қўллаш учун ишлаб чиқарилмоқда. Лекин бугунги кунда аҳолининг кўпроқ оригинал дори воситасига ишончи баланд, сабаби оригинал препаратнинг талаб даражасида стандартланиб назорат қилинганлиги, ишлаб чиқарилиши, таркиби, сифати беморлар томонидан ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслигидадир. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда БФҚ ни оригинал дори воситаси сифатида таклиф қилиш учун препаратни ВФМ лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Ацетилцистеин - аминокислоталар цистеиннинг ҳосиласи бўлиб, муколитик таъсирга эга, балғамнинг реологик хусусиятларига бевосита таъсир кўрсатиши туфайли балғамни туширишни осонлаштиради. Бундан ташқари, ацетилцистеин антиоксидант тизимнинг муҳим таркибий қисми бўлган глутатион синтезини ва тананинг кимёвий

детоксификациясини таъминлайди. Ацетилцистеиннинг антиоксидант таъсири ҳужайраларнинг кучли яллиғланиш реакциясига хос бўлган ёрқин радикал оксидланишнинг зарарли таъсиридан химоясини оширади.

Аскорбин кислотаси кўплаб редокс реакцияларида фаол иштирок этади. организмга хос бўлмаган умумий рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Тананинг адаптив кобилятини ва инфекцияларга қаршилигини оширади, регенерация жараёнларини таъминлайди. Антиоксидант хусусиятларга, яллиғланишга қарши ва аллергия таъсирга эга.

Адабиётлардаги маълумотларга кўра витамин В<sub>6</sub> вольтамперометрик усулда [1], спектрофотометрик усулда [2] миқдорий таҳлил қилинган.

Шуларни инobatга олган ҳолда МАКСАЦ+Ц таблеткаси учун таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларни сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш фармацевтика соҳасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. МАКСАЦ+Ц БФҚ таркиби: ацетилцистеин- 200 мг, аскорбин кислота- 60 мг ва витамин В<sub>6</sub> -1 мг.

**Ишнинг мақсади:** МАКСАЦ+Ц БФҚ таблеткаси таркибига кирган асосий таъсир этувчи моддаларни сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш ва баҳолаш.

**Таҷриба қисми:** таблетка таркибидаги

аскорбин кислота ва витамин В<sub>6</sub> ни идентификация қилиш учун ЮССХ усули лабораторияда чиқилди [3].

Хроматографиялаш шароити: Agilent 1260 infinity русумдаги (АҚШ) УФ детекторли сувоклик хроматографи, колонка HPLC – COLUMN 200X4.6mm ODS-3 5mkm ситалдедилсилан дезактивланган асос билан бўлган эририлган ёки аналогик, қўзғалувчи фазанинг оқим тезлиги - 1 мл/мин, ҳарорат 30 °С, детекторлаш тўлқин узунлиги 254 нм. Юборилувчи намуна миқдори - 20 мкл. Таҳлил вақти -20 дак. Қўзғалувчи фазани тайёрланиши:- рН 3 га тенг бўлган буфер

эритма, 13,6 г калий дигидрогенфосфатни 900 мл бидистилланган сувда эритилади, ҳосил бўлган эритмага рН 3,5 ± 0,1 бўлгунча томчилаб о-фосфор кислотаси қўшилади ва эритма 1 л гача етказилади.

Қўзғалувчи фаза А-метанол: буфер эритма 7:93 нисбатда.

Қўзғалувчи фаза Б-метанол: буфер эритма 42:58 нисбатда.

Қўллашдан олдин ҳаракатланувчи фазаларни 0,45 мкм ли мембранали филтр орқали филтрланади ва ультратовуш ёрдамида газсизлантирилади.

1-жадвал

**Градиентли дастур**


Вақт, мин	Қўзғалувчи фаза А	Қўзғалувчи фаза Б	Изоҳ
0-2	100	0	
2-20	100-0	0-100	витаминларни градиентли элюирлаш
20-30	0	100	метил парагидроксibenзоатни изократик элюирлаш
30,01	100	0	тизимни асл ҳолатига ўтказиш
30,01-35	100	0	кейинги инъекция учун кондиционерлаш

**Эритмани тайёрлаш:**


Тегирилувчи намуна: 200 мг ацетилцистеин, 60 мг аскорбин кислотаси ва 1 мг витамин В<sub>6</sub> мос келувчи 3,525 мг таблетка қукуни 100 мл гача қўзғалувчи фаза А да эритилади.

Ишчи стандарт намуна: 60 мг аскорбин кислотаси ва 1 мг витамин В<sub>6</sub> ларнинг стандарт намуналар олиниб эритма тайёрланди.

Натижалар қуйидаги хроматограммаларда келтирилган. 1- ва 2-расм.



1- расм. Аскорбин кислота ва вит В<sub>6</sub> стандарт намуналарининг хроматограммаси



2- расм. МАКСАЦ+Ц таблеткаси таркибидаги аскорбин кислота ва вит В<sub>6</sub> нинг хроматограммаси

Хроматограммадан маълум бўлдики, текширилувчи препаратдаги аскорбин кислотанинг ушланиш вакти 3,6 дақ ва витамин В<sub>6</sub> нинг ушланиш вакти 4,0 дақ.

ташқил қилди. Бу эса моддаларнинг стандарт намуналари ушланиш вақтларига мос келди.

2-жадвал

МАКСАЦ+Ц таблеткасидаги витамин В<sub>6</sub> нинг миқдори ва метрологик тавсифи (n=5; P=95%; t(p,f)=2,78)

Серия рақами	№	Препаратнинг аниқ тортмаси, г	Чуққин майдони	Витамин В <sub>6</sub> миқдори, мг/таб	Метрологик тавсифи	
1.1	1	3,525	1379	1,01	X <sub>ср</sub> =1,032 f=4 S <sup>2</sup> =0,00022 S=0,014 S <sub>x</sub> =0,0066	T(95%; 4)=2,78 ΔX=0,3625 ΔX <sub>ср</sub> =0,1621 ε=3,9% ε <sub>ср</sub> =1,78%
	2	3,525	1379	1,03		
	3	3,526	1380	1,03		
	4	3,526	1381	1,04		
	5	3,523	1380	1,05		
1.2	1	3,522	1379	1,08	X <sub>ср</sub> =1,072 f=4 S <sup>2</sup> =0,00012 S=0,0109 S <sub>x</sub> =0,0048	T(95%; 4)=2,78 ΔX=0,3625 ΔX <sub>ср</sub> =0,1521 ε=2,8 % ε <sub>ср</sub> =1,27%
	2	3,522	1379	1,08		
	3	3,524	1380	1,06		
	4	3,524	1381	1,06		
	5	3,525	1380	1,08		
1.3	1	3,525	1379	1,05	X <sub>ср</sub> =1,06 f=4 S <sup>2</sup> =0,00010 S=0,010 S <sub>x</sub> =0,0044	T(95%; 4)=2,78 ΔX=0,2625 ΔX <sub>ср</sub> =0,1621 ε=2,62% ε <sub>ср</sub> =1,17%
	2	3,526	1380	1,05		
	3	3,526	1381	1,06		
	4	3,523	1380	1,07		
	5	3,525	1382	1,07		
1.4	1	3,526	1379	1,08	X <sub>ср</sub> =1,074 f=4 S <sup>2</sup> =0,001 S=0,013 S <sub>x</sub> =0,006	T(95%; 4)=2,78 ΔX=0,3625 ΔX <sub>ср</sub> =0,1621 ε=3,47% ε <sub>ср</sub> =1,55%
	2	3,526	1379	1,08		
	3	3,523	1380	1,06		
	4	3,525	1381	1,06		
	5	3,525	1380	1,09		



1.5	1	3,525	1379	1,08	$X_{cp}=1,072$ $T(95\%; 4)=2,78$ $f=4$ $\Delta X=0,2625$ $S^2=0,00007$ $\Delta X_{cp}=0,1921$ $S=0,0083$ $\varepsilon=2,16\%$ $S_x=0,037$ $\varepsilon_{cp}=0,97\%$
	2	3,525	1379	1,07	
	3	3,526	1382	1,07	
	4	3,526	1382	1,06	
	5	3,523	1380	1,08	

3-жадвал

**МАКСАЦ+Ц таблеткасидаги аскорбин кислотаси миқдори ва метрологик тавсифи (n=5; P=95%; t(p,f)=2,78)**

Серия раками	№	Препаратнинг аниқ тортмаси, г	Чукки майдони	Аскорбин кислотаси миқдори, мг/таб	Метрологик тавсифи	
1.1	1	3,525	21121	60,1	$X_{cp}=60,2$ $T(95\%; 4)=2,78$ $f=4$ $\Delta X=0,3625$ $S^2=0,0170$ $\Delta X_{cp}=0,1621$ $S=0,100$ $\varepsilon=0,4617\%$ $S_x=0,04472$ $\varepsilon_{cp}=0,206\%$	
	2	3,525	21121	60,1		
	3	3,526	21125	60,3		
	4	3,526	21126	60,3		
	5	3,523	21120	60,2		
1.2	1	3,522	21121	60,2	$X_{cp}=60,26$ $T(95\%; 4)=2,78$ $f=4$ $\Delta X=0,3625$ $S^2=0,0030$ $\Delta X_{cp}=0,1521$ $S=0,054$ $\varepsilon=0,25\%$ $S_x=0,024$ $\varepsilon_{cp}=0,11\%$	
	2	3,522	21121	60,3		
	3	3,524	21123	60,2		
	4	3,524	21123	60,3		
	5	3,525	21120	60,3		
1.3	1	3,525	21121	60,3	$X_{cp}=60,18$ $T(95\%; 4)=2,78$ $f=4$ $\Delta X=0,3625$ $S^2=0,0070$ $\Delta X_{cp}=0,1621$ $S=0,083$ $\varepsilon=0,38\%$ $S_x=0,0374$ $\varepsilon_{cp}=0,17\%$	
	2	3,526	21125	60,2		
	3	3,526	21126	60,1		
	4	3,523	21120	60,2		
	5	3,525	21121	60,1		
1.4	1	3,526	21125	60,3	$X_{cp}=60,2$ $\Delta X_{cp}=0,181$ $f=4$ $T(95\%; 4)=2,78$ $S^2=0,010$ $\Delta X=0,3625$ $S=0,100$ $\varepsilon=0,2617\%$ $S_x=0,04472$ $\varepsilon_{cp}=0,206\%$	
	2	3,526	21126	60,3		
	3	3,523	21120	60,2		
	4	3,525	21121	60,1		
	5	3,525	21121	60,1		
1.5	1	3,525	21121	60,1	$X_{cp}=60,2$ $T(95\%; 4)=2,78$ $f=4$ $\Delta X=0,3625$ $S^2=0,010$ $\Delta X_{cp}=0,2621$ $S=0,100$ $\varepsilon=0,4617\%$ $S_x=0,04472$ $\varepsilon_{cp}=0,206\%$	
	2	3,525	21121	60,1		
	3	3,526	21125	60,3		
	4	3,526	21126	60,3		
	5	3,523	21120	60,2		

Олинган натижаларга кўра текширилувчи препаратдаги витамин В<sub>6</sub> нинг миқдори 1,01 мг ва аскорбин кислотасининг миқдори 60,2 мг ни ташкил килди.

Ацетилцистеиннинг миқдорини аниқлаш. Бунда титриметрия усулидан фойдаланилди.

0,140 г текширилувчи намуна 6 мл ректификатланган сувда эритилади ва 10 мл суюлтирилган хлорид кислотаси қўшиб

яхлаган сувда совутилади. Устига 10 мл калий йодид эритмаси ва 1 мл крахмал эритмаси қўшиб 0,05 М ли йод эритмаси

билан титрланади. 1 мл йод эритмаси 0,1632 г ацетилцистеинга мос келади.

Ҳисоблаш формуласи:

$$X = V * K * T * P_{yp} / a * P$$

4-жадвал

**МАКСАЦ+Ц таблеткадаги ацетилцистеиннинг миқдори ва метрологик тавсифи (n=5; P=95%; t(p,f)=2,78)**

Модданинг номи	X <sub>i</sub> , мг	$\bar{X}$	S	S <sup>2</sup>	S <sub>x</sub>	E%	$\bar{E}\%$
ацетилцистеин	200,7 201,5 200,8 200,2 200,0	200,6	0,585	0,343	0,2619	0,811	0,36

**Хулоса:** олиб борилган изланишлар натижасида илк бор МАКСАЦ+Ц таблеткаси таркибига кирувчи аскорбин кислота ва витамин В<sub>6</sub> ни идентификациялаш ва миқдорини аниқлаш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди.

Олинган натижаларга кўра таблетка таркибида аскорбин кислотанинг миқдори 60 мг ни ўртача хатолик эса 0,46%,

витамин В<sub>6</sub> 1 мг, ўртача хатолик 2,6 % ташкил этди. Таблеткадаги ацетилцистеин миқдори эса титрлаш усулида аниқланганда 200,6 мг ни ўртача хатолик эса 0,36 % ташкил қилди. Ушбу ишлаб чиқилган миқдорий таҳлил усуллари статистик текширилди ва препаратнинг КФМ лойихаси таркибига киритилади.

**Адабиётлар:**

1. Вольтамперометрическое определение витамина В<sub>6</sub> с использованием модифицированного стеклоуглеродного электрода // *Universum: Химия и биология: электрон. научн. журн.* Аронбоев С.Д. и др. 2017. №11(41).
2. Zhilkina V.Yu., Yefimova I.A., Marakhova A.I., Dontsova O.N. Qualitative and quantitative analysis of biologically active components in mixture of multivitamin raw material of folia urticae and fructus sorbi (review). *Drug development & registration.* 2017;(2):200-207.
3. НД 42 Уз-2643-2020 “Витамин В<sub>6</sub> инъекционный раствор”
4. Ташпулатова А.Д., Юнусходжаев А.Н. Количественное определение гистидина в препарате Глигисцин // *Фармацевтический журнал.* –Ташкент. - 2017. -№3. -С.41-44.

Солиева Гулноза Валиевна, Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна, Муллажонова Манзура Тохировна, Юнусхожиева Нигора Элмуродовна

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ОСНОВНЫХ ДЕЙСТВУЮЩИХ ВЕЩЕСТВ В ТАБЛЕТКЕ МАКСАЦ+Ц**

Ташкентский фармацевтический институт e-mail:yunusходjaeva-n@mail.ru

В статье представлена информация о разработке методов обнаружения основных действующих веществ в БАДе МАКСАЦ + Ц в форме таблеток. Был разработан современный метод ВЭЖХ для определения аскорбиновой кислоты и витамина В<sub>6</sub> в этой лекарственной форме, а также метод титриметрии для определения количественного содержания ацетилцистеина.

**Ключевые слова:** таблетка, аскорбиновая кислота, ацетилцистеин, витамин В<sub>6</sub>, методы количественного анализа, метод высокоэффективной жидкостной хроматографии.

Soliyeva Gulnoza Valiyevna, Yunuskhodjaeva Nodira Abdulxamitovna, Mullajonovna Manzura Tohirovna, Yunuskhojjeva Nigora Elmuratovna

**DETERMINATION OF THE MAIN ACTIVE SUBSTANCES IN THE MAXATS + C TABLET**

Tashkent Pharmaceutical Institute

e-mail:yunusxodjaeva-n@mail.ru

The article provides information on the development of methods for the detection of main active ingredients in the MAKSAS + S tablet. A modern HPLC method was developed to determine ascorbic acid and vitamin B6 in this dosage form, as well as a titrimetry method to determine the quantitative content of acetylcysteine.

**Key words:** tablet, ascorbic acid, acetylcysteine, vitamin B<sub>6</sub>, quantitative analysis methods, high performance liquid chromatography method.

УДК 615.07; 543.544.5

Атамуратов Фарход Насриддинович, Махмудов Сардор Джалилович, Бекназарова Нурия Сейтбаевна, Умаров Дониёр Бахтиярович, Турабоев Шухрат Махмадалиевич, Сагдуллаев Баходир Тахирович

## КОЛИЧЕСТВЕННОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ СУБСТАНЦИИ ПРАМИПЕКСОЛА ДИГИДРОХЛОРИД МОНОГИДРАТ МЕТОДОМ ВЭЖХ

Институт биоорганической химии имени акад. А. С. Садыкова АН РУз

\*e-mail: [shuh\\_fmj@mail.ru](mailto:shuh_fmj@mail.ru)

Количественное определение действующего вещества является одной из значимых частей контроля качества лекарственного средства. Точность выполнения и осуществление высоких требований, предъявляемых к аналитическим методикам количественного определения, гарантирует качество и безопасность готового лекарственного препарата. Поэтому нами осуществлен подбор эффективных условия хроматографического метода количественного определения субстанции прамипексол дигидрохлорид моногидрат.

**Ключевые слова:** прамипексола дигидрохлорид моногидрат, болезнь Паркинсона, дофаминовые рецепторы, ВЭЖХ (высокоэффективная жидкостная хроматография), система CRS, хроматограмма.

Прамипексол ((S)-2-Амино-4,5,6,7-тетрагидро-6-(пропиламино) бензотиазол) является агонистом дофаминовых рецепторов, с высокой селективностью и специфичностью. Он связывается с дофаминовыми рецепторами подгруппы D<sub>2</sub>, из которых обладает наиболее выраженным сродством к D<sub>3</sub>-рецепторами.

Уменьшает дефицит двигательной активности при болезни Паркинсона за счёт стимулирования дофаминовых рецепторов в полосатом теле [1]. На сегодняшний день препараты на основе прамипексола являются одними из самых востребованных лекарственных средств при болезни Паркинсона.




Рисунок 1. Структурная формула прамипексола дигидрохлорид моногидрат.

Количественное определение действующего вещества является одной из значимых частей контроля качества лекарственного средства. Точность выполнения и осуществление высоких требований, предъявляемых к аналитическим методикам количественного определения, гарантирует качество и безопасность готового лекарственного препарата.

**Цель исследования.** Связи с этим, целью данного исследования является

подбор наиболее эффективных условий хроматографического (ВЭЖХ) метода количественного определения субстанции прамипексола дигидрохлорид моногидрат (ПДМ) (рисунок 1).

### Экспериментальная часть

**Материалы и методы.** Для разработки метода количественного анализа субстанции ПДМ нами были проведены испытания на внешний вид, растворимость, потерю в массе при

высушивании и посторонние примеси субстанции с серией 20131001.

Внешний вид определяли визуально. Показатели сульфатной зольности и тяжелых металлов определены в соответствии с требованиями Государственной Фармакопеи XI, XIII и ВР, USP.

Хроматографические исследования проводили на жидкостном хроматографе LC-100 HPLC, разделение примесей проводили в следующих условиях: колонка SUPELCO C18, 3,0 мкл, 125×4,6 мм, температура колонки – 25°C, скорость потока подвижной фазы – 1,5 мл/мин,

аналитическая длина волны – 264 нм, объем пробы – 5 мкл.

Испытуемый раствор получали путем растворения 75 мг субстанции в растворителе и разбавлением до 50,0 мл тем же растворителем. Раствор сравнения (а) получали путем разведения растворителем 1,0 мл испытуемого раствора до 100,0 мл. Раствор сравнения (b) получали растворением 7,5 мг стандарта CRS (*Chemical Reference Substance*) ПДМ для системы пригодности (содержащего примеси А, В и С) в 5,0 мл растворителя [2-6].

Таблица 1

### Профиль градиента при определении посторонних примесей в субстанции

Время (мин)	Мобильная фаза А (объемные проценты)	Мобильная фаза В (объемные проценты)
0 - 15	60 - 20	40 - 80

При определении примесей использовали хроматограмму ПДМ для пригодности системы CRS и хроматограмму раствора сравнения (b) для идентификации пиков обусловленных примесей.

Время удержания прамипексола ~ 6 мин. Относительное время удержания примесей: примесь А~0,7; примесь В ~1.5; примесь С ~1,7.

#### Ограничения:

- примеси А, В, С: для каждой примеси, не более чем полуторная площадь основного пика на хроматограмме для раствора сравнения (а) (0,15 %);

- неуказанные примеси: для каждой примеси не более чем площадь основного пика на хроматограмме для раствора сравнения (а) (0,10 %);

- всего: не более чем 5 кратная площадь основного пика на хроматограмме раствора сравнения (а) (0,5 %);

- предел пренебрежения: 0,5 кратная площадь основного пика на хроматограмме раствора сравнения (а) (0,05 %) [7-8].

Количественное определение субстанции ПДМ проведено методом ВЭЖХ (рисунок 2).

#### Условия хроматографии:

– колонка, размером 75 х 4,6 мм, с размером частиц 3 мкм или аналогичная;

– подвижная фаза, буферный раствор 0,1% дегазированная любым способом;

– скорость подвижной фазы – 0,5 мл/мин;

– детектирование – при длине волны 264 нм;

– температура колонки – комнатная;

– время хроматографирования 4 – 5 мин.

Испытуемый раствор: 50 мг (точная навеска) субстанции помещали в мерную колбу вместимостью 200 мл, растворяли в 0,1% фосфорной кислоте, доводили объём до метки. 1 мл полученного раствора растворяли в колбе вместимостью 50 мл и доводили объём до метки.

Стандартный раствор: растворяли 50,0 мг (точная навеска) рабочий стандартный образец (PCO) помещали в мерную колбу вместимостью 200 мл, растворяли в 0,1% фосфорной кислоты, доводили объём до метки. 1 мл полученного раствора растворяли в колбе вместимостью 50 мл и доводили объём до

метки. Расчет проводили по нижеследующей формуле:

$$X = \frac{S_1 \cdot m_0 \cdot P}{S_0 \cdot m_1};$$

Где;  $S_0$  – среднее значение площадей пиков ПДМ, вычисленное из хроматограмм РСО ПДМ;

$S_1$  – среднее значение площадей пиков ПДМ, вычисленное из хроматограмм испытуемого раствора;


$m_0$  – масса навески РСО ПДМ, в мг;

$m_1$  – масса навески препарата, в мг;

$P$  – фактическое содержание ПДМ.

**Результаты и обсуждения.** По результатам исследований нами было определено, что ПДМ белый или слегка желтоватый кристаллический порошок,

легко растворим в воде, растворим в метаноле, умеренно растворим в этаноле (96%) и практически не растворим в метилхлориде. Потеря в массе при высушивании, определенная на влагомере SF-1 при температуре 105°C, составляла от 4,5% до 6,5%, при расчетном содержании кристаллизационной воды в субстанции около 6,1%. Удельное вращение определяли следующим образом: 0,235 г (0,25 г в перерасчете на безводную субстанцию) вещества помещали в мерную колбу вместимостью 25 мл, растворяли в метаноле и доводили объем до метки тем же растворителем. Результаты анализа субстанции по этим показателям не превышали 0,1 и 0,001% соответственно [9-10].



ID	Name	Height	Area	Conc
1		60	529.8	1.1532
2	Pramipexol	3863	45415.3	98.8468

Рисунок 2. Хроматограмма ПДМ.

Таблица 2

Результаты количественного определения субстанции прамипексола методом ВЭЖХ

Показатель	Серии 20131001
Содержание, %	$\bar{X} = 99.56$
Метрологические характеристики ( $P=95\%$ , $n=5$ )	$S = 0.120$
	$S_{\bar{x}} = 0.054$
	$\Delta_{\bar{x}} = 0.216$

Потеря в массе при высушивании составила 5,5%, что соответствует норме, согласно НД.

По результатам наших исследований установлено, что содержание единичной примеси в субстанции ПДМ, определяемое предложенным нами методом, не должно превышать 0,2%, а суммарное содержание примесей – 0,5%. Количественное определение субстанции нормируется в пределах от 98,0% до 102,0% [11].

**Заключение.** Подобраны эффективные условия ВЭЖХ метода для количественного определения субстанции ПДМ. Установлены нормы выхода субстанции ПДМ, которые составляют от 98,0% до 102,0% в пересчете на сухое вещество. На основании проведенных исследований оформлен проект фармакопейной статьи предприятия на субстанцию ПДМ. Предложенный нами ВЭЖХ метод может быть применен при количественном определении ПДМ в готовых лекарственных формах.

#### Литература:

1. Левин О. С. Прамипексол в лечении болезни Паркинсона: практические аспекты применения формы с замедленным высвобождением // Современная терапия в психиатрии и неврологии, -2013. -№2, -С. 24-29.
2. Lavudu P., Pameela Rani A., Balashekar C. & Venumadhav V. Rp-Hplc Method for the Determination of Pramipexole Dihydrochloride in Tablet Dosage Form// Global Journal of Medical research. Volume 12 Issue 4 Version 1.0 -2012. 19-24 p.
3. Deepan T., Paulambethkar K., Vijayalakshmi R. and Dhanaraju M.D. A Validated RP-HPLC Method for the Estimation of Pramipexole Dihydrochloride in Pharmaceutical Dosage Form// World Journal of Chemistry 7 (2): 59-63, 2012.
4. Patil M.H., Rokade M.D. Determination of Assay Evaluation of Pramipexole in Parkinson's Disease by RP-HPLC Method// Biological Forum – An International Journal 5(1): 78-83 (2013).
5. Chaudhary V., Ubale M. Development and validation of RP-HPLC method for estimation of pramipexole hydrochloride in pharmaceutical dosage form// International journal of research in pharmacy and chemistry, IJRPC 2013, 3(1) 134-139 p.
6. Murali Krishna N., Ramababu C. Stability indicating RP-HPLC assay method for pramipexole dihydrochloride in pure and formulations// World Journal of Pharmaceutical Sciences ISSN (Print): 2321-3310; ISSN (Online): 2321-3086.
7. British Pharmacopoeia, 2003.
8. Государственная фармакопея СССР. -11-изд., доп. – М.: Медицина, 1987. – Вып. 1,2.
9. Государственная фармакопея Российской Федерации XIII изд. Т.1–3. М.; 2015. [The State pharmacopoeia of the Russian Federation. 13th ed., Moscow, 2015 (In Russ.)]
10. United States Pharmacopoeia (USP 34 – NF 29), 2011.
11. Agata E. Kamie-Ska-Duda, Piotr A. Baran, Anna Bielejewska and Michal Odrow Sypniewski. Optimization of chiral separation of pramipexole on various polysaccharide stationary phases// Acta Pol. Pharm. 2006 Sep-Oct;63(5):400-1.

Атамуратов Фарход Насриддинович, Махмудов Сардор Джалилович, Бекназарова Нурия Сейтбаевна, Умаров Дониёр Бахтиярович, Турабоев Шухрат Махмадалиевич, Сагдуллаев Баходир Тахирович

## ПРАМИПЕКСОЛ ДИГИДРОХЛОРИД МОНОГИДРАТСУБСТАНЦИЯСИНИ ЮССХ УСУЛИДА МИҚДОРЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

ЎзР ФА академик О. С. Содиков номидаги Биоорганик кимё институти  
\*e-mail: [shuh\\_fmi@mail.ru](mailto:shuh_fmi@mail.ru)

Таъсир этувчи модданинг миқдори дори воситаси сифатини назорат қилишнинг муҳим омилларидан биридир. Фаол модда миқдорини аниқлашнинг юқори аниқ ва сезгир таҳлил усулларида бажарилиши тайёр дори воситасининг сифати ва хавфсизлигини кафолатлайди. Шунинг учун биз прамипексол дигидрохлорид моногидрат моддасини миқдорий таҳлили учун хроматографик усулнинг энг самарали шарт-шароитларини танладик.

**Таянч иборалар:** прамипексол дигидрохлорид моногидрат, Паркинсон касаллиги, допамин рецепторлар, ЮССХ (юқори самарали суюқлик хроматографияси), CRS системаси, хроматограмма.

Atamuratov Farkhod Nasriddinovich, Makhmudov Sardor Djalilovich, Beknazarova Nuriya Seytbaевна, Umarov Doniyor Bakhtiyarovich, Turaboev Shukhrat Makhmadaliyevich, Sagdullaev Bakhodir Tahirovich

## QUANTITATIVE DETERMINATION OF PRAMIPEXOL DIHYDROCHLORIDE MONOHYDRATE SUBSTANCE BY HPLC

Acad. A. S. Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry AS RUz

\*e-mail: [shuh\\_fmi@mail.ru](mailto:shuh_fmi@mail.ru)

The quantitative determination of the active substance is one of the significant parts of the quality control of a medicinal product. Accuracy and fulfillment of the high requirements for analytical methods of quantitative determination guarantees the quality and safety of the finished medicinal product. Therefore, we have carried out the selection of effective conditions for the chromatographic method for the quantitative determination of the substance pramipexole dihydrochloride monohydrate.

**Key words:** pramipexole dihydrochloride monohydrate, Parkinson's disease, dopamine receptors, HPLC (high performance liquid chromatography), CRS system, chromatogram



УДК: 547.51: 661.728.87

Қирғизбаев Хусниддин Хасанбаевич, Мухитдинов Бахтиёр Икромович, Амонова Дилноза Мухтаровна\*, Бойдедаев Азизбек Анваржон ўғли, Тураев Аббосхон Сабирханович, Нормахаматов Нодирали Сохобаталиевич

## ХИТОЗАНИ ДЕПОЛИМЕРЛАШ РЕАКЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти  
\*e-mail: amonovadilnoza@gmail.com.

Ушбу ишда юқори молекуляр массага эга бўлган хитозанни водород пероксид билан радикал деполимерлаш реакция шароитлари ўрганилди. Реакциялар водород пероксиднинг турли концентрациялари билан турли вақт давомида олиб борилди ва олинган маҳсулотнинг молекуляр катталиклари ҳамда унутидаги ўзгаришлар таҳлил қилинди. Тадқиқотларда полимерланиш даража кийматлари 406-17 ( $M_w=65,7-2,8$  кДа) бўлган кичик молекуляр массали хитозан намуналари олинди ва реакциянинг мақбул шароитлари аниқланди. Олинган кичик молекуляр массали хитозан намуналарининг структуралари ИК спектроскопия усули ёрдамида ўрганилди.

**Таянч иборалар:** кичик молекуляр массали хитозан, радикал деполимерлаш, хитоолигосахаридлар, полидисперслик индекси, полимерланиш даражаси.

Хитозан табиатда кенг тарқалган полисахарид бўлиб, у асосан хитинни ишқорий шароитда деацетиллаш орқали олинади. Хитозан тузилиш жиҳатдан глюкозамин ва N-ацетил глюкозамин колдикларидан ташкил топган, катион типдаги чизиқли полисахарид ҳисобланади [1]. Хитозан тиббиётда, косметика соҳасида, фармацевтика саноатида ва кўплаб бошқа соҳаларда кенг қўлланилади [2,3]. Хитозан макромолекуласи таркибида аминогурх тутиши унинг ўзига хос кимёвий ва биологик хоссаларга эга бўлишини таъминлайди. Хитозаннинг молекуляр массаси унинг олиниш манбаси ва тайёрланиш усулига кўра 300-1000 кДа атрофида бўлиши мумкин [4]. Хитозан суюлтирилган кислота эритмаларида ( $pH < 6.0$ ) эриган ҳолда сув ва органик эритувчиларда эрмайди. Сирка кислотанинг сувдаги 1% эритмаси ( $pH 4,0$ ) эритувчи сифатида хитозанга кимёвий ва физикавий ишлов бериш жараёнларида қўлланилади [5]. Хитозаннинг биопарчаланувчан-лиги, кам заҳарлилиги, биокелушувчанлиги туфайли ундан тиббиёт мақсадлари учун турли биоматериаллар олиш ва қўллаш имкониятларини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда [6]. Турли молекуляр катталиқдаги хитозан намуналарининг антимиқроб, антивирус,

яра битказувчи, гипохолестеролемик, ўсмага қарши таъсир, гемостатик, иммун модуловчи фаолликлар намоён қилиши аниқланган [7-10]. Хитозан ўзига хос кимёвий, физик-кимёвий ва биологик хоссалари бўйича истиқболли биополимер ҳисоблансада, унинг молекуляр ўлчамлари юқорилиги сабабли юзага келадиган паст даражадаги биосўрилувчанлиги ва хужайра мембраналаридан ёмон инфильтрацияланиши биологик ва тиббиёт мақсадларида фойдаланишда асосий муаммо ҳисобланади [11]. Шунинг учун кичик молекуляр массали хитозанларни олиш усулларини тадқиқ қилиш, биологик фаолликларини ўрганиш ва улар асосида кенг қўлланилиш имкониятига эга бўлган самарали терапевтик воситалар олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозиргача кичик молекуляр массали хитозан олишнинг турли усуллари ўрганилган бўлиб, кислота ва оксидловчилар иштирокида кимёвий деполимерлаш, микротўлкинли ва ультратовушли нурлантириш, ферментатив ва электрокимёвий парчаланиш усуллари шулар жумласидандир. Бирок, ушбу усулларнинг ишлатиладиган реагентлар, қўллаш шароитлари бўйича афзалликлари билан бирга қатор камчиликлари мавжуд [12]. Шунинг учун кичик молекуляр массали хитозан олишнинг янги, самаралироқ

усулларини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади. Сўнги тадқиқотларда мис катализаторлигидаги радикал деполимерлаш полисахаридларнинг асосий тузилишини сақлаган ҳолда кичик молекуляр массали намуналар олиш имконини бериши аниқланган [13, 14]. Ушбу тадқиқотда хитозанни Cu (II) иони иштирокида водород пероксид билан радикал деполимерлаш орқали унинг сувда эрувчан, кичик молекуляр массали хитозан олиш имкониятлари ва деполимерланиш реакция шароитлари ўрганилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ушбу тадқиқот ишининг мақсади юқори молекуляр массали хитозанни Cu (II) иони иштирокида водород пероксид билан радикал деполимерлаш реакция шароитларини, уларни олинган маҳсулотнинг молекуляр катталикларига таъсирини аниқлаш ва ушбу усулда кичик молекуляр массали хитозан олиш имкониятларини ўрганишдан иборат.

#### Тажриба қисми

##### Материал ва методлар

*Хитозанни деполимерлаш.* Хитозандан 3 грамм олиб сирка кислотанинг 1% эритмасида эритилди. Хитозан тўлиқ эригач унга 48 мг миқдордаги мис (II) ацетат сувда эритилган ҳолда аралаштирилди. Реакцион аралашма мой ҳаммомига жойлаштирилди ва ҳарорат 60°C га етказилди. Реакция H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> нинг дистилланган сувдаги 1,0-9,0% (ҳажмий улуш) концентрацияли эритмаларини 12 мл/соат тезликда қўшиш билан 60°C да 10-60 дақиқа давомида олиб борилди. Реакция якунлангандан сўнг реакцион аралашма хона ҳароратигача совутилди. Реакцион аралашмадаги Cu<sup>2+</sup> ионларини боғлаб, реакцияни тўхтатиш учун реакцияда ишлатилган мис (II) ацетат миқдорига нисбатан 1,2 марта мўл миқдордаги этилендиаминтетрасирка кислота эритмаси қўшилди, диализ усулида тозаланди, филтрланди ва лиофил қуритгич ёрдамида қуритилди.

*Намуналарнинг молекуляр катталикларини аниқлаш.* Намуналарнинг ММ лари ва ММ вий катталиклари гель хроматография усулида аниқланди.

Тажрибалар Jasco PU-980 насос (JASCO GmbH, Германия), Suprema 3000 Å ва 30 Å колонкалари (PSS Polymer Standards Service GmbH, Германия), SLD7100 MALLS детектор (PSS Polymer Standards Service GmbH, Германия), UV-VIS детектор (PSS Polymer Standards Service GmbH, Германия) ҳамда Jasco RI-930 рефрактив индекс (RI) детектор (JASCO GmbH, Германия) билан жиҳозланган гель хроматография системаси орқали аниқланди. ММ ва ММ вий катталикларни аниқлаш 25°C да олиб борилди ва элюент сифатида 0,1 М NaNO<sub>3</sub> нинг сувли эритмаси ишлатилди. Колонкалар пуллулан стандартлари (Sigma-Aldrich Chemie GmbH, Германия) билан калибровка қилинди.

*ИҚ-спектроскопия.* Намуналарнинг ИҚ-спектрлари Thermo Nicolet AVATAR 370 FTIR спектрометрида, KBr билан таблеткалаш усули ёрдамида 400-4000 см<sup>-1</sup> ютилиш оралиғида олинди.

##### Натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Хитозанни Cu (II) ионлари иштирокида водород пероксид билан деполимерлаш реакцияси шароитлари ва олинган маҳсулотларнинг молекуляр катталиклари 1-жадвалда келтирилган. Тадқиқотлар молекуляр массаси 150кДа бўлган хитозан намуналари билан олиб борилди ва реакцияда турли молекуляр катталикларга эга бўлган кичик молекуляр массали хитозан ва хитоолигосахарид намуналари олинди. Тадқиқотларда полимерланиш даражаси (ПД) кийматлари 406-17 бўлган кичик молекуляр массали (Mw=65,7-2,8 кДа) хитозан ва хитозан олигосахаридлари олинди. Ҳарорат ва вақт ўзгармаган шароитларда (60°C, 10-60 дақиқа) водород пероксиднинг концентрацияси ортиши билан олинган маҳсулотларнинг ПД кийматлари реакциянинг дастлабки дақиқаларида кескин камайиб, кейин вақтларда эса кам ўзгариши ҳамда маҳсулот унумлари камайиб бориши кузатилди (1-расм). Мисол учун, водород пероксиднинг концентрацияси 1,0-9,0% бўлган эритмалари билан 30 дақиқа давомида олиб борилган реакцияларда ПД кийматлари 122-27 ва маҳсулот унуми

22,8% бўлган намуналар олинган 60 дақиқа давомида олиб борилган ларда ПД қийматлари 56-17 бўлган лар 55,1-6,4% унум билан олинди. гдек, деполимерланиш тезлиги нинг дастлабки вақтлари (10-20

минут) давомида юқори бўлиши кузатилди. Ушбу ҳолатни реакциянинг дастлабки вақтларида олинган намуналарнинг ПД қийматларини кескин камайиши билан кўрсатиш мумкин.

1-жадвал

**Хитозанни водород пероксид билан Cu (II) ионлари иштирокида радикал деполимерлаш реакцияси шароитлари ва олинган маҳсулотларнинг молекуляр катталиклари (H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> 12 мл/соат, ҳарорат 60°C, Cu(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub> 0,096 мг/мл)**


Реакция шароитлари			Натижалар			
Намуна	H <sub>2</sub> O <sub>2</sub> , %	вақт, минут	ММ, кДа	ПД	ПДИ	унум, %
СН	0,0	0	150,0	926	2,25	100
ОСН-1	9,0	10	15,1	93	1,31	46,6
ОСН-2	9,0	20	7,0	43	1,16	31,2
ОСН-3	9,0	30	4,3	27	1,13	22,8
ОСН-4	9,0	40	3,6	22	1,12	15,6
ОСН-5	9,0	50	3,1	19	1,10	10,8
ОСН-6	9,0	60	2,8	17	1,05	6,4
ОСН-7	6,0	10	27,5	170	1,43	63,5
ОСН-8	6,0	20	12,8	79	1,25	47,4
ОСН-9	6,0	30	7,3	45	1,20	41,6
ОСН-10	6,0	40	5,2	32	1,16	35,1
ОСН-11	6,0	50	4,6	28	1,13	28,3
ОСН-12	6,0	60	4,1	25	1,11	21,4
ОСН-13	3,0	10	43,4	268	1,57	77,3
ОСН-14	3,0	20	19,6	121	1,34	66,4
ОСН-15	3,0	30	12,2	75	1,25	59,7
ОСН-16	3,0	40	7,8	48	1,19	51,8
ОСН-17	3,0	50	6,5	40	1,15	44,4
ОСН-18	3,0	60	6,2	38	1,12	38,6
ОСН-18	1,0	10	65,7	406	1,72	83,4
ОСН-19	1,0	20	34,7	214	1,49	74,4
ОСН-20	1,0	30	19,8	122	1,33	68,8
ОСН-21	1,0	40	14,5	90	1,28	61,7
ОСН-22	1,0	50	11,3	70	1,24	57,4
ОСН-23	1,0	60	9,1	56	1,21	55,1

Натижалар шунингдек, ҳарорат ва вақт ўзгармаган шароитларда (60°C, 10-60 дақиқа) юқорирок концентрацияли водород пероксид иштирокида олиб борилган реакцияларда олинган намуналарнинг полидисперслик индекси (ПДИ) таҳлил қилинганда, ПДИ қиймати кичикроқ бўлган маҳсулотлар ҳосил бўлишини кўрсатди. Бу эса ушбу


шароитларда, деполимерланиш маҳсулотлари молекуляр ўлчамлари бўйича бир хилликка ингилишини кўрсатади. Ушбу ҳолатни 10-40 дақиқа давомида ёки концентрациялари кескин фарк қилувчи водород пероксид билан олиб борилган реакцияларда яққол кузатиш мумкин (1-жадвал). Мисол учун, реакцияни водород пероксиднинг 9,0%

эритмаси билан 10-40 дақиқа давомида олиб борилганда ПДИ қийматлари 1,31-1,12 бўлган намуналар олинган бўлса, водород пероксиднинг 1,0% эритмаси

билан реакцияни 10-40 дақиқа давомида олиб борилганда ПДИ қийматлари 1,72-1,28 га тенг бўлган хитозан олигосахаридлари олинди.



1-расм. Хитозанни водород пероксид билан Си (II) ионлари иштирокида радикал деполимерлаш реакцияси давомида ПД қийматининг ўзгариши (H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> 1,0-9,0%, ҳарорат 60°C, Si(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub> 0,096 мг/мл)



2-расм. Хитозанни водород пероксид билан Си (II) ионлари иштирокида радикал деполимерлаш реакцияси давомида маҳсулот унуми ўзгариши

Деполимерлаш реакциясини узок вақт давомида ёки водород пероксиднинг юқори концентрацияли эритмалари билан олиб борилиши полисахарид занжирининг кучли деполимерланиши ва маҳсулот унумининг кескин камайишига олиб келди ҳамда реакциянинг дастлабки дақиқаларида полисахарид занжирининг


интенсив деполимерланиши кузатилди (2-расм). Ҳарорат ва водород пероксид концентрацияси ўзгармаган шароитларда (60°C, 1,0-9,0%) реакция давомийлиги ортиши билан олинган маҳсулотларнинг ПД қийматлари ва унумлари камайиб бориши кузатилди. Мисол учун, реакция водород пероксиднинг 9,0% эритмаси

билан 10 ва 60 дақиқа давомида олиб борилганда ПД кийматлари 93-17 бўлган намуналар 46,6-6,4% унум билан олинган бўлса, 3% водород пероксид билан 10 ва 60 дақиқа давомида олиб борилган реакцияларда ПД кийматлари мос равишда 268 ва 38 бўлган намуналар 77,3 ва 38,6% унум билан олинди. Бунда дастлабки 10 минут давомида хитозаннинг ПД киймати 658 бирликка камайган бўлса, кейинги 50 дақиқа давомида эса 38 бирликгача камайганини кўриш мумкин.

Тадқиқотларда деполимерланиш реакциялари паст концентрациядаги водород пероксид эритмалари билан олиб борилганда ПД ҳамда ПДИ кийматлари кичик бўлган намуналарнинг юкори унум билан ҳосил бўлиши кузатилди. Ушбу

усулда сувда эрувчан, кичик молекуляр массали хитозан намуналарини олиш учун реакцияни водород пероксиднинг 3,0% эритмаси билан 30-40 дақиқа давомида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди. Олинган кичик молекуляр массали хитозан ва хитоолигосахарид намуналари сувда яхши эриган ҳолда, шаффоф эритмалар ҳосил қилди.

Хитозаннинг радикал деполимерланиш маҳсулотларининг структуралари ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида тадқиқ қилинди ҳамда олинган намуналарининг ИҚ-спектрлари 3-расмда келтирилган. Олинган натижалар хитозан ва унинг деполимерланиш маҳсулотларининг ИҚ-спектрлари ўхшаш эканлигини кўрсатди.



3-расм. Хитозан ва унинг радикал деполимерланиш маҳсулотларининг ИҚ спектрлари (Спектрларда: (1) Хитозан Mw=150 кДа, ПД=926, (2) OCH-15 Mw=12,2 кДа, ПД=75)

Намуналарнинг моносахарид қолдиқларидаги О-Н, N-Н боғларининг симметрик ва ассиметрик валент тебранишларига хос бўлган ютилишлар

ИҚ-спектрнинг 3200-3500 см<sup>-1</sup> соҳасида кузатилди. Спектрнинг 1655 см<sup>-1</sup> соҳасида моносахарид қолдиқлари амид I боғларининг симметрик ва ассиметрик

валент тебранишларига хос ютилишлар аниқланди [15]. Спектрнинг  $1589\text{ см}^{-1}$ ,  $1419\text{ см}^{-1}$  ва  $1589\text{ см}^{-1}$  соҳаларидаги ютилишлар мос равишда амид II,  $-\text{CH}_3$  ва  $-\text{CH}_2$  гуруҳларига хос ҳисобланади. Спектрнинг  $1321\text{--}1335\text{ см}^{-1}$  соҳасидаги ютилишлар C-N,  $\text{CH}_3$ -CO-NH-(Амид III) гуруҳларининг валент тебранишларига мос келади. Спектрнинг  $1153$ ,  $1066$  ва  $1031\text{ см}^{-1}$  соҳаларидаги ютилишлари C-O-C гуруҳларининг валент тебранишларига,  $898\text{ см}^{-1}$  соҳасидаги ютилиш эса хитозан занжири  $\beta(1,4)$ -гликозид боғлари учун характерли ҳисобланади [16].

#### Хулоса

Хитозанни Cu (II) ионлари иштирокида водород пероксид билан радикал деполимерлаш реакцияси

шароитлари ўрганилди ҳамда реакция натижасида кичик молекуляр массага эга бўлган хитозан ва хитоолигосахарид намуналари олинди. Реакция шароитларининг олинган маҳсулотлар молекуляр катталиклари таъсири ўрганилди. Ушбу усулда сувда эрувчан, кичик молекуляр массали хитозан намуналарини олиш учун реакцияни водород пероксиднинг 3,0% ли эритмаси билан 30-40 дақиқа давомида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди. ИК спектроскопик таҳлил натижалари деполимерланиш реакцияси натижасида олинган намуналар тузилиш жиҳатдан хитозан макромолекуласига мос келишини кўрсатди.

#### Адабиётлар:

1. Muxika A., Etxabide A., Uranga J., Guerrero P., K. de la Caba, Chitosan as a bioactive polymer: Processing, properties and applications, //Int. J. Biol. Macromol. 105 (2017) 1358–1368. doi:10.1016/J.IJBIOMAC.2017.07.087.
2. W. Zhang, J. Zhang, Q. Jiang, W. Xia, Carbohydr. Polym. 2013, 95 (1), 487–491. DOI: 10.1016/j.carbpol.2013.02.037.
3. Y. A. Goma, L. K. El-Khordagui, N. A. Boraie, I. A. Darwish, Carbohydr. Polym. 2010, 81 (2), 234–242. DOI:10.1016/j.carbpol.2010.02.024.
4. C.R. Allan, L.A. Hadwiger, The fungicidal effect of chitosan on fungi of varying cell wall composition, 1979. doi:10.1016/S0147-5975(79)80054-7.
5. M.M. Abo Elsoud, E.M. El Kady, Current trends in fungal biosynthesis of chitin and chitosan. Bull. Natl. Res. Cent. 43 (2019) 59. doi:10.1186/s42269-019-0105-y.
6. Ladislav Šoltes, Vlasta Brezova, Monika Stankovska, Grigorij Koganc and Peter Gemeiner "Degradation of high-molecular-weight hyaluronan by hydrogen peroxide in the presence of cupric ions" Carbohydrate Research 341 (2006) 639–644.
7. A. Tokoro, N. Takewaki, K. Suzuki, T. Mikami, S. Suzuki, M. Suzuki, Growth-inhibitory effect of hexa-N-acetylchitohexaose and chitohexaose against Meth-A solid tumor., Chem. Pharm. Bull. (Tokyo). 36 (1988) 784–790. doi:10.1248/cpb.36.784.
8. K. Suzuki, T. Mikami, Y. Okawa, A. Tokoro, S. Suzuki, M. Suzuki, Antitumor effect of hexa-N-acetylchitohexaose and chitohexaose, Carbohydr. Res. 151 (1986) 403–408. doi:10.1016/S0008-6215(00)90359-8.
9. S.-K. Kim, N. Rajapakse, Enzymatic production and biological activities of chitosan oligosaccharides (COS): A review, Carbohydr. Polym. 62 (2005) 357–368. doi:10.1016/j.carbpol.2005.08.012.
10. I.W. Hillyard, J. Doczi, P.B. Kiernan, Antacid and Antiulcer Properties of the Polysaccharide Chitosan in the Rat, Exp. Biol. Med. 115 (1964) 1108–1112. doi:10.3181/00379727-115-29128.
11. R. Jayakumar, M. Prabakaran, R. Reis, J. Mano, Carbohydr. Polym. 2005, 62 (2), 142–158. DOI: 10.1016/j.carbpol.2005.07.017.
12. R. Jayakumar, N. Nwe, S. Tokura, H. Tamura, Int. J. Biol. Macromol. 2007, 40 (3), 175–181. DOI: 10.1016/j.ijbiomac.2006.06.021.

13. Vida Zargar, Morteza Asghari, Amir Dashti "A Review on Chitin and Chitosan Polymers: Structure, Chemistry, Solubility, Derivatives, and Applications" ChemBioEng Rev 2015, 2, No. 3, 204–226 DOI: 10.1002/cben.201400025.
14. M.N.V. Ravi Kumar / Reactive & Functional Polymers 46 (2000) 1 –27.
15. Renu Singh • C. N. Murthy Synthesis and characterization of hydrogels from template polymerization of acrylic acid on to modified chitosan Polym. Bull. (2014) 71:83–92. DOI 10.1007/s00289-013-1046-5.
16. Jianhong Yang, b' 1, Jun Caib, Ying Hub, Dinglong Lia, Yumin Duc Preparation, characterization and antimicrobial activity of 6-amino-6-deoxychitosan Carbohydrate Polymers 87 (212) 202-209.

Қирғизбаев Хусниддин Хасанбаевич, Мухитдинов Бахтиёр Икромович, Амонова Дилноза Мухтаровна\*, Бойдедаев Азизбек Анваржон ўғли, Тураев Аббосхон Сабирханович, Нормакхаматов Нодирали Сохобаталиевич

### ИССЛЕДОВАНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ РЕАКЦИИ ДЕПОЛИМЕРИЗАЦИИ ХИТОЗАНА

Институт биоорганической химии Академии наук Республики Узбекистан  
E-mail: amonovadilnoza@gmail.com.

В данной работе изучены условия реакции радикальной деполимеризации высокомолекулярного хитозана с пероксидом водорода. Реакции проводили в разное время с различными концентрациями перекиси водорода, и анализировали изменения размера молекул и выхода полученного продукта. В ходе исследования были получены образцы низкомолекулярного хитозана со значениями степени полимеризации 406-17 ( $M_w = 65,7-2,8$  кДа) и определены оптимальные условия реакции. Строение полученных образцов низкомолекулярного хитозана исследовали методом ИК-спектроскопии.

**Ключевые слова:** низкомолекулярный хитозан, радикальная деполимеризация, хитоолигосахариды, индекс полидисперсности, степень полимеризации

Kirgizbayev Husniddin Hasanbayevich, Muhitdinov Bahtiyor Ikromovich, Amonova Dilnoza Mukhtarovna\*, Boydedayev Azizbek Anvarjon og'li, Turaev Abbaskhan Sabirkhanovich, Normakhamatov Nodirali Soxobataliyevich

### STUDY OF FEATURES OF DEPOLYMERIZATION REACTION OF CHITOSAN

Institute of Bioorganic Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

\* E-mail: amonovadilnoza@gmail.com.

In this work, we studied the conditions for the reaction of radical depolymerization of high molecular weight chitosan with hydrogen peroxide. Reactions were carried out at different times with different concentrations of hydrogen peroxide, and changes in molecular size and yield of the resulting product were analyzed. In the course of the study, samples of low-molecular-weight chitosan with a degree of polymerization of 406-17 ( $M_w = 65.7-2.8$  kDa) were obtained and the optimal reaction conditions were determined. The structure of the obtained samples of low molecular weight chitosan was studied by IR spectroscopy.

**Key words:** low molecular weight chitosan, radical depolymerization, chitoooligosaccharides, polydispersity index, degree of polymerization.

УДК 581.582.284.3

Гаффоров Юсуфжон Шерматович<sup>1\*</sup>, Абдуразақов Азиз Абдукаҳорович<sup>1,2</sup>,  
Нормаҳаматов Нодирали Соҳобаталиевич<sup>3</sup>, Хожиматов Олимжон Каҳҳарович<sup>1</sup>, Буссманн  
Раинер Вилли<sup>4</sup>

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАЪЗИ ДОРИВОР АФИЛЛОПОРОИД БАЗИДИОМИЦЕТ ЗАМБУРУҒЛАРИНИНГ ЭТНОМИКОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРИ

<sup>1</sup>ЎзР ФА Ботаника институти,

<sup>2</sup>Андижон давлат университети,

<sup>3</sup>Тошкент фармацевтика институти,

<sup>4</sup>Ильи давлат университети

\* e-mail: [gafforov@gmail.com](mailto:gafforov@gmail.com)

Ўзбекистоннинг баъзи доривор афиллопороид базидиомицет замбуруғларининг этномикологик маълумотлари келтирилган. Илмий тадқиқот натижаларига кўра, 1 бўлим, 2 тартиб, 5 оила, 7 та (*Bjerkandera*, *Fomes*, *Lentinus*, *Cerioporus*, *Laetiporus*, *Ganoderma*, *Inonotus*) туркумга мансуб 7 доривор афиллопороид базидиомицет турлари аниқланди. Улар *Cupressaceae*, *Salicaceae*, *Sapindaceae*, *Juglandaceae* ўсимлик оилаларига қирувчи *Acer*, *Juniperus*, *Juglans*, *Salix* ва *Populus* туркум турларида учраши ўрганилди. Шунингдек, доривор замбуруғларнинг систематик ўрни, макроморфологик тавсифи, турли тилларда номланиши, халқ табобати ва замонавий тиббиётда ишлатилиши ҳақида маълумотлар берилди.

**Калит сўзлар:** Этнобиология, Этномедицина, доривор замбуруғлар, халқ табобати, анъанавий тиббиёт, Basidiomycota, макроморфология, систематика.

Афиллопороид базидиомицетларнинг кўплаб турлари шу жумладан, *Ganoderma*, *Phellinus*, *Inonotus*, *Fomes*, *Trametes* ва бошқа туркум вакиллари минг йиллар давомида халқ табобатида ишлатиб келинади. Айниқса, Шарқий Осиё, Хитой, Япония ва Корея давлатларида афиллопороид замбуруғлардан анъанавий тиббиётда фойдаланиш жуда ҳам яхши йўлга қўйилган. Дунё бўйича истеъмол қилинадиган 2000 дан ортиқ замбуруғ турлари мавжуд бўлиб, шу жумладан уларнинг 700 га яқин вакиллари фармакологик таъсирга эга турлардир [1]. Ҳозирги кунда доривор замбуруғларни кўплаб этномиколог ва тиббиёт тадқиқотчилари томонидан ўрганилмоқда. Айниқса, замонавий тиббиёт учун энг муҳим бўлган замбуруғлар, саратонга қарши ва иммунитетни кўчайтириш хусусиятга эга бўлиб, улар полисахаридлар ва оксил-полисахарид комплексларининг улкан манбаи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар кўпроқ саратон касаллигига қарши фаоллик кўрсатадиган ва иммунитет тизимини

муштаҳкамлашга ёрдам берадиган афиллопороид базидиомицетлар гуруҳи вакилларига эътибор қаратмоқдалар. Бугунги кунда полисахаридлар кўпгина Жануби-шарқий Осиёдаги мамлакатларда инсонларни турли хасталиклардан даволашда ишлатиладиган кўпгина дори воситалари ва биологик фаол озучавий кўшимчаларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги кунда Америка, Европа ва Шарқий Осиё ва бошқа кўпгина давлатлар олимлари доривор замбуруғларнинг анъанавий ва ноанъанавий тиббиётда ишлатилиши билан бир каторда уларнинг маълумотлар базасини яратиш устида ишламоқдалар.

Ўзбекистонда микологик тадқиқотлар XX асрдан бошлаб турли олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, айнан доривор замбуруғлар эътиборсиз қолдирилиб, хусусан, уларни халқ табобатида ишлатилиши бўйича маълумотлар жуда кам эканлиги қайд этилди [2-4]. Ўзбекистонда доривор замбуруғларни ханузгача тўлиқ ўрганилмаган бўлиб,



уларни халқ табобатида ишлатилиши бўйича маълумотлар жуда кам [4,5]. Ҳозирги кунда Республикамизнинг доривор замбуруғлари устида этномикологик тадқиқотлар олиб бориш ва уларни миллий базасини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон доривор замбуруғларини этнобиологик жиҳатида ўрганиш.

Шу мақсадида биз 2021-2023 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон халқ табобатида ишлатиладиган доривор ва йўқолиш хавфи остидаги ўсимликларнинг электрон депозитарийси-ни яратиш” давлат илмий-амалий лойиҳаси ва МУК-2021-46 “R&D of bioactive polysaccharide from medicinal basidiomycetes *Phellinus linteus* grown in Uzbekistan” мавзусидаги Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида Республикамиз вилоятларининг доривор ўсимликлари ва замбуруғларининг таксо-номик таҳлили, тарқалиши, конспектини шакллантириш, маълумотлар базасини яратиш ва уларни халқ табобатида фойдаланишни ҳужжатлаштириш бўйича илмий ишларни бошладик. Ушбу мақолада келтирилган доривор замбуруғлар бўйича олинган илмий натижалар лойиҳалар доирасида бажарилган.

#### Тажриба қисми

**Тадқиқот объекти ва усуллари.** Дала тадқиқотлари ва намуналарни йиғиш: Тадқиқотлар 2021 йил Тошкент, Наманган, Фарғона, Жиззах вилоятларига тегишли ҳудудларда тарқалган афиллопороид базидиомицет макромицетларни таксономик таҳлили ва уларни этномикологик маълумотларини ўрганишга қаратилди. Микологик илмий изланиш режали стационар сафарлар тарзида амалга оширилиб, тадқиқот объекти сифатида ушбу ҳудудда тарқалган доривор замбуруғлар олинди. Афиллопороид базидиомицет замбуруғларининг гербарий намуналари йиғилиб, уларнинг терилган санаси, ким томонидан терилганлиги ва бошқа маълумотларга эътибор қаратилди. Гербарий намуналари Ботаника институтининг Микология лабораториясида турларни таксономик тарқибини аниқлаш мақсадида, турли аниқла-

гичлар ва монографиялардан фойдаланилди. Замбуруғларнинг гербарий намуналарини морфологик текшириш ишларини бажаришда N – МБИ – 15 русумли Биолам ва 300M (HDCE – X5) русумли тринокуляр микроскопларидан фойдаланилди. Шунингдек, доривор замбуруғ ва хўжайин ўсимликларининг номлари Indexfungorum (Мурожат этилган сана: 16.06.2021) ва Theplantlist (Мурожат этилган сана: 16.06.2021) халқаро базалари асосида берилди.

Этномикологик маълумотларни тўплаш. Маълумотлар адабиёт таҳлили ва дала суҳбатлари, кишлоқ аҳолиси, чўпонлар билан оғзаки интервьюлар, мунозаралар асосида олинди [6]. Шунингдек, замбуруғларнинг маҳаллий номлари, ишлатилиши, яшаш жойи, турларнинг мавсумийлиги, сотилиши, ишлатилиш шакллари, қайта ишлашга тайёрлаш ва улардан консерва маҳсулотлари тайёрлаш бўйича суҳбатлар қилинди. Бундан ташқари, суҳбатда замбуруғларнинг ҳозирги ҳолати бўйича маълумотлар олинди.

**Натижалар ва уларнинг муҳокама-си.** Доривор базидиомицет замбуруғларнинг хилма-хиллиги ва таксономик таҳлили: 2021 йилда Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Наманган вилоятларида олиб борилган микологик тадқиқотлар натижасига кўра 1 бўлим, 2 тартиб, 5 оиласига кирувчи *Bjerkandera*, *Fomes*, *Lentinus*, *Cerioporus*, *Laetiporus*, *Ganoderma* ва *Inonotus* туркумларига мансуб 7 та доривор афиллофороид базидиомицет турлари аниқланди (1-жадвал). Аниқланган доривор замбуруғлар *Cupressaceae*, *Salicaceae*, *Sapindaceae*, *Juglandaceae* ўсимлик оилаларига мансуб *Acer*, *Juniperus*, *Juglans*, *Salix* ва *Populus* туркум турларида учраши қайд қилинди (1-жадвал). Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда доривор афиллофороид базидиомицет замбуруғлар кўпроқ ёнғоқ (*Juglans regia* L.) ва тол (*Salix* sp.) дарахтларида учраши аниқланди. Замбуруғларни бундай тарқалиши қонуниятга сабаб сифатида Республикамиз флорасида асосан баргли дарахт ўсимликларининг кенг тарқалганлиги билан боғлаш мумкин [4,7-10]. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 100

дан ошиқ доривор афиллофороид базидиомицет замбуруғларнинг учрайди [5, Гаффоров чоп этилмаган маълумот].

Доривор афиллофороид базидиомицетларнинг морфологик, систематик ўрни, халқ табобати ва замонавий тиббиётда ишлатилиши

**ОЛАМ:** FUNGI/MYCOTA

**БЎЛИМ:** BASIDIOMYCOTA

**ТАРТИБ:** POLYPORALES

**ОИЛА:** MERULIACEAE

**ТУРКУМ:** BJERKANDERA

*Bjerkandera adusta* (Willd.) P. Karst., Meddn Soc. Fauna Flora fenn. 5: 38 (1879) (1 -расм).

**Морфологик тавсифи**

*Меватанаси:* одатда меватанаси 5-7 см гача ёки ундан катта бўлади, эни 2-5 см

гача, меватана дарахт танасида дастлаб овалсимон доғ шаклида пайдо бўлиб вақт ўтиши билан кенг ёпишган холда тарқалади, шакли чўзиқ қавариксимон, кулранг-жигар ранг четки қисмлари ок рангда бўлади, кейинчалик ярим доира шаклига ўтади, ён томонга ёпишган, терига ўхшаш, кўпинча ёнбош қирралари билан бирлашган, юқори қисми ингичка қаттиқ ёки эшкак қирраси ўхшаш тўсик билан ўралган, бу тўсик баъзан тўлқинсимон шаклда, замбуруғларни ёш меватаналари оқиш ғубор, сарғиш, вақт ўтиши билан улар жигар ранг, тўқ-жигар рангга сўнгра улар кулранг-жигар ранг четлари оқиш рангига эга бўлади, айниқса, юқори нам об-ҳаво шароитида тезда қора рангга қиради.



1-расм. *Bjerkandera adusta* (Willd.) P. Karst. – *Juniperus* sp, Жиззах вилояти, Нурота давлат кўрикхонаси, янги ҳаётсой, Нурота тоғи.

*Найчали қатлам:* найчалари асосан майда ғовакли бўлиб, улар дарахт танасининг юзасида кенг тарқалиб чуқур тушган, найчалар замбуруғ меватанасининг четки қисмигача бормайди (четлари оқ чизик билан чегараланган), оқиш, кейинчалик вақт ўтган сари кулранг бўлиб, аста-секин жигар ранг-кул ранггача, деярли қора бўлади, қўл билан босилганда тезда қора рангга қиради. *Юмшоқ қисми:* ингичка, чармли, қаттиқ, оқиш ёки кул ранг-сарғиш, кучсиз аччиқ ҳидга эга.

*Яшаш шароити ва тарқалиши:* май ойининг охиридан то ноябргача кенг барг-

ли дарахтларда, жуда кам ҳолларда тирик дарахтларнинг тагида, жамоа ёки тарқок холда тарқалади. Оқ чириш касаллигини келтириб чиқаради. Ўтган йилги курук меватаналари баҳорда учрайди. Асосан Шимолий ярим шарда тарқалган.

**Истеъмол қилиниши:** истеъмолга яроқсиз.

**Номлари:** Ўзбекча: тутунсимон пўкак. Инглизча: Smoky polypore. Русча: Бьеркандера опалённая.

**Халқ табобатида қўлланиши:** Анъанавий хитой тиббиётида бачадон саратони даволаш учун ишлатилади [1]

1-жадвал

Доривор афиллофороид базидиомицетларнинг таксономик таркиби

Бўлим	Тартиб	Оила	Туркум	Тур	Субстрат	Тарқаллиши
Basidiomycota	Polyporales	Meruliaceae	<i>Bjerkandera</i>	<i>Bjerkandera adusta</i>	<i>Juniperus sp.</i>	Жиззах вилояти
		Polyporaceae	<i>Fomes</i>	<i>Fomes fomentarius</i>	<i>Juglans regia</i>	Тошкент вилояти
			<i>Lentinus</i>	<i>Lentinus tigrinus</i>	<i>Salix sp.</i>	Тошкент вилояти
			<i>Cerioporus</i>	<i>Cerioporus squamosus</i>	<i>Juglans regia</i>	Наманган вилояти
		Fomitopsidaceae	<i>Laetiporus</i>	<i>Laetiporus sulphureus</i>	subsp. <i>semenovii</i> <i>Acer tataricum</i>	Жиззах вилояти
	Ganodermataceae	<i>Ganoderma</i>	<i>Ganoderma adpersum</i>	<i>Acer saccharum</i>	Тошкент шаҳри	
Hymenochaetales	Hymenochaetaceae	<i>Inonotus</i>	<i>Inonotus hispidus</i>	<i>Populus pruinosa</i>	Фарғона вилояти	
1	2	5	7	7	6	

**Замонавий тиббиётда қўлланиши:**  
Кўпгина давлатларда одам организмидаги яллиғланишларни даволашда кенг қўлланилади, турли микроорганизмлар, замбуруғ ва вируслар билан боғлиқ бўлган касалликларда ишлатилади [11].

**ОИЛА: POLYPORACEAE**

**ТУРКУМ: FOMES**

***Fomes fomentarius* (L.) Fr., Summa veg. Scand., Sectio Post. (Stockholm): 321 (1849). (2 – расм).**

**Морфологик тавсифи**

**Меватанаси:** жуда катта, қалин, кўп йиллик, узунлиги 40 см гача ва энига 20 см гача баъзан 75 см катталиқда ҳам бўлади. Илк бор очроқ, ҳаракатсиз, дарахт танасига ён томонлама ёпишган, дастлаб буйраксимон, юмалоқ, сўнгра эса таёксимон ёки бошқа шаклларга киради, каттик бўлади. Меватананинг юқори қисми нотекис, хира, тизмалари асосан жўяксимон бўлиб, қуюқ бўлмалар билан

ажралиб туради, ушбу бўлмалари кавариб кирган. Асосан жигар ранг, четларини кулранг, тўқ кулранг ёки жигар ранг кулранг, кулранг-охра рангидаги ёғоч пўстлоқлари билан қопланган. Пастки қисми горизонтал равишда текис ёки бироз кавариқ бўлади. **Юмшоқ қисми:** вояга етган замбуруғнинг юмшоқ қисми жуда зич, баъзан юмшоқ ва ёғочли бўлиши мумкин. Кесилганида, у баҳмалга ўхшайди, баҳмалга айланади. Кўнғир, кўпинча жигар ранг, қуюқ қизил-жигар ранг, баъзан эса ёнғоқ ранги каби бўлади. **Найчали қатлам:** майда ғовакли, текис, найчали гименофорасида енгил, юмалоқ споралар мавжуд. оқиш ёки кулранг, жигар ранг-кулранг, қўл текканда қораяди. Бармоқ билан босилганда ранги қора рангга ўзгаради. Спора кукуни оқ рангга эга ва 14-24 × 5-8 микрон ўлчамда. Улар тузилиши бўйича силлиқ, чўзинчоқ, рангга эга эмас.



**2 - расм.** *Fomes fomentarius* (L.) Fr. – *Junglans regia*, Тошкент вилояти, Угом-Чоткол Миллий табиат боғи, Угом тизмаси, Фарбий Тиён-Шон тоғи.

**Яшаш шароити ва тарқалиши:**  
сапротроф ва паразит хусусиятига эга. Ушбу замбуруғларни ривожланиши баҳордан то кеч кузгача тоғли ўрмонларда ва боғларда, тўнка, қуриган, кенгбарли

дарахтларда, камдан-кам ҳолларда заифлашган тирик дарахтларда учраб, ёз фаслида уларни ривожланиши пасаяди. Бу замбуруғлар дарахтларда “оқ чириш” касаллигини келтириб чиқаради. Паразит

озукланиши туфайли ёғочли тўкиманинг нимжонланишига ва нобуд бўлишига олиб келади. Пўкак сапротроф замбуруғлар тоифасига киради. Ушбу тур Европа қитъасида кенг тарқалган [12]. Бу тур Марказий Осиёнинг ҳамма жойларида тарқалган. Ҳақиқий пўкак асосан кенг баргли дарахт турларида паразитлик қилади.

**Истеъмол қилиниши:** истеъмолга яроқсиз.

**Номлари:** Ўзбекча: Ҳақиқий пўкак. Инглизча: Tinder fungus, False tinder fungus, Hoof fungus, Tinder conk, Tinder polypore or Ice man fungus. Русча: Трутовик настоящий.

**Халқ табобатида қўлланиши:** Чой сифатида ичилганда иммунитетни мустаҳкамлашда, геморройда, сийдик пуфаги, турли бузилишлар, бош оғриғи, терлаш, танани турли қисмларни қизитиш, қон кетишни тўхтатишда ҳамда турли касалликлар профилактикасида қўлланилади.

**Замонавий тиббиётда қўлланиши:** Кўпгина Европа давлатларида антисептик сифатида ва қон кетишига қарши, организмдаги саратоннинг турли хил турлари шунингдек, ошқозон саратонига қарши экстракт сифатида кенг

қўлланилади, антиоксидант, ферментатив, вирус, бактерия ва замбуруғларга қарши ҳамда яллиғланишга қарши таъсирларига кўра ишлатилади [13].

**Ҳунармандчилик ва урф-одатлардаги бошқа мақсадлар:** меватанасидан бош кийим, тасма, сумка, чўтка ва қаламлар учун ғилоф, расм чизиш учун материаллар, кўзойнак ва мониторларни ўраш учун материаллар тайёрланади [14].

**ТУРКУМ: LENTINUS**

***Lentinus tigrinus* (Bull.) Fr., Syst. orb. veg. (Lundae) 1: 78 (1825). (3-расм).**

**Морфологик тавсифи.**

**Қалпоқчаси:** диаметри 4-8 (баъзан 10 см) см гача. Дастлаб каварик, чекка қисмлари эгри, кейинчалик ботиб кирган бўлади. Қурук, зич, терили. Ранги-оқ, оқиш, бироз сарғиш, қаймоқ ранг, ёнғок ранг. Конуссимон тарзда жойлашган оч-жигар ранг, деярли қора толали мўйнали туклар билан қопланган, кўпинча қуюқрок ва қалпоғини марказида жойлашган. Ёш меватаналарининг юқори қисми бурилган, сўнгра марказга қараб чуқурлашиб эгилиб боради, воронка шаклида, ингичка, кўпинча нотекис ва ёрилиб кетган қиррага эга бўлади.



**3 - расм.** *Lentinus tigrinus* (Bull.) Fr. – *Salix* sp., Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Угом-Чотқол Миллий табиат боғи, Жанубий-Ғарбий Тиён Шон.

**Пластинкалар:** пастга караган, сезиларли даражада нотекис, кирралари майда тишли, сарғиш, кейинроқ ёнғокранга киради. Базидиоспораларининг кукуни ок рангда бўлади. **Оёқлари:** Бу замбуруғнинг оёқлари турли узунликда бўлиб, бизни материалларимизда унинг узунлиги 4-8 см ва эни эса 1,5 см гача боради, оёқлари марказий ёки эксцентрик шаклда жойлашган. Зич, қаттик, текис ёки бироз каварикли. Цилиндрсимон, юқорига қараб торайган, пастки қисмида уни торайтирилган тарзда чўзиш ва дарахтга ботириш мумкин. Пластинка ва оёқларининг туташган жойлари остида халқа шаклидаги "тасма" бўлади. Оёқлари оқ, жигар ранг, тўқ-жигар ранг. Кичик концентрик, жигар ранг, сийрак "сўгал"лар билан копланган. **Юмшоқ қисми:** ингичка, зич, қаттик, терига ўхшаш. Оқ, оқиш, баъзан ёшга қараб сарғаяди.

**Яшаш шароити ва тарқалиши:** баҳор ва куз фаслининг то сентябргача учрайди. Ўзбекистоннинг жанубий тоғли ҳудудларида – апрелдан ўсишни бошлайди. У асосан кенг баргли эман, терак, тол ва мевали дарахтларда ўсади. Ахён-ахёнда учрайди, лекин камёб замбуруғларга кирмайди. Асосан Шимолий ярим шарда тарқалган бўлиб, Европа ва Осиёнинг бир қанча давлатларида учрайди. Марказий Осиёда ўрмонларда, боғларда, йўл четларида, айниқса ёнғок, терак ва толларнинг кесилган жойларда кўп учратиш мумкин [4,9].

**Ҳиди ва таъми:** алоҳида ҳид ёки таъмли, аммо кучсиз ҳиди бор. Баъзи манбаларда "ўткир" ҳидли деб келтирилади. Афтидан, таъм ва ҳиднинг шаклланиши учун унинг қайси дарахтда ўсиши ва ривожланиши муҳим.

**Истеъмол қилиниши:** ёшлигида истеъмол қилса бўлади, фақат тахминан 25 дақиқа қайнатиб олиш керак.

**Номлари:** Ўзбекча: Йўлбарс арраси, Инглизча: Tiger Sawgill, Русча: Пилолистник тигровый.

**Халқ табобатида қўлланиши:** Озиқ-овқат ва доривор замбуруғ сифатида кенг қўлланилади. Иссиқ сувда

тайёрланган кукуни курук йўтал ва астмани енгиллаштишда ишлатилади, хом шаклида нам йўтал учун фойдалидир. Меватананинг хом бўлақларини лимон шарбати билан бирга аралаштириб ичса ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайти [15].

**Замонавий тиббиётда қўлланиши:** Антибактериал, гипогликемик (қонда канд миқдорининг нормадан ушлаш) ва антиоксидант сифатида.

ТУРКУМ: *CERIOPORUS*

*Ceriporus squamosus* (Huds.) Quél., *Enchir. fung.* (Paris): 167 (1886). (4-расм).

**Морфологик тавсифи.**

**Қалпоқчаси:** Диаметри 10-20 (40-60) см, энига 12-24 см, дастлаб буйраксимон шаклида, кейинроқ чўзилган шаклида, қалин, барралигида юмшоқ гўштли бўлиб, баъзида оёғининг остигача тушади, эгри чизиқли, сўнгра ингичка қирра билан меватананинг четигача боради, юзаси оч ёнғокранг, кул ранг сарғиш, қаттик босилганда концентрик доиралар пайдо бўлиб, тўқ жигар ранг ёки жигар ранг доғлар пайдо қилади. **Гименофора:** оч ранга эга ғовакли, катта бурчакли хужайралардан иборат. Юмалоқ бир нечта қалпоқча шаклида. Спора кукуни ок рангга эга. **Оёқлари:** оёқчаларининг узунлиги 4-6 (10) см гача, диаметри 2-4 см, қалин, йўғон, қалпоқчада латерал, эксцентрик ҳолда жойлашади, улар зич, юқоридан - енгил, тўрсимон, пастки қисми қора-жигар рангда бўлади. **Юмшоқ қисми:** зич, гўштли, қаттик.

**Яшаш шароити ва тарқалиши:** май ойининг ўрталаридан то август ойининг охиригача ўсади, шунингдек, баъзи ҳудудларда куз фаслининг ўрталари ва охирларида кенг баргли ўрмонларда, боғларда, тирик ва қуриган дарахтларда (кўпинча тўнкаларида) яқка ёки жамоа бўлиб, ҳар йили ўсади. Дарахтларда ок (сарик-жигар ранг) марказий чиришга олиб келади.

**Истеъмол қилиниши:** Ёшлигида мазали ейиладиган кўзикорин (4 тоифали) – ёш меватаналари тахминан 30 дақиқа қайнатилиб, сўнг истеъмол қилса бўлади. Кўзикориндан тайёрланган озука

қоришмаси пироглар учун мазали маҳсулот ҳисобланади. Шунингдек, ёш меватаналар эскиларига қараганда ейиш учун яхши мазали таъм ва ҳидга эга бўлади [16].


**Ҳиди ва таъми:** хушбўй ҳидли, кейинроқ меватанаси каттиқ ва кўпол бўлади.

**Номлари:** Ўзбекча: Рангли пўкак, Инглизча: Dryad's saddle and Pheasant's back mushroom, Русча: Трутовик чешуйчатый, трутовик пёстрый, пестрец, заячник, вязовик.

**Халқ табобатида қўлланиши:** Анъанавий хитой тиббиётида бу замбуруф

оғриқ қолдирувчи восита ва бўғим касалликларини даволашда фойдаланилган [17].

**Замонавий тиббиётда қўлланиши:** ушбу замбуруфда турли хил биологик фаол моддалар бўлганлиги туфайли тиббиётда кўп ишлатилади: сийдик ҳайдашда, бактерия, замбуруғларга қарши, нефропротектив, хужайра токсинлари, иммунитетни кучайтирувчи, яллиғланишга қарши ва антиоксидант сифатида, шунингдек микробларга қарши восита сифатида ишлатилади [18-20].



4-расм. *Ceriporus squamosus* – *Juglans regia* тўнқасидан, Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак кишлоғи

**ОИЛА:** FOMITOPSIDACEAE

**ТУРКУМ:** LAETIPORUS

***Laetiporus sulphureus* (Bull.) Murrill,**

Mycologia 12(1): 11 (1920). (5-расм).

**Морфологик тавсифи.**

**Меватанаси:** диаметри 90 см, консол, қалин, юзаси нотекис, ён томонлама ёпишган, юмалоқ, фатасимон, қирралар қалин овалсимон, вақт ўтиши билан тўлқинсимон ёки ингичка бўлади. Юзаси сариқ-тўқ сариқ, тўқ сариқ, пушти-тўқ сариқ, кўпинча четлари сарғиш қиррага эга. Меватананинг оғирлиги 5 кг гача боради. **Гименофора:** пастки қисмида майда ғовакли поралардан иборат, олтингугурт-сариқ рангга эга. **Юмшоқ**

**қисми:** гўштли, қалин; ёшлигида юмшоқ ва сувли, ўзига хос ҳидга эга бўлган оч сариқ, кейинроқ каттиқ ва ёғочли бўлиб боради. Қариган меватаналари ҳашаротлар билан кучли зарарланади. **Найчали қатлам:** ғовакли бўлиб, улар сариқ, ёшлигида оқ рангга бўлади. Поралари думалоқ ёки бурчакли 2-4 мм баъзан 5 мм гача боради, вақт ўтиши билан пораларининг ранги хиралашади. Споралар кукуни оқ рангга.

**Яшаш шароити ва тарқалиши:** дастлаб ўрмонларда пайдо бўлади, баҳор фасли яъни май ойининг бошларидан куз фаслининг сентябрь ойигача (май ойининг охиридан июнь ойининг учинчи ўн кунигача) кенг баргли ўрмонларда,

заифлашган, зарарланган дарахтларда (кўпинча эман, тол, шумтол) - баргли чинорлар, ноклар), боғларда, якка ва ёки жамоа холида ўсади. Тик турган ва кулаб тушган эман дарахтлари ва бошқа каттик

дарахтларда жигар ранг ўзак юрак чиришига олиб келади. Сапротроф ёки жигар ранг ўзак чиришига олиб келадиган хавфли паразит.



**5-расм.** *Laetiporus sulphureus* – *Acer tataricum* subsp. *semenovii* (Regel and Herder) A.E. Murray, Жиззах вилояти, Зомин тумани, Зомин Миллий табиат боғи

**Истеъмол қилиниши:** Фақат меватанаси ёшлигида истеъмол қилиш мумкин. Универсал (4 та тоифадаги) кўзикорин (тахминан 30-45 дақиқа давомида қайнатилади). Ёш меватаналари козурилган, тузлама ва тузланган салатларга ишлатилади. Замбуруғларнинг қуриган ёш меватанаси, майдаланган гўшт ва тухумдан тайёрланган фаршни, пироглар учун ишлатиш мумкин.

**Номлари:** Ўзбекча: Кул ранг-сарғиш пўкак, кўпинча "ўрмон товуғи" деб номланади. Инглизча: Bracket fungus, crab-of-the-woods, sulphur polypore, sulphur shelf, and chicken-of-the-woods., Русча: Трутовик серно-желтый.

**Халқ табобатида қўлланиши:** иситмани тушириш, йўтал, ошқозон саратони ва ревматизм каби касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Шунингдек, меватанасини тутатиш орқали чивинларни ва пашшаларни ҳайдашда ҳам қўлланилган.

**Замонавий тиббиётда қўлланиши:** ушбу замбуруғ дори воситаларидан иммуномодулятор, саратонга қарши, гемагглютинация, антикоагулянт, антиоксидант, бактерия, замбуруғ ва ҳашаротларга қарши ишлатилади, яраларни даволаш, ОИТСга қарши ва турли оғрик қолдирувчи сифатида ишлатилади [21].

**ОИЛА:** GANODERMATACEAE

**ТУРКУМ:** GANODERMA

***Ganoderma adpersum* (Schulzer) Donk**, Proc. K. Ned. Akad. Wet., Ser. C, Biol. Med. Sci. 72(3): 273 (1969). (6-расм).

**Морфологик тавсифи.**

**Меватанаси:** кўп йиллик, текис (бироз туёкка ўхшаш), баъзан эса аккретланган. Меватаналарининг ўлчамлари узунлиги 5 - 75 (одатда 5 - 40) см гача, калинлиги 1,5 - 12 см оралигида. Меватаналарининг юзаси хира, тери пўстига ўхшаш, шоколад-жигар ранг, кул ранг жигар ранг, одатда нотекис,



концентрик доира зоналари (кўпинча оқ киррали). Қирраси бир оз хира, дастлаб оқарган, кейин жигар ранг, пастдан пушти. Бўлимда ингичка, каттиқ, жигар ранг қобик аниқ кўриниб туради. Муайян хусусияти шундан иборатки, меватанаси ҳар доим базидиоспораларнинг зангсимон-жигар ранг споралар кукуни билан қопланган бўлади. Ушбу спора кукуни шамол ёрдамида осонгина кетади, агар меватанаси ювилса, унинг юзаси хира кул ранг-жигар рангга эга бўлади. Меватанаси кулранг жигар рангдан зангсимон жигар ранггача, ташки томони доимий равишда ўсиб борувчи оқиш ёки оқ рангга эга. Споралари - атрофга споралар -зангори-жигар рангдаги спора кукуни жуда кўп тарқалади. Улар кесилган овоид шаклга эга. Меватанасининг спорали кукунни (гименофор) кўтарадиган найчали, оқ рангга эга. Бироз қаттиқ босилганда у дарҳол қорамтир бўлиб қолади. *Гименофора, найчали қатлам:* найчали қатламлари дастлаб оқ (босилганда ёки шикастланганда у жигар тусга киради), вақт ўтиб борган сари бир оз жигар ранг ёки сарғиш, охири жигар ранг-зайтун ранггача қораяди. Қариган меватанасидаги бир нечта найчалар қатлами бир-бирининг устида жойлашган бўлади. Йилига ўсиб борувчи найсимон қатлам 4-12 мм қалинликда бўлиб, эски қатламдан жигар

ранг чегара билан ажралиб туради. *Говаклари* оқ, юмалоқ, чуқур, кўзга кўринмас, одатда 4-7 ммгача бўлади. *Юмишқ қисми:* ингичка, гўштли, жигар рангдан долчин ранггача (камдан кам ҳолларда) ёғочли қаттиқ, агар синган бўлса, ичкари қисми толали бўлади. Ранги жигар ранг, шоколад-жигар ранг, каштан ранг. Эски замбуруғ хира рангга эга бўлади.

**Яшаш шароити ва тарқалиши:** Йил давомида тез-тез учрайди, кўп йиллик. У асосан шимолий ярим шарнинг мўътадил зонасида кенг тарқалган. Сапротроф, баъзан паразит. Замбуруғ тури тирик дарахтларда жуда кам учрайдиган кенг баргли дарахтлар (айниқса, кўпинча қайинларда) ва игнабаргли дарахтларда ва қуриган ёғоч қисмида яшайди. Кенгбаргли дарахтларнинг қуриган ёки жароҳат олган тирик дарахтларнинг яраларида яқка ёки гуруҳ бўлиб ўсади. Бу замбуруғ тури оқ ёки ўзак чиришини келтириб чиқаради. Кўпгина қаттиқ дарахт турларида учрайди [22].

**Истеъмол қилиниши:** истеъмол қилиб бўлмайди.

**Номлари:** Ўзбекча: Поғанасимон ганодерма хилма-хил пўкак, Инглизча: Shelf fungus, Русча: Трутовик разнообразный.



6-расм. *Ganoderma adspersum* – *Acer saccharum* Marshall, Тошкент Ботаника боғи.

оз тўқроқ тусда, узунлиги 0.5-5 см гача боради, тешиклари асосан юмалоқ, ёки бурчакли, дастлаб қалин деворлари бутун киррали бўлиб, кейинчалик бўлиниб кетиши оқибатида тишли бўлади, жигар ранг-зангсимондан жигар ранггача. **Юмшоқ қисми:** қалинлиги 5 см гача, гўштли, сувли, жигар ранг, юқори ва ёнбош томонлари оқиш бўлиб, турли рангда, бўлақларга ажралмаган. Кесилган жойида нурли-толали, сариқ ёки кизғиш, баъзан турли техник таъсирлардан қораяди. Калий гидроксид таъсир қилганда кора тусга қиради.

**Яшаш шароити ва тарқалиши:** Шимолий ярим шарнинг мўтадил минтакаларда арча, чинор, каштан, алдер, қайин, финдиқ, дўлана, олма, олха, фикус, ёнғок, тут ва бошқа дарахтларда учрайди. Кўпинча Марказий Осиёда эман, олма, писта, нок, чинор, терак, олхўри, мажнунтол, тоқларда учрайди [4].

**Истеъмол қилиниши:** истеъмол қилиб бўлмайди.

**Номлари:** Ўзбекча: Ёлли инонотус. Инглизча: Shaggy bracket, Русча: Трутовик щетинистый, Инонотус щетинистоволосый.

**Халқ табобатида қўлланиши:** анъанавий тиббиётда диспепсия, саратон ва диабет касаллигини даволаш учун ишлатилади. Шунингдек, паразит, диарея, умумий ички организмларни тозалаш, юрак, жигар, ошқозон касалликлари, корин оғриғи ҳамда сил касаллиги,

шунингдек, унинг дамламасидан ҳайз пайтида жинсий аъзони ва туғилгандан кейин болани таналарини ювишда антисептик сифатида ишлатилади [26].

**Замонавий тиббиётда қўлланиши:** Антиоксидант, яллиғланишга қарши восита, вирус, микроб ва замбуруғларга қарши, иммунитетни мустаҳкамловчи, антинеопластик [27].

**Хулоса.** Ушбу тадқиқот Ўзбекистондаги доривор замбуруғ турларининг этномикологик хилма-хиллиги бўйича дастлабки маълумот бўлиб, афиллопороид базидиомицетлар экологик ва иқтисодий жиҳатдан, патоген, озиқ-овқат ва дори-дармон манбалари ҳисобланади. Ушбу келтирилган этномикологик маълумотлар Республикамизда халқ табобати ва замонавий тиббиётда доривор замбуруғлардан фойдаланиш бўйича қимматли илмий маълумот бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, кам ўрганилган ҳудудларда доривор замбуруғларни ўрганиш бўйича ишларни бошлаш, шунингдек, Республикамизнинг бошқа вилоятлари ва қўшни давлатларда кенг миқёсида этнобиологик илмий ишларни бошлаш, айнан доривор замбуруғлардан анъанавий ва ноанъанавий тиббиётда ишлатилаётганини таъкидлаш билан бир қаторда уларни маълумотлар базасини яратиш ҳозирги кундаги долзарб масалага айланиб бораётгани эътироф этиш лозим.

#### Адабиётлар:

1. Wasser S. (2006). The Fungal Pharmacy: Medicinal Mushrooms of Western Canada by Robert Rogers // Prairie Deva Press, Edmonton, Alberta, Canada; Paperback; 234 p.
2. Abdurazakov A.A., Bulgakov TS, Kholmuradova TN, Gafforov YuSh. (2021). Powdery mildew fungi (Erysiphaceae) of the Fergana Valley (within Uzbekistan): a first annotated checklist //Novosti Sistematiki Nizshikh Rastanii 55-78.doi: 10.31111/nsnr/2021.55.1.55.
3. Gafforov Y. (2017). Apreliminary checklist of Ascomycetousmicrofungi from Southern Uzbekistan //Mycosphere 8(4):660-696.doi 10.5943/mycosphere/8/4/12
4. Gafforov, Y., Ordynets, A., Langer, E., Yarasheva, M., de Mello Gugliotta, A., Schigel, D., Pecoraro, L., Zhou, Y., Cai, L., & Zhou, L. W. (2020). Species Diversity With Comprehensive Annotations of Wood-Inhabiting Poroid and Corticioid Fungi in Uzbekistan //Frontiers in microbiology, 11, 598321.

5. Gafforov Y., Bao Y, Zhou LW. (2019). Biodiversity of Medicinal Aphylloporoid Fungal Resources of Uzbekistan, Central Asia //10th International Medicinal Mushroom Conference, Sep., Nantong, China.
6. Martin G.J. (1995). Ethnobotany // Springer, Boston, MA. doi: 10.1007/978-1-4615-2496-0
7. Gafforov Y., Rakhimov D. (2017). *Diplodia* and *Dothiorella* species (Botryosphaeriaceae, Ascomycota) from Uzbekistan //Journal of the Botanical Research Institute of Texas 11(2):455-467.
8. Gafforov Y, Riebesehl, J., Ordynets, A., Langer, E., Yarasheva, M., Ghobad-Nejhad, M., et al. (2017). *Hyphodontia* (Hymenochaetales, Basidiomycota) and similar taxa from //Central Asia. Botany 95, 1041–1056. doi: 10.1139/cjb.0115
9. Gafforov Y, Ordynets A. (2020). Aphylloporoid fungi of Uzbekistan. Institute of Botany of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan //Occurrence Dataset. Available online at: GBIF.org (accessed August 13). doi: 10.15468/vsru5z
10. Gafforov Y, Abdurazzokov A, Yarasheva M, Ono Y. (2016). Rust fungi from the Fergana Valley, Chatkal and Kurama Mountain Ranges in Uzbekistan //Stapfia Reports 105:161-175.
